

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Гулчехра ТЎЛАГАНОВА

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭҲТИЁТ
ЧОРАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ
МУАММОЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан магистратуранинг 5А380109 мутахассислиги
тингловчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

Тошкент - 2007

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2007 йил 16 январдаги мажлиси қарори (3-сонли баёни) билан нашрга тавсия қилинган.

Т 96.

Тўлаганова Гулчехра

Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлла-ниши муаммолари: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир **Ғ.А.Абдумажидов**, Ўзбекистон Республикаси фан арбо-би юридик фанлари доктори, профессор; –Т.: ТДЮИ, 2005. - 160 б.

Сарлавҳада: Ў Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

ББК 67.411я7

Такризчилар: **Б.Х.Пўлатов**, юридик фанлари доктори
З.Ф. Иноғомжонова, ю.ф.н. доцент

Мазкур илмий-амалий қўлланмада процессуал мажбурлов чоралари тизимида муҳим ўринни эгалловчи эҳтиёт чораларини қўллаш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган. Вояга етмаганни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви, гаров, шахсий кафиллик, жамоа ва жамоат ташкилоти кафил-лиги, қамок тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш самарадорлигини оши-риш юзасидан турли таклифлар, тавсиялар, фикр-мулоҳазалар билдирил-ган. МДХ давлатлари ва чет мамлакатларда эҳтиёт чоралари қўллани-шининг ўзига хос томонлари кўрсатиб берилган.

Қўлланма юридик соҳа хизматчилари, юридик олий ўқув юрти талабалари ва ўқитувчиларига, шунингдек процессуал мажбурлов чора-лари мавзусига қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Тўлаганова Гулчехра.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2007 йил.

*Отажоним – Зоҳиджон Ҳасановнинг
порлоқ хотираларига бағишлайман.
Муаллиф*

Кириш

Халқимизнинг бош вазифаси – ижтимоий адолатга тўла асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш экан, «қо-нунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди».

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация»сида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жумладан жиноят ишларини юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча нормалар мавжуд. Чунончи, мазкур Декларацияда «Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга» (8-модда), «Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга» (10-модда), «Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга» (12-модда)^[2], деб уқтирилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, умуминсоний кадриятларнинг устуворлиги биринчи навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилиб, уларга тўла амал қилинмоқда. Миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари, меъёрлари ўз аксини топа бошлади.

Умуминсоний кадриятлар аввало Республикамиз Конституциясининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга оид VII-бобида кўрсатиб ўтилган. Конституциянинг 26-моддасида: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилиши ҳимоя ҳуқуқининг олий даражада

таъминланганини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари билан чамбарчас боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу билан биргаликда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик-лари шарт.

Жиноят ишларини кўриб чиқадиган давлат органларининг фаолиятида бу масалалар ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки шахс жамият олдидаги процессуал мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажармаса, унинг эркинлигини мажбурлов чоралари орқали чеклашга тўғри келади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида эътиборга лойиқ бўлган асосий масалалардан бири жиноят судлов ишларида давлат мажбур-лов чораларини қўллашда шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Суриштирувчи, терговчи, проку-рор ва суд томонидан жиноят ишларини юритишда баъзи тоифадаги шахсларга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин. Бу чоралар шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муайян даражада чеклайди, бироқ уларни қўлламаздан жиноят-процессуал фаолиятни юритиб бўлмайди.

Процессуал мажбурлов чоралари ичида эҳтиёт чоралари алоҳида ўринни эгаллайди. Уларни қўллашнинг назарий ва амалий томонла-рини тадқиқ қилиш назария ва амалиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир жиноятни содир этишда айбланувчи шахсга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси инсоннинг тақдири билан боғлиқ эканлигини, ноҳақ қўлланган чора натижасида унинг ҳаёти издан чиқиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов процессуал мажбурлов чораларини янада демократлаштириш хусусида 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида шундай фикрни илгари сурдилар:” Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман

[3]

”

Қўлланма мавзусининг долзарблиги шундаки, жиноят процес-сида эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва тартибини такомиллаш-тириш, камоққа олиш тариқасидаги чоралар ўрнига кафиллик, гаров сингари енгилроқ турдаги чораларни қўллаш, камоққа олиш тарзи-даги эҳтиёт чорасини узайтириш ваколатини судга ўтказиш ва бу чора устидан судга шикоят қилиш тартибини белгилаш, бу тўғридаги қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритиш ҳозирда замон талабидир.

Республикамизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги судлар, прокуратура, адвокатура тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши, жиноий жазоларнинг либераллаштириши муносабати билан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс-ларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар инсон, унинг ҳаёти, эр-кинлиги, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини эъти-роф этиш ва уларнинг ҳаётда амалга оширилишини таъминлашга қаратилгандир.

Процессуал мажбурлов чоралари доимо тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Ўзбекистонда бу мавзуга оид баъзи муаммоларга Ғ.А.Абдумажидов, И.А.Либус, Г.П.Саркисянц, Б.А.Миренский, Б.Ҳ.Пўлатов, М.Ҳ.Рустамбоев, Ю.С.Пўлатов, З.Ф.Иноғомжонова, Г.С.Маткаримова, Н.Н.Норпўлатов, А.Дж. Давлетов, амалиёт ходимларидан А.О.Шарафитдинов ва бошқалар ўз фикрларини билдиришган. Россиялик олимлардан И.М.Гуткин, К.Ф. Гуценко, В.Давыдов, З.Д.Еникеев, В.Л.Ковалев, Ф.М.Кудин, А.М. Ларин, В.А.Михайлов, И.Л.Петрухин, А.П.Рыжаков, В.М.Савицкий, М.С.Строгович, Л.К.Трунова, В.В.Шимановский ва бошқалар эҳтиёт чораларига ўз асарларида батафсил тўхталиб ўтганлар. Аммо танлан-ган мавзунинг барча жиҳатлари комплекс равишда тадқиқ этилмаган. Амалдаги тегишли қонунларни қўллаш билан боғлиқ камчилик ва хатолар синчиклаб ўрганилган эмас. Республикада процессуал мажбурлов чораларининг самарадорлигини ошириш зарурати мавжуд.

Жамият ҳаётини демократлаштириш ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давом этаётган ҳозирги шароитда эҳтиёт чоралари институти тобора такомиллашиб бориши керак. Бунда асосий йўналиш процессуал мажбурлов чоралари қўлланишининг қонунийлиги ва асосланганли-гини таъминлайдиган самарали тизимни яратишга қаратилиши, эҳ-тиёт чораларини қўллашнинг кўпгина масалалари юзасидан Ўзбекис-тон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (келгуси матнда – ЖК) асосида илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар қандай давлат фаолиятида, айниқса одил судловни амалга оширишда биринчи навбатда эъзозланиши ва ҳимояланиши шарт. Эҳтиёт чораларини қўллашда даставвал инсон манфаатлари устувор бўлишига эришиш қўлланманинг ҳам илмий, ҳам амалий мақсадидир.

Республикамизда жиноят судлов ишларида эҳтиёт чоралари қўлланиши бўйича амалиётни тадқиқ этиш, ривожланган мамлакат-лар, жумладан АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Италия ҳамда бошқа давлатлардаги жиноят судлов ишларида эҳтиёт чоралари қўлланишини ўрганиш ва республикамиздаги амалиёт билан таққослаб, ҳар бир эҳтиёт чорасининг ўзига хос томонлари, камчилик ва

афзалликларини ўрганиш қўлланманинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Шу нуқтаи назардан:

– жиноят процессида процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чораларининг тутган ўрни ва аҳамиятини тавсифлаш; уларнинг ҳуқуқий моҳиятини очиб бериш;

– эҳтиёт чораларини қўллашда имкон борича тежамкор бўлиш, уни бўлар-бўлмасга, заруратсиз қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги-ни илмий нуқтаи назардан асослаш;

– эҳтиёт чораларининг турлари ва улар ўртасида мутаносиб-ликни мантиқан таҳлил қилиш;

– эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва тартибини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун таклиф этиладиган самарали меъёрларни ишлаб чиқишга жазм қилинди.

Муаллиф мавзуга оид турли ўзаро зид фикрларни четлаб ўтмай, имкон борича баҳсли масала ва муаммолар юзасидан мунозарага киришишга, ўз нуқтаи назарини билдиришга ҳамда асослашга интилди.

Мустақиллик ғоялари, уни мустаҳкамлашга йўналтирилган мил-лий маънавиятимизга хос одиллик, қонун устуворлиги, тинч-тотув-лик, кечирим ва муросанинг куч ва мажбурлашдан афзал эканлиги қўлланманинг мазмунидан изчил ўрин эгаллаган. Инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланманинг норматив асосини ташкил этди. Айни вақтда ажнабий давлатлар – Россия, Украина, Беларус, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Эстония, шунингдек бошқа бир неча ривожланган давлатлар жиноят-процессуал қонунларининг қиёсий таҳлили турли таклифлар, фикр-мулоҳазаларни шакллантириш ва асослантиришга имкон берди.

Шубҳасиз, эҳтиёт чоралари адолатга эришиш мақсадларида қўлланади. Адолат – инсоннинг туб ҳаётий заруратидир. Шу сабабли инсон ва унинг қадрияти ҳар қандай давлат мажбурловида, шу жумладан эҳтиёт чоралари қўлланишида асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Қўлланмада жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши бўйича Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартишлар киритилган-дан сўнг эҳтиёт чораларини қўллаш муаммолари биринчи марта атрофлича, илмий-назарий жиҳатдан ҳар томонлама тадқиқ этилиб, ривожланган давлатлардаги жиноят ишлари бўйича айбланувчиларга нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чоралари қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар

вазирлиги Бош Тергов бошқармаси, жиноят ишлари бўйича судларнинг материаллари асосида олиб борилган изланиш-ларнинг натижалари таҳлил этилиб, юридик соҳа хизматчилари билан мулоқотлар асосида эҳтиёт чораларини қўлланишидаги камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

Қўлланманинг назарий ва амалий аҳамияти хусусида шуни таъкидлаш мумкинки, жиноят процессида эҳтиёт чоралари қўлланиши тушунчаси, мазмуни ва ҳуқуқий асослари янгича илмий таҳлил қилинди. Эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар ва суднинг ваколат доиралари дифференция қилиниб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг турли эҳтиёт чоралари қўлланишидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари очиқ берилди.

Эҳтиёт чорасининг барча турларига тавсиф бериб ва уларни қўллаш билан боғлиқ бўлган муаммоларга батафсил тўхталиб, амал-даги қонунчиликка киритилиши лозим бўлган таклифлар ва муам-моларни ҳал қилиш йўллари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди, эҳтиёт чораларини қўллаш борасидаги долзарб назарий ва амалий муаммолар муаллиф томонидан ўрганилиб, уларни бартараф этиш имкониятлари асослантириб берилди.

Муаллиф билдирган айрим таклифлардан тергов, прокуратура органлари ва суднинг мазкур чораларни қўллаш билан боғлиқ фао-лиятини такомиллаштиришда фойдаланиш назарда тутилади.

I БОБ. ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

1.1. Процессуал мажбурлов тизими ва эҳтиёт чоралари

Жиноят содир этилгани ёки уни содир этишга тайёргарлик кўрилатгани тўғрисида хабарни текшириш ва тегишлича жиноятни аниқлаш, унда айбли шахсларни фош этиш демократик ҳуқуқий давлат органларининг муҳим вазифаларидан биридир. Жиноят ишини кўзга-тиш, суриштирув ва дастлабки тергов юритиш, шунингдек ишни судда мазмунан ҳал этиш бир қатор чора-тадбирлар кўриш билан боғлиқ. Шу жумладан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашига тўғри келади.

Жиноят процессида қўлланадиган мажбурлов чоралари қонун-нинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий мажбурлов чораларининг тури сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда, шахсга нисбатан ишонтириш қор қилмаган чоғдагина қўлланиши мумкин. Мажбурлов чораларини «иктисод» қилиш таомили жиноят процессига ҳам тааллуқли. Мажбурлов деярли барча ҳолларда жисмоний куч ишлатишни эмас, шахсининг хоҳишига қарши, унинг манфаатларига зид равишда кўриладиган чора-тадбирлардан иборат. Айбланувчи ва гумон қилинган шахсларнинг хат-ёзишмаларига ҳибс солиш, тинтув вақтида эшикни ёки қулфни бузиш ҳам ўз моҳиятига кўра мажбурлов чоралари қаторига киради. Ҳатто, суд залидан чиқа-риб юбориш мажбурлов характериға эға. Бу ҳақда кўп муаллифлар алоҳида

[4]

таъкидлайдилар.

Мажбурлов чоралари тизимини кенг маромда тушуниш ва уларни қўллашда қонунийликни таъминлашга хизмат қиладиган восита-ларнинг моҳиятини аниқлаш жуда муҳимдир. Улар жумласига бирин-чи навбатда превентив чоралар киради. Баъзан уларни нохушликнинг олдини олувчи чоралар деб ҳам атайдилар. Бу хил чоралар жумласига энг жиддийси – эҳтиёт чоралари, сўнгра далилларни излаш ва тўплаш учун қўлланадиган чоралар, шунингдек бошқа мажбурлов чоралари, химояланиш воситалари ва процессуал жавобгарликка оид чоралар киради, деган фикр адабиётда мажбурлов чоралари доирасини кенг равишда

[5]

тушунишга чақиради. Процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий

[6]

табиати хусусида ҳам турли қарашлар мавжуд.

Маъмурий ҳуқуқда ҳам мажбурлов чоралари тушунчаси ишлатилиб, у жиноят-процессуал ҳуқуқидагидан батамом бошқача тусга эға.

Бу соҳадаги чоралар асосан ғайриқонуний қилмишларни тўхта-тиш, олдини олиш, уларнинг зарарли оқибатларини бартараф этишга қаратилган ва фақат баъзи бирлари айбли шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни таъминлашга мўлжалланган. Хусусан, Д.Н.Бахрах уларни жуда кенг доирада баён қилади: 1) озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинганларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш; 2) шахсни маъмурий қилмиши учун ушлаб туриш; 3) мажбурий даволаш; 4) мулкни ҳибсга олиш; 5) мажбурий равишда кўздан кечириш; 6) жисмоний куч ишлатиш; 7) қурол ишлатиш; 8)

[7]

ғайриқонуний хулқ-атворни тўхтатиш ҳақида огоҳлантириш. В.А.Тюрин, бундан ташқари, маъмурий эҳтиёт чоралари жумласига транспорт воситалари, иморатлар, жойларни кўздан кечириш, тран-спорт ҳайдашдан четлатиш, транспортни ҳибсга олиш, ундан фойда-ланишни

[8]

тақиқлаш кабиларни киритади. Мазкур муаллифлар санаб ўтган эҳтиёт чораларидан бир қисми умуман маъмурий ҳуқуқбузар-ликнинг олдини олишга қаратилган ва айримлари бу хил маъмурий ишлар бўйича текширувни осонлаштиришни таъминлаш мақсадлари-да белгиланган чоралардир. Уларнинг моҳияти ва қўлланиш тартиби ҳам ўзгача мазмунга эга.

Юқорида санаб ўтилган маъмурий мажбурлов чораларидан баъзилари, масалан, мажбурий даволаш, мажбурий равишда кўздан кечириш, транспортни ҳибсга олиш ва уни ҳайдашдан четлатиш кабилар жинойт процессида ҳам қўлланади. Демак, улардан фойдаланишни таъминловчи ягона қонуний тартиб ва қафолатлар бўлиши лозим.

Е.Г.Васильева фақат Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклашнинг умумий шартлари тўғрисида нормалар (213-219-моддалари) борлигини мамнуният билан таъкидлайди ва РФ Жинойт-процессуал кодексига ҳам бундай

[9]

нормалар киритилишига оид таклиф билдиради. Унинг шахс дахлсизлигини чеклаш нима сабабдан зарур экани ҳақида мулоҳазалари ҳам айниқса эътиборлидир. У ёзганидек, шахснинг дахлсизлигини чеклаш жинойт процессида қуйидаги алоҳида ижтимоий сабаблар билан боғлиқ: а) жамият манфаатларини кўзлаб жинойтчилик билан мурасасиз ва кескин курашиш зарурлиги; б) жинойтчиликка қарши курашиш мажбурлов чораларисиз бесамар эканлиги; в) манфаатдор шахсларнинг қаршичилигини бартараф этиш кераклиги; г) жинойт учун жавобгарликни

[10]

таъминлашга эришиш лозимлиги.

Шўролар давридаги жинойт-процессуал қонунлар барча мажбурлов чораларини тизимли ифода этмас эди. Мажбурлов чоралари

жиноят процессининг умумий қисмига оид, чунки улар жиноят процессининг барча босқичларида қўлланиши мумкин бўлса-да, бу ҳақдаги нормалар РСФСР ва Украина ЖПКларида дастлабки тергов бўлимига киритилган. Мажбурлов чораларининг моҳияти, албатта, қонунда ифодаланиши шарт эканлиги ва қонун назарда тутмаган ҳеч бир мажбурлов чораси қўлланиши мумкин эмаслигини эътиборга олиб, ватанимиз мустақиллиги муносабати билан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси бу соҳада қўлланиши мумкин бўлган барча мажбурлов чораларини «Тўртинчи бўлим. Процессуал мажбурлов» номи остида тизимлаштирди (213-274-моддалар). Уларга кўра, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва бу борадаги умумий қоидалар белгиланиб (26-боб), қуйидаги муайян мажбурлов чоралар тизими акс эттирилди:

- 1) Ушлаб туриш (27-боб);
- 2) Эҳтиёт чоралари (28-боб);
- 3) Лавозимдан четлаштириш (29-боб);
- 4) Мажбурий келтириш (30-боб);
- 5) Тиббий муассасага жойлаштириш (31-боб);
- 6) Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик (32-боб).

Процессуал мажбурлов тизимига оид ЖПК бўлимининг маз-муни ва ҳажмига оид қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш жоиз.

Биринчидан, процессуал мажбурлов чоралари тизимига ҳукм-нинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш (35-боб) ҳам киритилиши тўғри бўларди. Чунки мулкни хатлаш мулкдорни ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ. Шу боис кўпчилик хорижий мамлакатларнинг ЖПКларида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш ва мулкка ҳибс солишга оид нормалар мажбурлов чоралари тўғрисидаги боб-ларда берилган (РФ – 115-модда, Беларус – 132-модда, Молдова – 202-модда, Эстония – 142-модда, Қозоғистон – 161-модда, Қирғизистон – 119-модда ва бошқалар).

[\[11\]](#)

Махсус адабиётларда ҳам бу маъқул-ланади.

Иккинчидан, айрим тергов ҳаракатларини бажариш чоғида суриштирувчи ва терговчи ўзганинг мулкни олиб қўйиш (157-модда), тинтув ўтказиш (158-модда) каби баъзи процесс иштирокчиларининг хоҳишига мос бўлмаган мажбурлов чоралари қўллашига тўғри келади. Бу ҳолларда мажбурлов чоралари қўлланиши учун асослар ҳам ЖПКда мужассамланиши мақсадга мувофиқ.

Процессуал мажбурлов чоралари қўллаш баҳонаси билан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатлари асоссиз чеклаб қўйилиши мумкин эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳар

қандай мансабдор шахс инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ноўрин чекловчи ва камситувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширмас-лиги ва [12]

бундай ҳолатларга бефарқ муносабатда бўлмаслиги керак.

Процессуал мажбурият чоралари тизимида эҳтиёт чоралари асосий ва муҳим ўрин эгаллаши боис, уларга алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим. Умуман бу атама Россияда 1864 йили қабул қилинган «Жиноят судлов ишларини юритиш устави»да биринчи марта учрайди ва тўла мазмуни «айбланувчини тергов ва суддан бўйин товлаши усулларининг олдини олиш чоралари» («меры пресе-чения способов уклонения обвиняемого от следствия и суда») деб номланган.

Эҳтиёт чоралари жиноят-процессуал мажбурият чораларининг алоҳида тури сифатида қонунбузарликнинг олдини олиш характериға эга. Бу шунда намоён бўладики, эҳтиёт чоралари огоҳлантиришга, яъни ушбу чоралар қўлланиши мумкин бўлган шахсларнинг келгуси-да ғайриқонуний фаолиятиға йўл қўймасликка хизмат қилади. Эҳтиёт чораларини баъзи муаллифлар хавфсизлик чораларининг катта гуруҳи [13]

сифатида таърифлайдилар. Бир жиҳатдан бу тўғри фикрдир.

ЖПКнинг 237-моддасида эҳтиёт чораларининг турлари санаб ўтилган. Уларға қуйидагилар қиради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоқда сақлаш; вояға етмаганларни куза-тув остиға олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Қонун талабларига кўра, шахсға ана шу эҳтиёт чораларининг фақат бири қўлланиши мумкин. Умумий қоидаға биноан ЖПК эҳтиёт чораларини жиноят содир этишда айб-ланаётган шахсларға нисбатан қўллашни назарда тутуди. Айрим ҳол-ларда қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси жиноят содир этишда гумон қилинган шахсға нисбатан ҳам унга айб эълон қилингунға қадар қўлланилиши мумкин (226-модданинг учинчи қисми).

Эҳтиёт чоралари жиддийлик даражасига кўра бир-биридан фарқланади: энг оғир чора қамоққа олиш бўлса, энг енгиле – муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхатдан иборат.

Эҳтиёт чоралари жумласига кейинги йилларда баъзи мамлакатларда уй қамоғи киритилди. Бу ҳақда тавсия МДҲ Парламентлараро [14]

Ассамблеяси 1996 йил 17 февралда тасдиқлаган ЖПК Моделида акс эттирилган эди (175-модда). У нисбатан жиддий бўлмаган шартлар асосида айбланувчини қамамай, ўз уйида жамиятдан бирмунча ажратилган шароитда сақлашдан иборат бўлиб, суднинг қарорига мувофиқ шахснинг ҳуқуқлари маълум даражада чекланишида ифодаланади. Чунончи:

- уйдан муттасил ёки муайян вақтларда чиқиб кетмаслик;
- телефонда сўзлашмаслик, алоқа воситаларидан фойдаланмас-лик, хат-ёзишмалар юбормаслик;
- муайян шахслар билан учрашмаслик ёхуд уйига ҳеч кимни таклиф этмаслик;
- уйда ўрнатилган махсус электрон назорат воситаларининг наздида бўлиш ва уларни соз ҳолда ишлашини таъминлаш;
- назорат тартибида телефон орқали чақирганда жавоб бериш ёхуд муайян вақтларда телефонда ўзи тўғрисида хабар бериб туриш;
- айбланувчини ёки унинг уй-жойини кузатиш, уйини ёхуд унга ажратилган хонани қўриқлаб туриш;
- айбланувчининг жамият билан алоқасини чеклаш ёки унинг хулқ-атворини кузатишга қаратилган бошқа чораларни кўриш.

Уй қamoғини ўташ ва унинг муддати билан боғлиқ масалалар худди қamoқда сақлаш тартибидек ҳал этилади. Шунга ўхшаш норма-лар бир қатор ажнабий мамлакатлар қонунчилигида, шу жумладан Қозoғистон ЖПК 149-моддаси, Беларус ЖПК 125-моддаси ва Россия Федерацияси ЖПК 107-моддасида ўз аксини топган.

Уй қamoғининг тарихи ва иқтисодий жиҳатдан афзалликларига оид

[\[15\]](#)

масалаларни И.Г.Овчинников батафсил ёритган. Уй қamoғи ҳақида кейинги йилларда кўплаб мақолалар чоп этган Л.К.Трунова бу чорани ўтаётган шахс зиммасига олган процессуал мажбуриятларни бажармагани ҳолда маъмурий тартибда жазоланиши тўғрисида таклиф

[\[16\]](#)

киритган.

Хорижий мамлакатларнинг деярли барчасида эҳтиёт чораси сифатида қamoққа олиш каби уй қamoғини қўллаш учун ҳам суднинг рухсати олиниши шарт. Қисман шу сабабли жиноий таъқиб орган-лари уй қamoғини имкон борича қамроқ танлайдилар. Қamoққа оли-нувчи ҳимоячиси билан бирга судда ўз фикр-мулоҳазаларини ва қарши далилларини изҳор этиш имкониятига эга эканини терговчи, полиция ходими ва атторней (прокурор) эътиборга олишга мажбур. Бўлар-бўлмас шубҳалар ва чуқур текширилмаган асослар бўйича шахсни уй қamoғида сақлашга суд рухсат бермаслиги аниқ.

Бундан ташқари уй қamoғини танлаш ва қўллаш ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш органлари учун анча ноқулайликлар туғдиради, уларнинг зиммасига қўшимча вазифа ва ташвиш-тараддудлар юклайди. Жумладан, бу эҳтиёт чораси қўлланган айбланувчини ва у истиқомат қилаётган – қamoқда сақланаётган уйни эртаю-кеч кузатиш, у жойда айбланувчи билан бирга яшаётганлар ва келиб-кетувчиларнинг хулқ-атворидан воқиф бўлиш зарурияти туғилади. Уй қamoғидаги шахс ҳеч

қаерга чиқиб кетмаслигини, бошқалар билан ахборот алмашуви ва мулоқотлари жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслигини кафолатлаш анча мушкул. Шу сабабли уй қамоғи расмий қамоққа нисбатан жуда кам ҳолларда қўлланади. Уни, одатда, фақат ўта оғир касалларга, ёш болали аёлларга нисбатан ноилож қўлланади, холос. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил) 9-моддаси ҳар қандай ушланган ёки қамалган шахс қисқа вақт мобайнида судга келтирилиши ва қамалишининг асосли ва қонуний эканлиги суд томонидан текширилиши лозим эканлигини кўзда тутди. Бу халқаро ҳуқуқ нормасининг талаби, менимча, уй қамоғи тарзида эҳтиёт чорасини танлаш ҳолларига ҳам тааллуқли. Уй қамоғини қўллаш хусусидаги амалиётни ўрганиш ва мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотида ундан фойда-ланиш навбатдаги вазифалардан биридир.

Уй қамоғига оид бир қанча масалалар мавжуд экани сабабли, баъзи россиялик муаллифлар «Уй қамоғи тўғрисида» алоҳида қонун қабул

[\[17\]](#)

қилиниши зарур деб ҳисоблайди. Менимча, уй қамоғининг моҳияти ва уни тайинлаш тартиби ЖПКда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Бу чорани амалга ошириш ва уй қамоғидагилар устидан назорат олиб бориш масалалари Жиноят-ижроия кодексида тартибга солиниши етарлидир.

1.2. Эҳтиёт чораларини қўллашнинг мақсади ва асослари

Эҳтиёт чоралари – айбланувчига ёки судланувчига мажбурий таъсир кўрсатиш чоралари ҳисобланиб, ЖПКнинг 236-моддасига биноан, ўз олдига уларнинг: 1) дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг; 2) келгусида содир этиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятининг олдини олиш; 3) иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; 4) ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадларини кўяди.

Биринчи ва асосий мақсад – айбланувчи (судланувчи), тегишин-ча дастлабки терговдан, суддан бўйин товлашининг олдини олишга эришиш, унинг иштирокида тергов ҳаракатлари ўтказилишини, суд муҳокамаси бўлишини ва жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланиши таъминланишини назарда тутди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, айбланувчи зиммасига юқорида санаб ўтилган мақсадда тергов ва суд муҳокамаси чоғида қандайдир ҳаракатлар бажариш ёки кўрсатувлар бериш мажбуриятини юкламайди.

Иккинчи мақсад – такрорланаётган ёки давом этаётган жиноят-нинг олдини олиш ва янги жиноят содир этилишига йўл қўймаслик-дан иборат. Эҳтиёт чоралари айти шу мақсадда намоён бўлади, натижада бошланган ёхуд тайёрланаётган жиноятнинг олди олинади. «Эҳтиёт

чоралари» атамаси бу институтнинг барча маъноларини тўла қамраб олмайди. Эҳтиёт чоралари фақат айбланувчи содир этиши эҳтимол тутилган, қонун тақиқлаган ҳаракатларининг олдини олиб қолмай, уни муносиб хулқ-атворда бўлишини ҳам таъминлайди. Шу-нинг учун кўпгина муаллифлар бир вақтлар бу чораларни «таъ-минлаш чоралари» [18]

деб аташни ҳам тавсия этганлар.

*Учинчи мақсад*нинг моҳияти шундаки, айбланувчи (судланувчи) жиноят иши бўйича гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа шахслар билан тил бириктиришига ҳамда ашёвий далиллар ва ҳужжатларни йўқ қилиши ёки сохталаштиришига тўсқинлик қилади.

Тўртинчи мақсад ҳам биринчи мақсад сингари айбланувчини дастлабки тергов ва суддан яширинишининг олдини олиб, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлайди. Баъзи ҳуқуқшунос олимлар, «бу мақ-сад фақатгина суднинг ҳукм чиқаришидан ёки кассация инстанцияси судининг ҳукми ўзгартирмай, ўз кучидан қолдиришидан то ҳукм-нинг [19]

ижро этилишигача амал қилади» , деб таъкидлайдилар. Лекин бунга биринчи мақсад, яъни айбланувчи, судланувчининг дастлабки тергов ёки суддан яширинишининг олдини олиш учун чора қўлла-ниши билан эришиш мумкин. Бу ерда гап суддан эмас, ҳукми ижро этиш органларидан яшириниш хусусида бормоқда.

Эҳтиёт чораларини қўллаш мақсади ва асослари бир-биридан жиддий фарқ қилади. Юқоридаги мақсадлар реал юз бериши, шакл-ланиши ҳақида муайян маълумотлар бўлиши лозим, албатта. Кўрса-тиб ўтилган мақсадларнинг ўзи эмас, уларни исботланганлиги эҳтиёт чорасини танлашга асос бўла олади. Шахснинг дастлабки тергов ва суддан яшириниши, ҳукм ижросига тўсқинлик қилиши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши, жиноий фаолиятни давом эттириши мумкинлигини исботлаш лозим. Эҳтиёт чорасини танлаш учун у қўлланиши лозим бўлган шахснинг юқорида санаб ўтилган ноқонуний ҳаракатларидан лоақал биттасини содир этиш эҳтимолини исботлаш кифоя қилади. Бундай ҳолда исботлаш прогнозга, яъни бўлгуси воқеликларга қаратилган бўлади. «Айбланувчи ўзини қандай туттиши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш ёки қилмаслиги – бу борадаги исботлашнинг энг аҳамиятли, биринчи томонидир. Исботлашнинг иккинчи томони – ундаги хулосаларнинг эҳтимолий, тахминий эканлигида, учинчи томони эса, жиноят иши бўйича умумий исботлаш предметдан ташқари, мустақил, автоном исботланадиган [20]

ҳолат эканлигидир».

Амалиётдан шу нарса маълумки, айбланувчининг суддан, даст-лабки терговдан яширинмоқчи, ҳақиқатни қарор топишига тўсқинлик

қилмоқчи, жиноий фаолиятни давом эттирмоқчи эканлигини ҳатто эҳтимолий жиҳатдан ҳам исботлаш жуда мушкул, баъзи ҳолларда бунинг умуман иложи йўқ. Айбланувчининг ўзини қандай тутиши мумкинлиги тўғрисидаги тахмин у содир этган жиноятининг оғир-лиги ва унга нисбатан чиқариладиган ҳукмнинг жиддийлигига мута-носиб келиб чиқади.

1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 78-моддасининг иккинчи қисмида эликдан ортиқ турдаги жиноятлардан бирини содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан «Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиб туриш чораси фақат жиноятнинг хавфлилиги деган асос билангина ҳам татбиқ қилиниши мумкин» эди. РСФСР ЖПКнинг худди шундай нормаси (96-модданинг иккинчи қисми) асосида амалиётда 50 фоиздан зиёд турдаги жиноятларни содир этганликда айбланувчилар қамалгани ҳақида маълумотлар даврий адабиётда

[21]

келтирилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПК 236-моддасининг иккинчи қисми бу масалани янада ўзгачароқ мазмунда кўзда тутди. Унга кўра «Айбланувчи, судланувчи содир этган, Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан

[22]

ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин» (тагига чизилган сўзларга эътибор беринг – Г.Т.).

Мазкур норма мазмунан ҳам, шаклан ҳам танқидга лойиқ. Биринчидан, унда айбланувчи, судланувчи «содир этган» жиноят тўғрисида эмас, у айбланаётган жиноят тўғрисида ёзилиши лозим эди. Ҳозирги матн айбсизлик презумпцияси талабларига мувофиқ эмас. Иккинчидан, шахснинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айбланиши унга нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлолмайди. Бу чорани қўллаш учун асос юқорида санаб ўтилган мақсадларга оид ҳолатларни тасдиқловчи, исботловчи далиллар мавжудлигидан иборат ва улар ЖПК 242-моддасининг биринчи қисмида, вояга етмаганларга нисбатан эса 558-модданинг биринчи қисмида баён қилинган.

Кодекснинг 236-моддаси «Эҳтиёт чоралари қўлланишининг мақсад ва асослари» деб номланиб, унинг биринчи ва учинчи қисм-ларида мақсад баён этилган, иккинчи қисмида эса асос сифатида фа-қат ишда шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айбланаётгани туфайли суриштирувдан, дастлабки терговдан ёхуд суддан яширини-ши эҳтимол эканлиги кўрсатилган.

Эҳтиёт чорасини қўллаш зарур эканлиги жиноят ишида кўрса-

тилган, акс эттирилган ва далиллар билан исботланган бўлиши лозим. Фақат шу ҳолдагина эҳтиёт чораси танланиши асослилиги ва қону-нийлигини прокурор ишни текшираётганда ва бу иш судда қўрилаётганда назорат қилиши мумкин бўлади. Унинг эҳтимолий қўлланиши текшириш учун катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам эҳтиёт чорасининг эҳтимолий қўлланиши минимал даражада бўлиши лозим.

Ниҳоят, ҳеч кимга нисбатан юқорида баён қилинган асосларсиз эҳтиёт чоралари қўлланиши мумкин эмас. Бир қанча хорижий мамлакатларнинг ЖПКларида, агар эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар бўлмаса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд шахсдан уни чақирганда ўз вақтида ҳозир бўлиши ва турар жойи манзили ўзгарса, тезлик билан хабар бериши тўғрисида мажбурият олиш билан чекланиши мумкинлиги кўрсатилган (Украина – 148-модда, Беларус – 117-модда, Молдова – 176-модда ва бошқалар). Бундай мажбурият олиш РФ ЖПКда эҳтиёт чоралари қаторига киритилган (112-модда). Менимча, у эҳтиёт

[23]

чораси қаторига кирмайди, деган фикр тўғридир, чунки у шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекла-майди ҳамда қонуний манфаатларига путур етказмайди.

Айбланувчининг суддан, дастлабки терговдан яширинмоқчи, ҳақиқатни қарор топишига тўсқинлик қилмоқчи, жиноий фаолиятни давом эттирмоқчи эканлиги тўғрисидаги хулосани тасдиқловчи далиллар эҳтиёт чораларини қўллаш учун «асосларнинг асоси» ҳисобланади. Кўпгина муаллифларнинг адолатли фикрича, бу далилларга тезкор-қидирув фаолияти натижасида қўлга киритилган фактларни киритиш мумкин эмас, чунки бу вақтда жиноят ишида айбланувчи-нинг эҳтимолий хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар бўлмайди ва уларни

[24]

текшириш ҳамда баҳолаш жуда ҳам мушкул. Ш.Иномжоновнинг фикрича, тезкор-қидирув тадбирлари натижасидан далил сифатида фойдаланишга фақат ушбу нарсалар, ҳужжат-лар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбаини аниқ билган ва уларнинг ҳақиқийлиги ва олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бера оладиган шахс томонидан тақдим этилгандагина йўл қўйилиши мумкин.

[25]

Аммо бу ҳақда қарама-қарши мулоҳазалар ҳам учрайди. Масалан, Л.А.Мариупольскийнинг фикрига кўра, тезкор-қидирув фаолияти натижасидаги эришилган манбалардан, уму-ман суриштирув органлари томонидан қўлга киритилган ҳар қандай ахборотлардан айбланувчига

[26]

нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда фойдаланиш мумкин.

Ҳақиқатда ҳам тезкор-қидирув органларининг фаолияти даво-мида

эхтиёт чорасини танлашга асос бўлувчи зарур маълумотлар тўпланиши мумкин. Масалан, айбланувчи яширинишга ҳаракат қилаётганлиги, гувоҳларни ёлғонга кўндиришга уринаётганлиги, жабрланувчига моддий бойликлар таклиф қилаётганлиги ва бошқалар тўғрисида маълумотлар тўпланиши мумкин. Тезкор-қидирув органи ходими бу маълумотларни терговчига хабар қилади. Терговчи эса бу манбаларни жиноят ишига кўшмай, улардан олинган хабарларни сўроқ ва бошқа процессуал ҳаракатлар орқали суд далилларига айлантириши

[27]

лозим ва шундан кейингина эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор

[28]

чиқаришга ҳақли. Бу ҳолда терговчи эҳтиёт чорасини танлашда ишда мавжуд бўлган исботларга таянади, унга маълум қилинган оператив маълумотлардан эса бу далилларга баҳо беришда фойдаланади. Бундай оператив маълумотларни ошкор қилиш мумкин эмас, бу жиноят ишининг терговига тўсқинлик қилиши мумкин. Шубҳасизки, бундай оператив маълумотлардан қамоққа олиш билан боғлиқ ишларда эҳтиёт чорасини танлашда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ишнинг тўла ва сифатли якунланишини таъминлайди. Ундан енгилроқ эҳтиёт чоралари – шахсий ва жамоат бирлашмаси кафилликлари, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат чоралари рини қўллашда ҳам бу маълумотлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Суд уларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф этиши мумкин. Қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам

[29]

кўрсатади.

Эҳтиёт чорасини танлашда ЖПК 236-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан ташқари, ушбу Кодекснинг 238-моддасида кўрсатилган ҳолатлар, яъни қўйилган айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулоти тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатлар ҳам асос сифатида эътиборга олиниши зарур. Бу ҳолатларнинг ўзи ҳам айбланувчи суддан ёки дастлабки терговдан яшириниши, иш бўйича ҳақиқатнинг аниқланишига тўсқинлик қилиши, жинойий фаолиятни давом эттириши тўғрисида билвосита исбот вазифасини ўташи мумкин. Бир хил йўналишдаги икки ҳолатнинг мавжудлиги ва бир-бири билан қўшилиши у ёки бу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида хулосага келишнинг далилий аҳамиятини кучайтиради. Турли йўналишлардаги ҳолатларнинг мавжудлиги эса, бундай хулосага келишнинг исботлаш даражасини пасайтиради. Ҳар бир ҳолатнинг «баҳоси» турлича бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда ҳал

қилувчи ролни қўйилган айбнинг оғирлиги ўйнаса, бошқа ҳолларда айбланувчининг ёши, баъзан соғлиғи эътиборга олинади.

Демак, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда қуйидагилар инобатга олинади: 1) эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини тасдиқлайдиган далиллар, яъни ЖПКнинг 236-моддасида ишлатилган ибора бўйича «ўринли тахмин»; 2) айбнинг оғирлиги, айбланувчи-нинг шахси ва ЖПКнинг 238-моддасида санаб ўтилган бошқа ҳолатлар ҳақида маълумотлар. Ҳар икки ҳолатда ҳам эҳтиёт чораларини қўллаш учун етарли асослар – ишончли далиллар даркор. Уларни баъзи муаллифлар икки турга оид деб ҳисоблайдилар ва умумий асослар – ижтимоий хавfli қилмиш ва уни содир этган шахс ҳақида далиллар ва махсус асослар – гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан бош тортиши, ҳақиқатни очилишига тўсқинлик қилиши, яна жиноий фаолият билан шуғулланишини исботлайдиган далиллар

[30]

тўғрисида одилона сўз юритадилар.

Эҳтиёт чораси танлашда айбланувчининг шахсини эътиборга олувчи ҳолатларга унинг ўз оиласига садоқати, ҳақгўйлиги, меҳнатга бўлган муносабати, жамоат бирлашмаси бу шахсга билдирган ишонч, унинг олган рағбатлантириш ва ҳайфсанлари киради. Айбланувчи-нинг машғулоти тури эҳтиёт чораларининг баъзи турларини танлашда аҳамиятли бўлиб, у ишлайдими, агар ишласа жамоадаги мавқеи, яқка тартибда меҳнат фаолияти кўрсатиши, хизмат сафарларига бориб туриши каби унинг машғулоти билан боғлиқ маълумотлар эътиборга олинади.

Айбланувчининг ёши эса унинг интеллектуал ривожланиш даражаси, ҳаракати, қайси муҳитга тегишли эканлигидан дарак беради, шунинг учун ҳам унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинади. Одатда ёши жуда катта бўлган шахсларни қамоққа олишга эҳтиёж йўқ, чунки улар суддан ёки терговдан деярли яширинмай-дилар. Вояга етмаган шахсларни ҳам қамоққа олиш самарали натижа бермайди, чунки бу уларнинг ҳали мустаҳкам бўлмаган руҳиятига ўта салбий таъсир кўрсатиши, иродасини синдириши, ёлғон кўрсатувлар беришга (тил бириктиришга) ёки ўзи содир қилмаган жиноят бўйича айбга иқроп бўлишига олиб келиши мумкин. Л.В.Лившицнинг фикрига кўра, вояга етмаганларнинг қамоқда сақланиши ва маълум тоифадаги шахслар билан мулоқотда бўлиши уларга жуда кучли руҳий таъсир кўрсатиб, жиноий фаолиятни давом эттиришга ва терговнинг боришига тўсқинлик қилишга

[31]

сабаб бўлиши мумкин. Бу фикр ўринлидир.

Айбланувчининг соғлиғи ҳам баъзи ҳолларда (айбланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида зудлик билан операция қилиш керак бўлса, ҳомиладорлик ҳолатида бўлса) унинг қамоққа олинишини уму-ман истисно қилади. Барча ҳолларда соғлиғи ёмон шахсга нисбатан эҳтиёт

чорасини танлашда касалликнинг оғирлиги ва қанча давом этиши эътиборга олинади. Буни текшириш учун кўпинча суд-тиббий экспертизаси ўтказилади. Баъзида нопок терговчи томонидан оғир касални қамоққа олиш – айбланувчининг иродасини синдириб, уни мажбуран айбига иқрор бўлишига интилишга қаратилган. Сурункали касалликка чалинганлар дори-дармонларга, пархез овқатланишга ва бошқа қулайликларга мухтож бўлишади. Қамоққа олинганда улар бу имкониятлардан маҳрум бўладилар. Одатда уларга қамоқдан озод этишни ваъда қилиб, айбига иқрорликка эришиш хавфи мавжуд. Шунинг учун судлар бундай ишларда айбига иқрорликни баҳолашда, қамоққа олинган шахснинг касаллиги таъсири остида бу иқрорликка эришиш эҳтимолини текширишлари зарур.

Айбланувчининг оилавий аҳволи ҳам унга нисбатан эҳтиёт чораси танлашда муҳим ўрин тутди. Унинг уйланганлиги (эрга текканлиги), ёш болалари, қарамоғида нафақа ёшидаги ота-онаси борлиги, айбланувчи билан улар ўртасида самимий муносабатнинг мавжудлиги каби ҳолатлар айбланувчининг дастлабки терговдан, суддан яшириниши, ҳукм ижросидан бўйин товлаши, янги жинойтга қўл уриши ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши эҳтимолини камайтиради.

Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинаши шарт бўлган ЖПКда кўзда тутилмаган ҳолатларга айбланувчининг ҳомиладорли-ги, унинг ҳарбий хизматга чақирилганлиги, касби, судланганлиги, Ватан олдидаги хизматлари ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Эҳтиёт чоралари танлашда ҳисобга олинган шарт-шароит айбланувчининг субъектив ҳуқуқига оиддир. Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг эҳтиёт чорасини танлаш, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги мажбурияти бунга муқобил қўйилади. Айбланувчи ёки гумон қилинган шахснинг субъектив ҳуқуқи айбловдан ҳимояланиш ҳуқуқининг мазмунига кирмайди. Бу ҳолатда айбланувчи айбловни инкор этмаса-да, ўз эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг асоссиз чекланишидан ҳимояланади.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чораларини қўллаш чоғида гумон қилинган шахс ва айбланувчининг ижтимоий аҳволини эътиборга олиш қонун ва суд олдида барчанинг

[32]

тенглиги принципига зиддир. Ваҳоланки, турли масъул ваколатлар-га эга бўлган ва жиддий вазифаларни бажараётганларга, ижтимоий ва шахсий нотекистик сабабли турли ҳуқуқ соҳаларининг қонунларида юздан зиёд афзалликлар ва имтиёзлар берилган. Жумладан, бир қанча мамлакатлардаги каби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 239-моддасида депутатларга, судья, прокурор, терговчи каби масъул ман-сабдор шахсларга бу борада имтиёзлар белгиланган. РФ ЖПКда эса бу масала алоҳида 52-бобдан ўрин олган. Буни ёқлаб А.Т.Алламуратов илмий

[33]

ишларида келтирилган дипломатия ва консуллик иммунитетларига оид важларни асосли деб ҳисоблаш лозим. Шошма-шошарлик билан, жинойтга оид ҳолатлар нотўғри акс этган шубҳали

[34]

айблов эҳтиёт чорасини танлашда ҳам салбий роль ўйнайди. Шу сабабдан шахсни айбланувчи тариқасида жинойт ишига жалб қилиш тўғрисида қарор асосланган ва аниқ бўлмоғи лозим. Терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими қонуний ва асосланган бўлиши ҳақидаги муҳим талаб шахсни айбла-нувчи деб топиш ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарорларга айниқса тааллуқли.

Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашнинг фактик жиҳатлари терговчи, прокурор ва суднинг процессуал ҳужжатларида кўрсатилган бўлади. Қонунда кўрсатилган тартибда расмийлаштирилган қарор (ажрим) эҳтиёт чораларини қўллаш учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. Эҳтиёт чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорда айбланувчининг айби исботланганлигини кўрсатиш кераклиги тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Айбланувчи ўзини номуносиб тутган тақдирда, унга нисбатан эҳтиёт чораси қўллаш зарурлигини исботлаш шарт. Мабодо айбланувчининг ўзини номуносиб тутиши эҳтимолигина мавжуд бўлса, бундай исботларни баъзан терговчи қарорида кўрсатишнинг имкони бўлмайди. Шу сабабли эҳтиёт чорасини танлашда қонунда кўзда тутилган шарт-шароитларни кўрсатиш учун маълумотномаларни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорга ҳавола қилиш лозим (касаллиги, ҳомиладорлиги тўғрисида маълумотнома, иш жойидан тавсифнома ва ҳ.к.). Бу ҳолда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарорнинг ҳажми катталашади, лекин айбланувчининг қонуний манфаатлари кафолатланади, айбланувчи нима сабабдан қамоққа олинганини ёки унга нисбатан бошқа эҳтиёт чораси қўлланмаганлигини билади.

ЖПК 240-моддаси эҳтиёт чораси қўллангани тўғрисида қарорни шахсга эълон қилишни талаб қилади. Менимча, ушбу қарорнинг нусхасини айбланувчига топшириш керак, чунки бу қарор устидан шикоят келтиришни осонлаштирган бўларди. Бу ҳолда тергов сирларининг ошкор бўлиши хавфи бўлмайди. Чунки қарорда айбланувчининг жинойт содир этганлиги тўғрисидаги фактлар эмас, балки унинг тергов ва суд вақтида муносиб хулқ-атворда бўлиш эҳтимоли кўрсатилган бўлади. Агар ишда ҳимоячи қатнашаётган бўлса, айбланувчининг айбли эканини эҳтиёт чораларини қўллаш вақтида яширишнинг ҳожати қолмайди, чунки у ишга киришиш чоғида тергов материаллари билан танишишга ҳақли (ЖПКнинг 53-моддаси). Шундай бўл-гач, ҳимоячи ўзи танишган материаллар мазмунини ҳимояси остидаги шахсга ҳам баён

қилади, қонун бунга йўл қўйган. Бундан ташқари ҳимоячи тақдим этган ва суд томонидан далилий аҳамияти аниқ-ланадиган материалларни ишга қўшиш; ЖПКда ҳимоячи томонидан далилларни топиш ва рўйхатга [35]

олиш усулларини кўрсатиш; ҳимоячига ихтиёрий равишда тақдим этилмаган ҳужжатларни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқини бериш [36]

тўғрисидаги олимларнинг фикр-ларига қўшилиш лозим.

Эҳтиёт чоралари айбланувчига нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатишга қаратилади, деган нуқтаи назар мавжуд. Бу айниқса, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги ва вояга етмаганларни кузатув остига олиш каби эҳтиёт чораларига тааллуқлидир. Терговчи вояга етмаган айбланувчини ота-онаси кузатуви остига топширганда, айбланувчи билан бир қаторда унинг ота-оналарига нисбатан ҳам [37]

тарбиявий ишларни олиб бориши керак, деб тушунтирилади. Яна шундай фикрлар мавжудки, қамоққа олинган шахсларни қайта тарбиялаш тергов ҳибсхонасиданоқ бошланади ва бунда қамоқхона маъмурияти фаол иштирок этиб, маҳбусларни айбига чин кўнгилдан иқроп бўлишга, айбини тушуниб етишга ва уни ўзининг ҳалол меҳ-нати билан оқлашга ундайди. Назаримда, бу хил қарашларнинг шубҳали ва хато томонлари бор. Ҳукм эълон қилиниб, қонуний кучга Киргунга қадар айбланувчи айбдор деб ҳисобланиши мумкин эмас. Ҳали айби исботланмаган ва суд томонидан оқланиши мумкин бўлган шахсни қайта тарбиялаш тўғрисида сўз юритиш барвақтдир. Бино-барин, эҳтиёт чораси барча процессуал мажбурлов чоралари каби жазо эмас ва унга жазолашнинг бошланиши деб қараш хато бўларди. Айбга иқрорлик ва ундан пушаймонлик ҳам масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Чунки айбсизлар ҳам айбга иқроп бўлган ҳолатлар мавжуд. Бундан ташқари вояга етмаган айбланувчиларнинг ота-она-ларига нисбатан тарбиявий тадбирлар ўтказишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Агар айбланувчи ўз айбига иқроп бўлса, унга нисбатан қўлланадиган тарбиявий чоралар муваффақиятли таъсир кўрсатиши эҳтимол. Аммо тарбиявий чораларни қўллашда зинҳор «айбловга оғиш»га йўл қўйиш мумкин эмас. Гумон қилинган шахсга ва айб-ланувчига «жиноят қилганингга иқроп бўлсанг, қамалмайсан» каби-лида ишлатиладиган ваъда бериш шахсни сўроқ қилишда тез-тез учрайдиган ғайриқонуний услубдир. А.В.Смирновнинг фикрича, айбга иқрорлик тўғрисидаги ишларни легализация қилиш ҳам қонунбузилишлар «гулдастаси»ни, яъни очиқдан-очиқ тамагирликдан тортиб жиноятларни очилиши ҳисоботларини бузиб кўрсатишларгача бўлган ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан кўра ярашув- [38]

чилик институтини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу фикр-

лар асосли, албатта. Кўрсатув беришдан бош тортгани ёки қасддан ёлғон кўрсатув бергани учун уларга эҳтиёт чорасини қўллашга йўл [39] кўйилмайди.

Қамоқхона маъмурияти маҳбусларни «ўз айбини бўйнига олиш, айбига иқрор бўлиб келиш ва шерикларни кўрсатиш» руҳида тарбиялашда иштирок этиши мумкин эмас, бу унинг ваколатига кирмайди. Озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмуриятининг қамалганларни ҳам бундай «фаолиятда» қатнашишларига ундаши, кўндириши зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Қамоқдагиларнинг хибсхона маъмурияти билан ҳамкорлиги натижасида «айбни бўйнига олиб келиш» кўп ҳолларда ихтиёрий тусда бўлмайди ва баъзан очилмаган жиноятларни қамалганларнинг ёлғон гувоҳлиги ҳисобига гўё «очилган» қилиб кўрсатишдек зарарли амалиётга кўмаклашади.

Терговчи маҳбусларни бу йўсинда қайта тарбиялаш билан шуғулланиш мажбуриятини қамоққа олиш жойлари маъмуриятига юклашга ҳақли эмас. Лекин бу маҳбус умуман тарбиявий таъсир соҳасидан четда қолади, деган маънони англатмайди. Агар у айбдор бўлса (биз эса ҳозирча буни билмаймиз), суд жараёни уни ахлоқан тузатишнинг бошланиши бўлиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини амалга ошириш жараёнида айбланувчи билан унга яқин шахслар ёки жамоа ўртасида норасмий муносабатлар юзага келади: айбланувчи жиноят содир этганига иқрор бўлиши, тавба қилиши, тузалишга ваъда бериши мумкин ва ҳоказо. Унга кафил бўлган шахслар, жамоат бирлашмалари ёки жамоалар бундай ваъдаларни қабул қилиши, уларга ишониши ва айбланувчига нисбатан турли тарбиявий чораларни қўллаши мумкин. Бироқ улар зиммасига айбланувчини қайта тарбиялашдек ҳуқуқий мажбурият юкланмайди. Қонунга кўра улар фақат эҳтиёт чоралари мақсадларига эришишни таъминлашга мажбур.

1.3. Эҳтиёт чорасини танлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар ва органлар

Эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга ваколатли мансабдор шахслар ва органлар доираси қонун билан қатъий тарзда белгиланганлиги шахсий дахлсизликни кафолатлашга қаратилган. Улар сирасига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд кири-тилган.

Суриштирувчи, умуман қонунга кўра, юритувидаги жиноят иши бўйича ўз қарори билан эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга (ЖПКнинг 238 ва 240-моддалари). «Жи-ноят судлов ишининг биринчи процессуал формаси сифатида суриш-тирувни йўқ қилиш мумкин эмас, чунки суриштирувда жиноятни очиш,

огоҳлантириш ва унга нисбатан чоралар кўрилишида биринчи навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари олиб борилади ва бу билан жиноятчиликка қарши курашга, унинг оқибатлари ва келтириб чиқарувчиларни йўқотишга ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшади».^[40]

Суриштирувда тезкор-қидирув ҳаракатлари амалга оширилади ва бу ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар терговни йўнал-тириш учун хизмат қилади. «Тезкор-қидирув фаолияти натижалари ишга кўшиб кўйилмаса, далил бўлиб хизмат қилмаса ҳам, улардан тергов версияларини илгари суришда, терговнинг йўналишини белгилашда ва уни режалаштиришда фойдаланиш мумкин».^[41]

Лекин, амалдаги ЖПКнинг 39-моддасида белгиланишича, суриштирув органлари фақат жиноят ишини кўзғатади ва зарур тергов ҳаракатларини амалга оширади, сўнгра ишни терговчига оширади. Илгариги ЖПК бўйича суриштирув чоғида эҳтиёт чорасини қўллаш^[42]

мумкин эмас, деган фикр билдирилган эди. Бу тақим айбланувчининг қонуний манфаатларини кафолатлашга қаратилган. Бундан ташқари терговчилар одатда суриштирувчига нисбатан юқори мала-када эканлиги эътиборга олинган. Менимча, ана шу сабабга кўра ЖПКнинг 39-моддаси суриштирувнинг вазифаларини белгилаб, «жи-ноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш»ни кўзда тутуди-ю, уларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллаш лозимлигини таъкидла-майди.

Шундай бўлиши мантиқан тўғри ва тушунарлидир. Хусусан, ҳуқуқни жиддий чеклаш билан боғлиқ бўлган қамокқа олиш эҳтиёт чорасини танлашдаги хатолар процесснинг барча кейинги босқич-ларига салбий таъсир кўрсатиб, ишни айблов йўналишига буради. Суриштирув босқичида кўпинча ушбу чорани танлаш учун етарли далиллар бўлавермайди. Ишнинг барча томонлари ўрганилмай туриб, қамокқа олиш чорасини қўллаш фуқароларнинг кейинги ҳаётларида тамға бўлиб, уларнинг фаолиятларига ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жиноят иши бўйича шахсни қамокқа олиш уни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганликда айблаш, яъни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилишидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Суриштирувчи эса бу хил қарорни чиқаришга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда жиноят иши ЖПК 342-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига биноан суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан терговчига ўтказилиши лозим. Бинобарин, суриштирув органи эҳтиёт чорасини бевосита ўзи, мус-тақил қўллаши, шахсни қамаш учун прокурорнинг рухсатини олиши мумкин эмас. Шунинг учун, ЖПКнинг 240-моддасида суриштирувчи-нинг эҳтиёт чорасини танлашга ваколатли эмаслиги тўғрисида таъ-кидланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айни

вақтда эҳтиёт чора-ларини суриштирув боскичида қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид қоидаларни ЖПКнинг 213, 214, 216-219, 236, 238, 240, 244, 249, 252, 254-моддаларидан чиқариб ташлаш [43]

мақсадга мувофиқ.

Суриштирув органининг раҳбари суриштирувчининг ҳар қандай қарорини тасдиқлаш ваколатига эга (ЖПК 39-моддасининг бешинчи қисми). Лекин у ҳам муайян шахсни иш бўйича айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб этиш учун асослар аниқланган деб ҳисобласа, бу ҳақда ва эҳтиёт чорасини қўллашга оид қарор чиқара олмайди. Агар суриштирувчи гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш лозим деб ҳисобласа, лекин суриштирув органининг бошлиғи бунга розилик бермаса, шунингдек, аксинча, суриштирувчига унинг бошлиғи жиноят иши бўйича айбланувчига ёхуд гумон қилиниб ушланган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланиши тўғрисида кўрсатма берса, жиноят иши дарҳол терговчига ўтказилиши лозим.

Эҳтиёт чорасини мустақил равишда танлашга, ўзгартириш ва бекор қилишга суриштирувчи ва суриштирув органининг раҳбари ҳам ваколатли эмас. Суриштирув органи раҳбарининг қарорлари суриштирувчи учун мажбурий ҳисобланади. Агар суриштирувчи ўз бошлиғининг қарор ва кўрсатмаларига норози бўлса, прокурорга шикоят қилишга ҳақли. Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи иш бўйича назорат олиб бораётган прокурорнинг ёзма кўрсатмаларига норози бўлган ҳолда, уларни бажаришни тўхтатмай, бу ҳақда юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли. Шундай қилиб, *терговчи* фақат ўз юритуви-даги, ваколатига оид жиноят ишлари бўйича эҳтиёт чораси қўллашга ҳақли. Масалан, МХХ терговчиларининг ваколат доирасига давлат хавфсизлик органларида хизмат ўтаётган аскарлар, сержантлар, стар-шина, прапоршчиклар ва зобитларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш киритилган.

Ҳарбий прокуратура терговчилари ҳарбий хизматчиларга, ўқув йиғинларини ўтаётган ҳарбий мажбурларга, хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан ёки қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса жойлашган ерда жиноят содир этган қуроли кучларнинг ишчи ва хизматчиларига нисбатан эҳтиёт чорасини танлашга ҳақли. Бундан ташқари, улар ҳарбий хизматчилар билан иштирокчиликда жиноят содир этган фуқаро шахсларга нисбатан, шунингдек, армияда хизмат қилиш даврида жиноят содир этган, лекин тергов қилиш пайтида захирага ёки истеъфога бўшатирилган фуқароларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашга ҳақлидир. Фавқулодда ҳолатлар туфайли барча жиноятларни тергов қилиш ҳарбий прокуратурага юкланган жойлар-да, шунингдек

уруш даврида ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинган жойларда ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан ҳар қандай турдаги оғир жиноятларни содир этишда айбланиш ишлари бўйича фуқаро шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашга йўл қўйи-лади. Аскарий жиноят содир этилганда (дизертирликдан ташқари) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш танланган бўлса, қўмондон-ликнинг розилиги талаб этилади. Бошқа эҳтиёт чораларини ҳарбий терговчи бундай розиликсиз қўллай олади.

Терговчи ва прокурорнинг эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори бутун мамлакат ҳудудида амал қилади, хусусан, у ўз қарорининг бажарилишини бошқа туман (шаҳар)даги терговчи ёки милиция органига топширишга ҳақлидир.

Ҳар сафар шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида, шунингдек айбловни ўзгартириш, тўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш терговчининг ҳуқуқлари доираси киритилган (ЖПК 36-моддасининг биринчи қисми).

Ҳозирги вақтда тергов органларининг барчасини бир ташкилот-га бирлаштириб, ягона Тергов аппарати ташкил этиш тўғрисида амалиётчилар ва олимлар ўртасида турли мунозаралар мавжуд. Масалан, О.А.Картохина ягона Тергов аппаратини судлар ҳузурида ташкил этиш эҳтиёт чоралари ва бошқа процессуал мажбурият чораларини қўллашда терговчининг ваколатлари янада оширилишига, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси тўлароқ қафолат-ланишига олиб келади, деб

[44]

ҳисоблайди. Менимча, бу нотўғри фикр, чунки суд эҳтиёт чоралари устидан назорат қилиши учун тергов органини ўз таркибига олиши шарт эмас, суднинг бошқа вазифалари ҳам етарли.

Тергов бўлимининг бошлиғи эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгарти-риш ва бекор қилиш тўғрисида терговчи учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли. Лекин терговчи тергов бўлими бошлиғи-нинг айбланувчини қамаш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаслик ва ўз эътирозларини прокурорга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда прокурор ушбу кўрсатмаларни бекор қилиши ёки ишни бошқа терговчига топшириш тўғрисида фармойиш бериши мумкин. Тергов бўлимининг бошлиғи ишни ўз юритувига олиб, шахсан ўзи проку-рорнинг розилиги билан айбланувчини қамоққа олиши ҳам мумкин (ЖПК 37-моддасининг иккинчи қисми).

Прокурор амалдаги қонунга асосан қамоққа олиш эҳтиёт чорасига рухсат берувчи ягона мансабдор шахсдир. Қонунда эҳтиёт чораси сифатида қамашга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган проку-рорлик мансабларининг қатъий рўйхати берилган (ЖПК 243-модда-сининг иккинчи қисми). Масалан, туман ва шаҳар прокурорларининг

Ўринбосарлари фақат буйруқ билан вақтинча прокурорлик вази-
фасини бажараётган бўлсалар, қамоққа олиш учун рухсат беришга ҳақли.
Ишни бевосита ўзи олиб бораётган прокурор эҳтиёт чорасини танлаш
пайтида терговчининг ҳуқуқларидан фойдаланади. Бунда камаш учун
рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган прокурорнинг қамоққа олиш
тўғрисидаги қарорига юқори прокурор томонидан розилик берилиши
шарт эмас.

Терговчининг прокурордан розилик олиб қўлланган эҳтиёт
чорасини ўз хоҳишича бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқи тўғри-сидаги
масала баҳслидир. Адабиётларда 35 йил муқаддам баён этил-ган нуқтаи
назарга мувофиқ терговчининг ўзи танлаган эҳтиёт чора-сини бекор
қилиши ва ўзгартиришига прокурорнинг рози бўлиши шарт бўлмай,
фақат ушбу чора прокурорнинг кўрсатмаси билан танлангандагина унинг

[45]

розилиги талаб қилинади. Эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва
уни бекор қилиш ҳамда жинойт ишлари судда кўрилишида прокурорнинг

[46]

процессуал фаолияти хусусидаги маса-лаларга А.Дж.Давлетов ва

[47]

[48]

Б.Ҳ.Пўлатовлар нинг асарларида, Н.Н.Норпўлатов нинг илмий
тадқиқотларида тўхталиб ўтилиб, унга холисона баҳо берилган.

Суд эҳтиёт чораларини жинойт ишини тайинлаш пайтидан бош-лаб,
ишни мазмунан суд мажлисида кўриш, иккинчи инстанция суд-ларида
апелляция, кассация, назорат тартибида протест ва шикоят-ларни ҳал
этиш босқичларигача бўлган даврда қўллаши, ўзгартири-ши, бекор
қилиши мумкин. Бу борада суднинг ўз ваколатларини амалга ошириш
тартиби қўлланманинг 2.6.2 – параграфида батафсил таҳлил қилинган.

Қамоққа олишга рухсат бериш ваколатини судга берилишининг
ҳозирги даврдаги амалиёти кўнгилдагидек эмас. «Санкция бериш
ваколати судларга ўтиши муносабати билан Россия ва Озарбайжон
амалиётида эҳтиёт чораси сифатида қамоқни белгилаш сезиларли

[49]

камайгани йўқ».

Эҳтиёт чораларини асосли равишда қўлланишини таъминлаш
жиҳатидан уларни қўлловчи субъектлар бир-биридан устунликка эга.
Суриштирувчи ва суриштирув органи эҳтиёт чораларини қўллашда
кўпроқ хатога йўл қўйиши эҳтимол. Сабаби, биринчидан, жинойт ишини
юретишнинг дастлабки босқичи тарзида суриштирув чоғида деярли
хамма вақт қилмиш ва уни содир этган шахс тўғрисида ахборот
танқислиги сезилиб туради ва бу ҳол мажбурлов чорасини танлаш ва
қўллашда ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Иккинчидан, аксарият
суриштирувчилар етарли малакага эга эмаслиги ва уларнинг фаолияти
устидан прокурор назорати зарур даражада амалга оширил-маслиги ҳам

эхтиёт чораларини танлашга жиддий таъсир этади. Суриштирув органи шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқаришга ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ваколатли эмас. Менимча, суриштирув органи агар шахсни ушласа ва уни айбланувчи ёхуд гумон қилинган шахс сифатида қамаш лозим деб топса, ЖПКнинг 342-моддасига мувофиқ ишни ўзидан соқит қилиши лозим.

Терговчилар юқоридаги ҳолатлар жиҳатидан эҳтиёт чораларини қўллашда бирмунча афзалликларга эга. Прокурор, ушбу масалани ҳал этишда қонунга кўра янада масъулиятли, суд эса мажбурлов чора-ларини қўллашга тўла ваколатли эканлигини таъкидлаш лозим. Суд идоравий манфаатлар, тарафларнинг истакларидан холи, жиноий таъқиб ва ҳимоялаш нуқтаи назаридан беғараз, холис, мустақил, жиноят-ларни фош этиш учун масъул бўлмаган маҳкама экани боис, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ваколатига эга ягона давлат ҳоки-мият органидир. Конституциямизнинг 19-моддасида алоҳида таъкид-лаб ўтилганидек, «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас». Бу муқаддас қоида халқаро ҳуқуқда тан олинган ва дунёдаги турли ҳуқуқ тизимларида янада ривожлантирилган. Жумладан, англо-америка ҳуқуқ тизимига мувофиқ, полиция бирор шахсни қамаш, ҳатто тинтув ўтказиш, телефон орқали сўзлашувларини эшитиб туриш каби мажбурлов характериға эга бўлган ҳуқуқни чекловчи чоралардан фойдаланиш учун бевосита судьяға мурожаат қилиши лозим. Континентал (китъавий) ҳуқуқ тизими (Германия, Франция, Италия, Австрия, Швейцария ва бошқалар) бўйича полиция бу хил чоралар кўриш учун судға фақат прокурор орқали мурожаат эта олади ёхуд прокурордан розилик олади. Прокурорнинг рухсати устидан суд назорати белгиланган, бундай рухсат устидан норозилик билан судға мурожаат этиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенциясида ана шу қоида назарда тутилган (6-

[50]

модда).

Конституциямизнинг 44-моддаси у қоидани амалға ошириш учун асосдир. Унга кўра: «Ҳар бир шахсға ўз ҳуқуқ ва эркин-ликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракат-лари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». Дастлабки тер-гов ва прокурор фаолияти устидан суд назорати ҳуқуқий давлатнинг зарурий белгиси эканини уқтириб, жиноят-процессуал ҳуқуқининг атоқли намоёндаларидан бири

[51]

И.Л.Петрухин «Судьялар Давлати, Одил судлов Давлати»

шаклланишига даъват этади. Мамлакати-мизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти ҳам пировардда ана шу йўналишдан бориши айни муддаодир.

II БОБ. ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

2.1. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат

Айбланувчи (судланувчи)дан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш эҳтиёт чораларининг энг енгили ҳисобланади. Лекин уни қўллашда ҳам жиддий сергаклик зарур.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш кўпроқ руҳий мажбурловга хос бўлиб, тилхат олиб қўйилган тақдирда айбланувчи унга нисбатан [\[52\]](#)

жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилади.

И.Л.Петрухиннинг фикрига кўра, бундай эҳтиёт чораси қўлланган шахслар барча конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуасидан фойдаланадилар. Бу чора билан қўлланиши мумкин бўлган бошқа чекловчи чоралар (кадрлар бўлимини, участка нозирини жалб қилиш ва бошқ.) қонунда назарда тутилмаган бўлиб, улар фуқаронинг шахсий [\[53\]](#)

эркинлигини жиддий ва сезиларли Равишда чеклайди.

Терговчи ва прокурор жиноятни текшириш жараёнида ходиса-нинг аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларини ўрганади. Эҳтиёт чора-си тўғрисидаги масалани ҳал қилишда у қўлланадиган шахснинг келгусидаги хулқ-атворини ҳам баҳолашга тўғри келади. Шахснинг хулқ-атворини баҳолашга бошланғич маълумотлар билан бирга иш бўйича тўпланган жиноятнинг оғирлигини, айбланувчининг шахси, унинг айб шакли кабиларни характерловчи далиллар ҳам хизмат қилади. Эҳтиёт чорасини танлаш масаласини тўғри ва асосли ҳал қилиш учун ишнинг барча фактик ҳолатларига баҳо бериш ҳамда шахснинг эҳтиёт чораси қўллашни тақозо этувчи эҳтимолий хулқ-атвори тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида хулоса қилиш лозим.

Жиноий жавобгарликка тортиладиган шахснинг хулқ-атворини олдиндан мутлақо аниқ кўра билиш қийин. Шунинг учун эҳтиёт чораси ҳақидаги масалани ҳал қилишда шахснинг эҳтимолий хулқ-атвори аниқланади. Бироқ бундай хулқ-атвор ҳақидаги хулоса тах-минларга эмас, балки шахс терговдан ва суддан яшириниши, ҳақи-қатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, жиноий фаолият билан шуғул-ланиши, ҳукмни ижросидан бўйин товлаши эҳтимол экани тўғрисида дарак берувчи объектив маълумотларга, реал далилларга асосланиши лозим. Шахсни камоққа олишдек жиддий масалани ҳал қилиш учун тахминларнинг ўзи етарли эмас. Бу ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш асослари сифатида шахснинг ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори эҳтимол эканлиги тўғрисида маълумотлардан ташқари уни жиноят содир қилишда фош қилувчи фактик маълумотлар эътиборга олинади.

Айрим манбаларда мазкур асослар нафақат айбланувчи, балки гумон қилинган шахсга ҳам тегишли бўлиши таъкидланган. ЖПКнинг 250-моддасида фақат айбланувчи ва судланувчи назарда тутилган, гумон қилинган шахс ҳақида эслатма ҳам йўқ. Демак, мазкур эҳтиёт чораси гумон қилинган шахсга нисбатан қўлланмайди, деб ҳисоблаш мумкин.

Тилхат бериш шаклидаги эҳтиёт чорасининг моҳиятини яшаб турган аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ҳақидаги тилхат ташкил қилган илгари амалда бўлган 1959 йилги ЖПКнинг 75-моддасидан фарқли равишда амалдаги ЖПКнинг 250-моддасида айбланувчи ва судланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга берадиган ёзма мажбуриятда

[54]

мавжуд бўлган чекловлар анча кенг талқин этилади. Олдинги қонунга кўра гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахс ўзи яшаб турган жойдан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ижозатсиз ҳеч қаякка кетмаслик тўғрисида тилхат беради. РСФСР ЖПКнинг 93-моддаси ҳам шундай мазмунда эди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси тавсия қилган ЖПК Моделининг 177-моддасида ҳам эҳтиёт чоралари қаторида ҳеч қаякка кетмаслик тўғрисида тилхат назарда тутилади. Унда шахснинг тергов ва суддан яширинмаслик, уларга ҳалал бермаслик ва жиноий фаолият билан шуғулланмаслик мажбуриятлари таъкидланган. Шундай қилиб, тилхатнинг мазмуни анча кенгайтирилиши тавсия этилган. Бу тавсиялар Қозоғистон Республикасида – 1997 йил 13 декабрда, Қирғизистон Республикасида – 1999 йил 24 майда, Россия Федерациясида – 2001 йил 18 декабрда қабул қилинган ЖПКларда эътиборга олинди. Ҳатто Қозоғистон Республикаси ЖПКда 144-модда ва Россия Федерацияси ЖПКда 102-модда ном-лари «Ҳеч қаякка кетмаслик ва муносиб хулқ-атворда бўлиш» тарзида баён этилди. Молдова ЖПК истиқомат жойидан кетиб қолмасликдан ташқари мамлакатдан четга чиқиб кетмаслик чорасини ҳам кўзда тутади (178-модда).

Ўзбекистон Республикасининг ЖПКси МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан ЖПК Модели қабул қилинишидан қарийб икки йил олдин қабул қилинган бўлса-да, юқоридаги тавсияларга мос эканлиги ва муайян афзалликлари борлигини мамнуният билан эътироф этиш лозим. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг бу ҳақдаги 250-моддаси «Ҳеч қаякка кетиб қолмаслик» деган иборадан ҳоли, чунки муносиб хулқ-атворда бўлиш – шахснинг ижозат-сиз ҳеч қаякка кетиб қолмаслигини ҳам ўзида мужассамлантиради. Хусусан, мазкур модданинг матнида ана шу хулқ-атворнинг асосий жиҳатлари равшан ифодаланган:

- тергов ва суддан яширинмаслик;
- жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик;

- жинойй фаолият билан шуғулланмаслик;
- терговчи, прокурор ва суднинг чақируви билан етиб келиш;
- уларнинг ижозатисиз ўзи истиқомат қилаётган аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик;
- шу аҳоли пункти доирасида ўз истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш.

Бундан ташқари, айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда, унга нисбатан жиддий эҳтиёт чораси қўлланиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

Эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати тўғрисидаги массалани ҳал қилишда, шунингдек у ёки бу чорани танлашда терговчи, прокурор, суд ЖПКнинг 238-моддасида кўрсатилган ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Бундай ҳолатларни ҳисобга олиш ва баҳолаш эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати ва асослари мавжудлиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилишга, шунингдек улардан айбланувчининг, судланувчининг номуносиб хулқ-атворининг олдини олишга ёрдам беради.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат асосан ижти-мой ўта хавфли бўлмаган шахсларга нисбатан, яъни унинг эркин-ликда қолиши жинойт судлов ишларини нормал юритишга жиддий хавф туғдирмайдиган ҳолатларда қўлланилади.

Ушбу эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчининг тергов ва суддан яширинмаслиги ва муносиб хулқ-атворда бўлишини таъмин-лаши мумкин, аммо уни келажакда дастлабки тергов ёки суддан бўйин товлайдиган, яна жинойтлар содир қиладиган ёки иш бўйича тергов ва судда иштирок этувчи шахсларга нисбатан ғайриҳуқуқий таъсир ўтказадиган айбланувчига ва судланувчига нисбатан қўллаш ман этилади. Бундан ташқари бу эҳтиёт чораси муайян турар жойи бўлмаган шахсга нисбатан одатда қўлланмайди.

Россия Федерациясида ўтказилган тадқиқотлар натижасида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш чорасини уму-ман қонунда кўзда тутилмаган асосларсиз қўлланилаётгани маълум бўлди: доимий яшаш жойининг мавжудлиги (асос сифатида қарор-ларнинг 44% тилга олинган), шахсинг судланмаганлиги (19,4%), ижобий характеристика (18,8%), қарамоғида боқимандалар, шу жум-ладан вояга етмаган болалари борлиги (11,5%), айбга иқрорлик ва қилмишдан пушаймонлик (9,1%), чақирувларга биноан ўз вақтида ҳозир бўлиш (8,5%), оиласининг борлиги (3,6%) шулар жумласи-дандир. Бундай ташқари айбланувчи шахсининг таниқли экани, ногиронлик, касаллик, моддий зарарни тўлаганлик, кам аҳамиятли жинойт содир этиш, иш жойидан қамоққа олиш тарзидаги чорани қўлламаслик тўғрисидаги далолатнома берилгани, сўроқ вақтида ҳалол сўзлаш каби ҳолатлар ҳам муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғри-сида тилхат чорасини қўллашга асос бўлган.

Айбланувчининг даст-лабки терговдан яшириниш, унинг боришига халал бериш ва жиноий фаолиятни давом эттириш нияти йўқлиги 2,4% қарорларни чиқа-ришда асос вазифасини ўтаган. Қарорларнинг 5,4% ига прокурорнинг қамоққа олишга рухсат бермаслиги асос бўлган, бунда эҳтиёт чора-сини қўллаш учун зарур бўлган маълумотлар умуман [55]

кўрсатилма-ган. Бизнинг республикамиздаги муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини қўллашда бундай бефарқликлар учрамайди. Мен томонимдан ўрганилган 311 жиноят ишининг 31 тасида (барча ишларнинг 10%) муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғри-сидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилиб, барча ҳолатларда улар қонунда кўрсатилган ҳолатларга асосланган.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат барча эҳтиёт чоралари ичида амалиётда энг кўп қўлланади. Ўзбекистон Республикасида 1999 йилда у қўлланилган барча эҳтиёт чораларининг 49,2 %, 2000 йилда 44,6 %, 2001 йилда 47,6 %, 2002 йилда 57,06 %, 2003 йилда 57,55 %ни ташкил этган. 2004 йилнинг биринчи уч ойи якун-лари бўйича бу кўрсаткич янада ошган. Кейинги беш йил давомида ИИВ терговчилари томонидан тилхат олиш 24-29 минг айбланувчига нисбатан қўлланган ёхуд миқдор жиҳатдан қарийб бошқа чоралардан икки марта ортиқ бўлган.

2.2. Шахсий кафиллик ҳамда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллиги

Кафиллик ишончга лойиқ шахслардан айбланувчи, судланувчи-ни муносиб хулқ-атворда бўлиши ва тергов ҳамда суд чақирганда ҳозир бўлиши ҳақида мажбуриятдир. «Кафилликнинг эҳтиёт чораси сифатидаги афзаллиги шундан иборатки, айбланувчи (судланувчи) эркинликда қолади, ўз меҳнат фаолиятини давом эттиради, одатдаги [56]

яшаш шароитлари ва оиладан ажралмайди».

Қонун кафилликнинг икки турини назарда тутади: 1) шахсий кафиллик; 2) жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги (ЖПКнинг 251 ва 252-моддалари). Баъзи мамлакатларда ЖПК кафиллар камида икки кишидан иборат (Украина - 152, Қозоғистон - 145, Қирғизистон - 106-модда), ҳатто 2-5 нафар (Молдова – 179-модда) бўлишини талаб қилади.

Айбланувчи (судланувчи)га фақат ўзини тегишлича тутишга мажбур этадиган ахлоқий омиллар таъсир қилади. Кафилликка бе-рилган шахснинг тегишли хулқ-атвори учун кафиллар масъулдир, унинг ўзига эса амалдаги қонун ҳеч қандай мажбурият юкламайди. Менимча, бу тўғри эмас. *Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олишдагидек, кафилликка берилган шахснинг зиммасига ҳам қуйидаги мажбуриятларни юклашни ЖПКнинг 252-моддасига кири-тиш мақсадга*

мувофиқ: 1) тергов ва суддан яширинмаслик; 2) ҳақи-қатни аниқлашга ҳалақит бермаслик; 3) жиноий фаолият билан шугулланмаслик; 4) ҳукм ижросига тўсқинлик қилмаслик. Айбланув-чи бундан ташқари, терговчи, прокурор ва суднинг чақириғига кўра келиш ва яшаш жойининг ўзгаргани тўғрисида маълум қилиш мажбуриятларини зиммасига олиши керак. Шахс ана шу мажбуриятлардан бирини бўлса-да, бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт [57]

чораси қўлланиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Бундай огоҳлантириш унинг тегишли хулқ-атворини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, айбланувчи (судланувчи) зиммасига олган мажбуриятларнинг бирортаси ҳам унинг ҳуқуқини жиддий тарзда чекламайди. Тегишли хулқ-атвор деганда шахснинг процессуал мажбуриятларини бузмаслик тарзидаги хулқ-атвори тушунилади. Уму-мий ахлоқий меъёрларни бузиш эҳтиёт чорасини янада жиддийроғи билан ўзгартиришга олиб келмаслиги керак.

Кўпгина давлатларнинг процессуал қонунчилигида кафиллик фақат айбланувчининг чақирганда ҳозир бўлишини таъминлаш билан чекланади. Кафиллик мақсадини бундай тор доирада тушуниш эса мазкур эҳтиёт чорасининг самарадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Қонун кафиллик эҳтиёт чораси сифатида танланганда айбланув-чи (судланувчи)нинг иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилинишини назарда тутмайди. Кафилликка берилган шахснинг яшаш жойидаги маъмурияти ва паспорт столини хабардор қилиш учун ҳам асос йўқ, чунки қонун унга яшаш жойидан ташқарига чи-қишни тақиқламайди. Айбланувчи (судланувчи) терговчи ёки судни вақтинчалик кўчиш ёки яшаш жойини ўзгартиргани ҳақида хабардор қилиши кифоя.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги айбланувчи (судланувчи)ни иш, ўқиш, яшаш жойида қолишга, шунингдек жамоат бирлашмасида аъзоликни давом эттиришга мажбур қилмайди. Бироқ, унинг бошқа ишга ўтиши, ўқиш ёки яшаш жойини ўзгартириши мазкур жамоат бирлашмаси ёки жамоани кафил бўлиш мажбуриятидан воз кечишига ва бу тўғрисидаги қарорни (ажримни) бекор қилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятда кафилликни кафилликдаги шахс яшашга, ишга, ўқишга ўтган янги жамоат бирлашмасининг зиммасига юклаш (агар у бунга рози бўлса) тўғрисида қарор (ажрим) чиқариш, ёинки бошқа эҳтиёт чорасини танлаш зарур. Эҳтиёт чораси, менимча, дастлабкисидан жиддийроқ бўлмаслиги керак, чунки фақат бир ишдан ёки ўқишдан, яшаш жойидан бошқасига ўтиш айбланувчи (судланувчи)нинг процессуал ҳолатини ёмонлаштириш учун асос бўлолмайди.

Кафилликнинг барча кўринишларида, агар кафилликдаги шахс ўзи томонидан берилган ваъдаларни бажармаса, интизомни бузса, спиртли

ичимликларни истеъмол қилса ва ҳоказо ҳолларда кафил ундан воз кечиш ҳуқуқига эгадир. Шу тариқа, кафилликдан воз кечиш учун асослар ахлоқий тусда бўлиши мумкин. Кафиллар айбла-нувчи учун танланган эҳтиёт чорасига зид ҳаракатларни амалга оширишини (яшириниши, янги жинойт содир этиши ва ҳоказо) кутиб ўтириши шарт эмас. Кафилликдан воз кечиш учун ишонч йўқолиши ва процессуал маънода тегишли бўлмаган хулқ-атвор эҳтимолининг борлиги кифоядир. Терговчи ва суд кафилликдан воз кечишнинг асослилигини назорат қилади. Аммо, агар воз кечишнинг важлари жиддий бўлмаса, кафиллик самарали бўлиши даргумон. Шунинг учун мақбул вариант – агар бундан кейин кафиллик имконияти объектив равишда йўқолмаган бўлса, кафилнинг айбланувчи билан келишу-вини излашдир. Кафилликни кафилнинг ўзи эмас, балки терговчи ёки суд бекор қилади. Лекин кафил ўз ихтиёри билан ва ҳар қандай важлар сабабли кафилликдан воз кечишга ҳаққи бор. Кафил бўлиш – фуқаровий мажбурият эмас. Кафилликдан воз кечиш асосларининг жиддийлигига қараб, терговчи ёки суд кафиллик ўрнига бошқа эҳтиёт чорасини танлайди.

Шубҳа йўқки, барча эҳтиёт чоралари каби кафиллик ҳам шахсни муайян хулқ-атворга мажбурлайди. Кафиллик назоратга олиш билан боғлиқ чора сифатида айбланувчининг руҳиятига таъсир кўрсатиб, ундан нохуш оқибатлар келиб чиқиши таҳдиди остида маълум хара-катлардан тийилишни талаб этади. Бундай оқибатлар икки хил бўлиши мумкин: суд томонидан айбланувчининг кафиллари ва қонуний вакилларига татбиқ этиладиган мулкий жазо ва баъзи бир маънавий талофатлар. Жумладан, терговчи, айбланувчи ва кафил ўртасида уч томонлама муносабат юзага келади. Кафил айбланувчининг рисола-дагидек хулқ-атворини таъминлашга мажбур, лекин у айбланувчини қонунга итоат этувчи хулқ-атворга мажбур этиш учун юридик ваколатга эга эмас. Айбланувчининг нигоҳида кафил обрў-эътиборга эга, нуфузли шахс. У билан айбланувчи ўртасидаги муносабат ҳуқуқий тусга эга, лекин факат ишончга асосланган. Айбланувчи ўзини кафилликка олган шахсга нисбатан мулкий ва маънавий тусдаги нохушликлар юз беришини хоҳламайди ва шу сабабдан рисолага зид хулқ-атвордан ўзини тияди. Агар айбланувчи ўзини рисоладагидек тутмаса, терговчи билан кафил ўртасидаги регулятив ҳуқуқий муносабат кескин тус олади. Демак, айбланувчининг ноҳўя хулқ-атвори мазкур ҳуқуқий муносабатда юридик факт ролини ўйнайди ва бу нарса мазкур эҳтиёт чораларини қўллаш ёки ўзгартириш чоғида эътиборга олинади. Айбланувчи кафилнинг шаъни тўғрисида ташвиш чекиши ҳам етарлича жиловлаб туриш кучига эга эмас. Агар у ўзини рисоладагидек тутмаса, қамоққа олиниши мумкинлиги хусусида хавфсираши асосий огоҳлантирувчи аҳамият касб этади.

Шу тариқа, айбланувчини руҳан мажбурлаш очикдан-очик ёки

билвосита кафиллик ва назоратга олиш билан боғлиқ барча эҳтиёт чораларини қўллаш чоғида, ҳатто эҳтиёт чораси танланмай, айбланувчидан мажбуриятлар олиш ва ноўрин хулқ-атвор оқибатлари [58]

тўғрисида махсус огоҳлантириш ҳолларида ҳам юз беради.

Кафиллик ўрнатиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқариш лозим. Қарор асосланган ва кафил тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Қарор (ажрим) чиқаришдан олдин терговчи (суд) қонундан келиб чиқадиган ҳаракатларни амалга оширади. Кафил ишончли бўлиши керак. Кафилнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни тўплаб ва текшириб, терговчи (суд) бунга қаноат ҳосил қилиши шарт. Кафилнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни терговчи тезкор-қидирув органлари ёрдамида ҳам тўплаши мумкин. Жамоа кафиллигидан фойдаланиш мақсади бўлганда, кафилликни самарали амалга ошира олиши мумкинлигини белгилаш учун тегишли жамоат бирлашмаси ёхуд жамоадаги микромуҳит тўғрисида маълумотларни тўплаш зарур.

Қонунни кафиллик учун айбланувчининг ўзидан ҳам розилик олиш зарурлиги тўғрисида қоида билан тўлдириш керак. Бундай розиликсиз кафиллик самара бермайди. Кафилликни амалга ошириш учун ҳар икки тараф – айбланувчи ва кафилнинг ихтиёрий хоҳиш билдириши зарур. Шу боис айбланувчининг кафил билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги маълумотларни эътиборга олиш лозим бўлади.

Кафиллик тўғрисида тилхат олиш учун терговчи ёки суд кафилликка олаётган шахсни чақиради. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа-нинг вакили терговчи ёки судга ушбу бирлашма ёхуд жамоа айбланувчининг тегишли хулқ-атвори ва унинг чақириниш бўйича ҳозир бўлишига кафил бўлиши тўғрисида ёзма мажбурият келтириши шарт. Кафил ёки унинг вакили, шунингдек айбланувчи мазкур эҳтиёт чора-сининг танлангани тўғрисидаги қарор (ажрим) билан Танишиб, имзо чекишлари керак. Уларнинг ҳар бирига, агар улар илтимос қилса, ушбу ҳужжатдан нусха топширилиши лозим бўлади. Кейин терговчи (суд) яна бир карра кафилликка берилаётган билан кафил ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини аниқлайди ва кафилни ишнинг моҳиятидан (айбловнинг оғирлиги, эҳтимолий жазо ва ҳоказо) хабардор қилади. Таклиф қилинаётган таомилни қонунда аниқ акс этирилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунинг учун ҳар бир айбланувчидан, унга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланганидан қатъи назар, суд ва терговдан яширинмаслик, ҳақиқатни аниқлашга, ҳукми ижро этишга тўсқинлик қилмаслик, жиноий фаолият билан шуғулланмаслик, чақиринганда ҳозир бўлиш ва яшаш жойини ўзгартиргани ҳолда маълум қилиш тўғрисида ёзма мажбурият олинади. Бунда айбланувчи кўрсатилган мажбуриятларни ўз зиммасига олганлиги кўрсатилган баённома тузилиши ва унга бу мажбуриятларни

бажармаслик қандай оқибатларга олиб келиши ту-шунтирилиши керак бўлади. Баённома тузилаётганда кафиллар ҳозир бўлиши ва уни имзолашлари лозим. Эҳтиёт чорасини суд танлаганда тегишли ҳолатлар суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Кафилликни эҳтиёт чораларидан чиқариб ташлаш ҳақида баъзи амалиёт ходимларининг таклифига қўшилиш учун арзигулик асос йўқ. Ушбу ном билан бирлаштирилган эҳтиёт чоралари жиноят суд-лов ишларини демократлаштириш, мажбурлаш доирасини торайти-риш, ижтимоий ҳаётнинг ахлоқий негизларини такомиллаштириш, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларда ишончга суяниш билан чамбарчас боғланган. У шахс ва давлатнинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди.

Кафилликнинг процессуал шаклини соддалаштириш керак. Баъзи муаллифлар таклиф этганидек, айбланувчининг ҳар гал тергов ёки судга чақирилиши тўғрисида кафилларни хабардор қилишга ҳо-жат йўқ. Чор Россиясида ана шундай қоида жорий этилиб, кафиллар айбланувчини назорат қилиш ва уни сўроққа етказиб келиш тўғриси-да ҳокимият органларининг талабини бажариши шарт эди. Ҳозирги шароитда кафилликнинг хусусиятлари ўзгарди, у таъкиб қилиш аломатини йўқотди.

Кафил, агар айбланувчи кафиллик шартларини бузаётганига ишонч ҳосил қилса, айбланувчини тергов органига ёки судга олиб келиш ҳуқуқига эга, деган нуқтаи назарга ҳам қўшилиб бўлмайди. Айбланувчи янги жиноятни содир этгандагина ушланиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб келиниши мумкин. Кафил бирор шахсни ушлаш учун бошқа фуқаролар қандай ҳуқуқли бўлса, ана шундай ҳуқуққа эга. Айбланувчининг тегишлича бўлмаган ножўя хулқ-атвори ҳақида кафил мазкур эҳтиёт чорасини танлаган органига хабар қилишга ҳақли, аммо у кафилликка Олинганни ушлаши ва мажбурий келтириши учун қонунда назарда тутилган асослар йўқ.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги дейилганда, айбланувчининг истиқомат жойи, ўқийдиган ёхуд меҳнат қиладиган жамоа ёки у аъзо бўлган касаба уюшмаси ва бошқа бирлашмаларнинг кафиллиги тушунилади. Баъзи муаллифлар кафилликка олиш тўғри-сидаги қарорни фақат жамоат бирлашмаси, бошқалар жамоат бир-лашмаси ёки унинг сайлаб қўйиладиган органи, баъзилар эса фақат сайлаб қўйиладиган органи қабул қила олади, деб ҳисоблашади.

Фикримча, биринчи нуқтаи назар тарафдорлари ҳақли. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг йиғилишида кафиллик масаласини синчиклаб кўриб чиқишни таъминлаш мумкин. Шу сабабдан қонун кафилликни амалга оширадиган субъектларнинг рўйхатини белгилар-кан, жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг сайлаб қўйиладиган органларини назарда тутмайди. Кафиллик масаласини жамоат бир-

лашмаси ёхуд жамоа маъмурияти жамоа билан маслаҳатлашмаган ҳолда кўриб чиқиши одил судловнинг манфаатларига мос келмайди. Шу сабабли терговчи (суд) кафиллик ёки ундан воз кечиш маса-ласини қайта кўриб чиқиш учун жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир. Кафил-лика берилган шахс жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг йиғи-лишида қатнашиши мақсадга мувофиқ. Баъзан йиғилишда мазкур ишни юритаётган терговчи сўзга чиқади. Агар кафиллик тўғрисида асосланган қарор чиқариш учун зарур бўлса, жамоат бирлашмаси ёки жамоага ўз вакили орқали иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи берилиши керак. Терговчи ёки судга умумий йиғилиш ўтказилгани, унда иштирок этганлар сони, сўзга чиққанларнинг мулоҳазалари ва овоз бериш натижалари кўрсатилган ҳолда йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланган баённома ва шахснинг тегишлича хулқ-атвориغا кафиллиги тўғрисида бирлашма ёки жамоанинг ёзма мажбурияти юборилиши зарур.

Бирлашма ёки жамоанинг илтимоси терговчи (суд) учун маж-бурий эмас, кафилликка бериш тўғрисидаги илтимос рад қилиниши мумкин. Шунингдек, шахс учун кафил бўлишни хоҳламаган, бирлаш-ма ёки жамоага кафилликни зўрлаб ўтказиш мумкин эмас. Бирлашма ёки жамоа фақат ўз аъзолари учун кафил бўлиши мумкин, ўзи бил-майдиган ва хулқ-атворини назорат қилмайдиган шахс учун кафил бўла олмайди.

Жамоат кафиллигининг характерли хусусияти – айбланувчи (судланувчи)нинг тегишлича бўлмаган хулқ-атвори учун кафилнинг ҳуқуқий жавобгарлиги мавжуд эмаслигидир. Бироқ бу нарса уни самарасиз қилмайди. Шахс учун жамоанинг ишончи шахсий кафил-ликдан кўра анча қимматлидир. Жамоага панд бермаслик, унинг ишончини оқлаш хоҳиши кафилликка берилувчининг тегишлича хулқ-атворининг жиддий омили бўлиб хизмат қилади.

Кафиллик бошқа эҳтиёт чораларига нисбатан анча кам қўллана-^[59] диган эҳтиёт чораси ҳисобланади. Мен томонимдан ўрганилган 311 жиноят ишининг фақат иккитасида кафиллик эҳтиёт чораси қўл-ланган.

Ниҳоят, шуни таъкидлаш жоизки, кафиллик тарзидаги эҳтиёт чораси йил сайин кўпроқ қўлланмоқда. Масалан, Республика бўйича ИИБ терговчилари бу чорани 1999 йилда – 169, 2000 йилда – 1265 шахсга, 2001-2003 йилларда тегишлича – 2859, 2690, 2627 кишига қўллаган. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси бўйича бу эҳтиёт чора-сини қўллаш тажрибаси умумлаштирилмаган, кафилликнинг самара-си ёхуд кафилларни ўз мажбуриятларини бузгани учун жавобгарлик-ка тортиш ҳолларини учратмадик. Жамоат бирлашмалари ва жамоа кафиллиги эса ҳуқуқий оқибати аниқ бўлмагани сабабли РФ, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларида қабул қилинган ЖПКларда назарда тутилмаган. Менимча, кафилликнинг бу турини сақлаб қолиш,

айниқса маҳалла жамоасининг бу тўғрида мурожаат-ларига рад жавоб бермай, аксинча, рағбатлантириш, кафилликка олувчиларнинг масъулиятини ошириш, ҳатто кафилдан муайян ҳо-латларда жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплашни талаб қилиш тўғри бўларди.

2.3. Гаров

[60]

Гаров ҳуқуқшуносликда, шу жумладан фикҳда анчайин тарқалган ва турлича мазмунга эга. Фуқаровий ҳуқуқда гаров шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга мўлжалланган жид-дий воситалардан биридир. Шартнома бажарилмаган тақдирда гаров нарса (деярли барча ҳолларда пул маблағи ёки қимматликка эга бўлган муайян мулк) талабгорнинг ихтиёрига ўтади. Кўпинча шахс бировдан, хусусан ломбард (гаровхона)дан пул қарз олганда ёки бировнинг мулкни ижарага, вақтинча фойдаланишга олганда бирор қимматли буюмни гаровга беради. Қарз ёхуд буюм келишилган муддатда қайтарилса, гаров нарса ҳам эгасига қайтарилади, акс ҳолда у кредиторнинг тасарруфига

[61]

ўтади (Фуқаролик кодексининг 264 – 289-моддалари).

Фуқаровий ҳуқуқдаги бу ихтиёрий гаровдан фарқли ўлароқ, жиноят ҳуқуқида (тўғрироғи, жазолаш ҳуқуқида – Г.Т.) гаров тари-қасида шахсни тутқунликда ушлаб туриш оғир жиноятлардан бири ҳисобланади (ЖКнинг 245-моддаси). Кейинги йилларда бу хил жи-ноятлар террорчи-экстремист жинойи гуруҳлар томонидан ўзлари-нинг ғайриқонуний, инсонпарварликка зид талабларини қондириш, шу жумладан йирик миқдорда маблағ олиш, шерикларини маҳбус-ликдан қонунсиз озод этиш, ҳаво кемасидан фойдаланиш каби қабих ниятларига эришиш учун содир этилмоқда.

Жиноят-процессуал ҳуқуқда гаров айбланувчи (судланувчи) ва

[62]

гаров берувчининг розилиги билан қўлланади. Айбланувчи ёки судланувчини қамамаслик ёинки қамоқдан озод қилиш шarti сифа-тида гаров сўнгги ўн йилликлар давомида тобора тез-тез қўлланаёт-ган эҳтиёт чорасидир.

Жиноятчиликка қарши кураш борасида гаров мамлакатимизнинг кўп асрлик ҳуқуқий ўтмишида қандай мазмун касб этгани ва қанча-лик кенг қўллангани тўғрисида аниқ маълумотлар сақланмаган. Ҳозирги жиноят-процессуал тизимимизда гаровнинг мавжудлиги эса, 1864 йили Россияда ўтказилган суд ислоҳоти, чунончи Судда жиноят ишларини юритиш низоми (Устав уголовного судопроизводства) билан боғлиқ. Унга биноан, Россияга қарам ҳудудларда эҳтиёт чора-ларини қўллаш

амалиётига оид маълумотларга қараганда, гаров жуда кам ҳолларда қўлланган. Масалан, 1898 йилда турли жиноятлар учун 76.751 нафар шахс маҳкум этилиб, улардан гаров эвазига очикда бўлганлар умумий судлар томонидан судланганларнинг 0,9 фоизини, мураса судларида [\[63\]](#)

(мировые суды) судланганларнинг 0,5 фоизини ташкил этган, холос.

1917 йил октябр тўнтаришигача юқорида номланган низомда белгиланган эҳтиёт чоралари тизими ўзгармаган. Шўролар даврида Суд тўғрисидаги 1-сонли декрет (1917 йил 24 ноябр) ва Ҳарбий тер-говчилар тўғрисида низомдан (1919 йил 30 сентябр) бошлаб, РСФСРнинг 1922 йил 25 май, 1923 йил 15 феврал ЖПКларида, шунингдек Россия Федерациясининг ҳозир амалдаги ЖПКда (2001 йил 18 декабр) гаров эҳтиёт чораси сифатида назарда тутилган. Ук-раина, Беларус, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Эстония каби янги мустақил давлатларнинг амалдаги ЖПКларида ҳам гаров эҳтиёт чоралари сирасига киритилган бўлсада, Ўзбекистон қонунчилигида у биринчи марта 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЖПКдан ўрин олди (1-иловага қаранг).

Таъкидлаш жоизки, Кодекс амалга кирган дастлабки йилларда бу [\[64\]](#)

норма, Россиядагидек, аҳён-аҳёнда қўлланарди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов аппаратлари жиноят ишлари бўйича гаров 1999 йилда 672 нафар айбланувчига нисбатан қўлланган эди. 2004 йилнинг биринчи чорагидаёқ бу кўрсаткич 729 га етди. Сабаби шундаки, 2000 йилдан бошлаб айбланувчиларга бу эҳтиёт чорасини кенг қўллашга алоҳида эътибор берилгач, 2000 йилда – 2180 айбла-нувчига, 2001 йилда – 3.234, 2002 йилда – 3284, 2003 йилда – 3063 айбланувчига нисбатан қўлланди. Шу муносабат билан барча айбланувчилардан қамокқа олинганлар 2002 йилда 45,2% ни ташкил этган бўлса, 2003 йилда 24,3% [\[65\]](#)

ни ташкил этганини алоҳида таъкид-лаш лозим. Шундай самара бераётганига қарамай, гаровнинг қўлла-нишига лоқайдлик билан [\[66\]](#)

қаровчилар ҳам учраб туради. 2004 йил-нинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикасида гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини қўлланишига назар солсак олдинги йил-нинг шу даврига нисбатан камайишни кузатишимиз мумкин. Гаров эвазига қамалмаган, давлатга ҳам, оиласига ҳам ортиқча ташвиш келтирмаган бу тоифа айбланувчилар камдан-кам ҳолларда гаров шартини бузганлари сабабли қамокқа олинади. Бизда бундай ҳисоб юритилмайди. АҚШда маълумотларга [\[67\]](#)

қараганда 2-4,7 фоиз гаровда-гилар қамокқа қайтарилган. ЖПК 249-моддаси хорижий давлат ЖПКларидагидан кўп жиҳатдан фарқ қилади.

Лекин ана шу фарқларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳануз таҳлил этилмаган. Гаров тўғрисида тартибни тўлдириш, ўзгартириш, аниқлаштириш ҳақида илмий-амалий таклифлар адабиётларда деярли йўқ. Табиийки, бу борада таҳлилий ва қиёсий тадқиқотлар, айниқса амалиётни синчиклаб ўрганиш гаровни қўллаш самарадорлигини оширишга, қонун нормаларининг мазмуни ва матнини янада такомил бўлишига имконият яратади. Ана шу жиҳатдан қуйидаги масалалар ва муам-молар, менимча, айниқса эътиборга молик.

1) Хорижий, чунончи англо-саксон ҳуқуқ тизимида хос қонунчиликларнинг деярли барчасида, шунингдек Молдова, Эстония ЖПКларида эҳтиёт чораси сифатида гаров берилишини талаб қилиш муқобил (альтернатива) хусусиятига эга бўлиб, муайян пул суммаси тергов-суд идораларига топширилмаган ҳолда айбланувчи қамоқда сақланишини билдиради. Бинобарин, менимча, қонунга биноан қамоққа олиниши мумкин бўлмаган айбланувчидан гаров талаб қилиш мумкин эмас. Лекин айбланувчи бундай талаб бўлмасида, тилхат ёки кафилик тарзидаги эҳтиёт чоралари ўрнига гаров беришга ҳақли. Бизнинг ЖПКда бу қоида таъкидланиши мақсадга мувофиқ. Ҳар сафар шахс гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган ёхуд унга нисбатан айблов мазмуни ва ҳажми ўзгартирилгани ҳамоно, унга қонун бўйича қамоққа олиниши ёки муайян гаров эвазига озод этилиши мумкинлиги, шунингдек, гаров билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши лозим.

2) Гаров биздаги тартибга кўра, фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланиши мумкин. Россия Федерацияси, Украина, Беларус, Қозоғистон, Эстония ва баъзи давлатлар қонунчилигида бу чора гумон қилинувчига ҳам қўлланиши назарда тутилган. Гумон қилинувчига нисбатан алоҳида ҳолларда қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиши мумкин бўлса-да (ЖПК 226-моддасининг иккинчи қисми), уни гаров эвазига қамоқдан озод қилишга йўл қўйилмаслиги, бу ҳақда терговчи ва прокурорнинг қарори устидан норози бўлиб судга мурожаат қилиш тартиби ўрнатилмагани, менимча, жиноят-процессуал қонунларини либераллаштириш мақсадларига мос эмас. Амалиётда бундай зарурат ҳоллари учраб туради. Шунда гумон қилинувчи шахсни қамамай, гаровга озод қилиш, айтилган вақтда гумон қилинувчининг гаров тўлаш эвазига қамоқдан вақтинча озод бўлиш имконияти чекланиши учун арзигулик асослар йўқ.

3) Барча мамлакатлардагидек, бизнинг жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳам ўта оғир жиноятни содир этишда гумон қилинган ёки айбланган шахс, кимлигидан қатъи назар, албатта судгача қамоққа олиниши ва ҳеч бир ҳолатда қамоқдан озод қилинмаслиги тўғрисида қоида йўқ. Амалиётда баъзи жиноятларни содир этишда айбланаётган шахсининг хулқ-атворини эътиборга олиб қамоқ чораси қўллаш зарурлиги

таъкидланганидек, қайси тоифадаги айбла-нувчиларни гаров эвазига озод қилиш ноўрин эканлиги ҳам шубҳасиз ўзини оқлаган, шунга кўра гаров тарзидаги эҳтиёт чораси баъзи айбланувчилар тоифасига кўлланмаслиги талаб қилинади, масалан:

– шахси ва доимий истиқомат жойи аниқ бўлмаган ёки жиноят процессини юритувчи органдан яширинишга уринган айбланувчига; оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган шахсга, агар уни камокдан озод қилиш очикдан-очик хатарли бўлса; фавқулодда оғир жиноят содир этишда айбланаётган шахсга (МДХ иштирокчиси бўлган давлатларга тавсия этилган ЖПК Моделининг 176-моддаси);

– жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни тўламаганларга (Беларус ЖПКнинг 124-моддаси, Молдова ЖПКнинг 124-моддаси);

– ўта оғир жиноят содир этишда айбланаётганларга (Қирғизис-тон ЖПКнинг 109-моддаси, Қозоғистон ЖПКнинг 148-моддаси), оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланаётганларга (Беларус ЖПКнинг 124-моддаси);

– қасддан содир этилган, 25 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятда айбланаётганларга (Молдова ЖПКнинг 192-моддаси);

– Пенитенциар кодексда кўрсатилган 11 нафар жиноятларни содир этишда айбланаётганларга (Эстония ЖПКнинг 135-моддаси) бу инсонпарвар эҳтиёт чораси кўлланмаслиги таъкидланган.

Бизнинг ЖПКга ҳам шу хилда истиснолар киритилиши масала-сида ўтказилган сўров варақаларида 78 % терговчи, прокурор ва судьялар жиноят натижасида етказилган зарарни тўла қопламаган шахсга, шунингдек шу амалиёт ходимларининг 92 %и ЖКда ўлим жазоси назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланаётганларга нисбатан гаров кўлланмаслигига тарафдор бўлдилар. Менимча, улар-нинг фикрига кўшилиш тўғри бўларди. Махсус адабиётда гаровни тергов ва суддан бўйин товлашга интилган, жиноий фаолиятини давом эттираётган, гувоҳ ёки процесснинг бошқа иштирокчиларига таҳдид қилган ва далилларни йўқотишга уринаётган шахсга нисбатан ҳам кўлламаслик тўғрисида

[68]

одилона тавсиялар учрайди. Гаров тарзидаги эҳтиёт чораси оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда ҳамда ташкилий жиноий гуруҳ билан алоқада бўлганликда айблан-ганларга нисбатан кўлланмаслиги

[69]

лозим, деган фикрлар билдирилган. Айбловнинг оғирлиги даражаси

[70]

гаровни кўллашда албатта эътиборга олинishi лозим. Менимча, ҳар сафар гаров масаласини ҳал қилиш шахсининг ижтимоий-демографик хусусиятларига, ишдаги барча ҳолатларга хатосиз баҳо бериш билан

боғлиқ. Масалан, «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ директори А. иш бўйича етказилган 329 млн. сўм миқдорда моддий зарарни тўлагани боис, унга нисбатан қамоқ чораси қўлланмагани фикримизнинг исботидир. Жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлаганлари учун 2002 йилда 6 мингдан зиёд айбланувчилар ва тергов жараёнида яшириниб, кейин ўз ихтиёри билан тергов идораларига иқрорлик билан ҳозир бўлган юздан зиёд шахсларга қамоқ билан боғлиқ [71]

бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланган. Кейинги уч йил давомида ана шундай либераллаштириш тамойилига мос келадиган гаров чораси-нинг кўпроқ қўлланиши инсон кадриятига юксак эътибор беришга олиб келдики, бундан ҳам амалий, ҳам назарий хулосалар чиқармоқ лозим.

4) Кўпчилик хорижий давлат ЖПКларида шахсни дастлабки тергов босқичида гаров эвазига қамалмаслиги учун прокурорнинг розилиги (РФ ЖПКнинг 106-моддаси, Қирғизистон ЖПКнинг 109-моддаси, Қозоғистон ЖПКнинг 148-моддаси ва бошқалар) ёхуд суд-нинг рухсати (Молдова ЖПКнинг 192-моддаси, Эстония ЖПКнинг 135-моддаси ва бошқалар) талаб қилинади. Айрим давлатларда фақат қамоқдаги айбланувчини гаров эвазига озод қилиш учун прокурор-нинг рухсати бўлиши керак (Украина ЖПКнинг 154-моддаси). Ўзбекистон ва Беларус ЖПКларида эса шахсни гаровга бериш масаласини терговчи прокурордан розилик олмай хал қилади. Менимча, гаров муқобил тарзда қамоқ чорасининг ўрнига қўлланишини ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини жиддий чеклашдан иборат эканлигини эътиборга олиб, прокурор розилигисиз қўлланиши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, гаровга озод этилиши ҳақида илтимосига рад жавобини олган ҳар қандай шахс бу тўғрида судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Жиноят процессининг бу демократиялаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган қондаси аксарият ЖПКларда акс эттирилган (РФ ЖПКнинг 125-моддаси, Беларус ЖПКнинг 143-моддаси, Қозоғистон ЖПКнинг 109–110-моддалари, Қирғизистон ЖПКнинг 131–132-моддалари, Молдова ЖПКнинг 196-моддаси, Эстония ЖПКнинг 136–137-моддалари). Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга бундай қоида киритилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамоханг бўлур эди.

5) Баъзи давлатларнинг ЖПКларида гаров предмети фақат пул тарзида белгиланган (Эстония ЖПК 135-моддаси, Молдова ЖПК 192-моддаси, Беларус ЖПК 124-моддаси, Қирғизистон ЖПК 109-мод-даси), баъзиларида қимматли буюмларни гаровга олиниши, (Қозоғистон ЖПК 148-моддаси, Украина ЖПК 154¹-моддаси, РФ ЖПК 106-моддаси), бир хилларида – ҳатто кўчмас мулк ҳам гаровга қабул қилиниши (Озарбайжон ЖПК 164-моддаси), бу ҳолда прокурорнинг рухсати зарурлиги (Қозоғистон ЖПК 148-моддаси) назарда тутилади.

Умуман гаров предмети ва суммасини прокурор белгилаши тўғри бўларди. Бу эҳтиёт чорасини қўллаш-қўлламаслик масаласини ҳал этиш прокурор ваколатига киритилиб, унинг предмети ва сум-масини белгилашни терговчининг чекланмаган хоҳишига қолдирили-ши мантиқан хатодир. Бунинг олдини олиш учун гаров суммаси Ўзбекистон ЖПКда энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари-дан, Беларус ЖПКда гаров суммаси минимал иш ҳақининг 500 бараваридан, Эстония ЖПКда кундалик иш ҳақининг 500 барава-ридан кам бўлмаслиги, Қирғизистон ЖПКда 50 дан 1000 бараварида, Молдова ЖПКда гаров кундалик минимал иш ҳақининг 300-100000 бараварида бўлиши талаб қилинади. Лекин бу талаб гаров суммасини белгилашда прокурорнинг бевосита масъулиятини камайтирмаслиги зарур.

Баъзи мамлакатларда гаровга берилаётган шахсларни улар қандай жинойт содир этганликда айбланаётганини эътиборга олиб, дифференциялаш ва шу аснода гаров суммасининг минимал миқдорини белгилаш ЖПКнинг ўзида кўрсатилган, чунончи:

– Украина ЖПКга биноан ўн йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин бўлган оғир жинойтни содир қилишда айбланаётганга – фуқароларнинг солиқ солинмайдиган минимал даромадининг бир минг бараваридан кам бўлмаслиги; бошқа оғир жинойтларда айбланаётганга ёки илгари судланганга – минимал даромаднинг 500 бараваридан кам бўлмаслиги, қолган шахсларга – минимал даромаднинг 50 бараваридан кам бўлмаслиги; барча ҳоллар-да бу сумма иш бўйича фуқаровий даъво суммасидан кам бўлмаслиги шарт.

– Қозоғистон ЖПКга мувофиқ унча оғир бўлмаган жинойтни содир этишда айбланаётганга ойлик маош кўрсаткичининг 100 бараваридан, ўрта даража оғир бўлган эҳтиётсизлик билан содир этилган жинойтда айбланаётганга – ойлик маош кўрсаткичининг 300 бараваридан, ўрта даража оғир бўлган қасддан содир этилган жи-нойтда айбланаётганга – ойлик маош кўрсаткичининг 500 баравари-дан, оғир жинойтни содир этишда айбланаётганга – ойлик маош кўрсаткичининг 1000 бараваридан кам бўлмаслиги шарт.

Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда гаров суммасининг энг кам миқдори минимал ойлик иш ҳақининг 20 бараварида белгиланган. Мен томонимдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари, судьялар, адвокатлар, фуқаролар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳамда жамоатчилик фикридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гаровнинг минимал миқдорини тўлаш ҳам кўпчилик фуқароларга оғирлик қилиб, оқибатда гаровнинг қамоқ эҳтиёт чора-сига алмаштирилишига олиб келмоқда. Ҳозирда гаровни минимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари ҳамда дифферен-циал равишда максимал миқдорини 100 баравари доирасида белгилаб қўйиш самарали

бўлар эди.

Баъзи муаллифлар Россия жиноят-процессуал қонунчилигида гаров суммасининг энг кам миқдори белгиланмаганини танқид қилиб, у барча ҳолларда ойлик энг кам меҳнат ҳақининг юз бараварида бўлиши

[72]

лозимлигини таъкидлайдилар. Шубҳасиз, қонунда гаров суммасининг энг кам миқдорини белгилаш лозим, аммо унинг шу қадар юқори бўлиши бу эҳтиёт чорасининг кам қўлланишига олиб келади. Шунингдек, гаров суммасининг энг кўп миқдорини белгила-май, фақат прокурорнинг хоҳишига боғлаб қўйиш ярамайди. Имкон бориша бу хил масалаларга «икир-чикир» деб қараш ва уларни қонунда муайянлаштирмай, уни бажарувчи мансабдор шахслар ихтиёрида қолдириш ўзини оқламайди. Ҳаётни алоҳида шахслар эмас, қонунлар бошқариши афзал экани тўғрисида умумбашарий қонундан инкор этиб бўлмайди.

6) Гаров суммасини гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки бошқа жисмоний шахслар тўлаши ҳақида қонунда аксарий мамлакатларнинг ЖПКларидан ўрин олган. Аммо гаров суммасини Ўзбекистон, Россия, Украина ва Қозоғистон ЖПКлари бўйича – ҳар қандай юридик шахс, Қирғизистон ЖПК бўйича – ташкилот ҳам топшириши мумкин. Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гаров беришга ҳақли эмасликлари мазкур матнда албатта акс эттирилиши лозим, чунки давлатга тегишли маблағларни бу хил мақсадларга сарфлаш тақиқланади.

7) Гаров эвазига қамалмаган ёки қамокдан озод қилинган шахс зиммасига дастлабки тергов ва суддан бўйин товламаслик, жиноий қилмиш билан шуғулланмаслик, ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бермаслик мажбуриятларидан ташқари бир қанча муайян мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин. Жумладан, Молдова ЖПКнинг 191-моддасида гаров остидаги шахс ўзи истиқомат қилиб турган аҳоли яшаш жойидан ташқарига кетиб қолмаслик; яшаш жойи ўзгаргани ҳақида хабар бериш; баъзи жойларга бормаслик; муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик; автотранспорт бошқармаслик; айбловга боғлиқ бирор муайян касб ёки фаолият билан шуғулланмаслик каби мажбуриятлар назарда тутилган. Шу мазмундаги норма қамокдан бошқа эҳтиёт чоралари қўлланган барча шахсларнинг процессуал масъулиятини оширган бўлур эди.

8) «Вояга етмаган айбланувчи, судланувчига нисбатан кузатув остига олиш учун топшириш ёки шахсий кафиликка бериш эҳтиёт чораларини қўллаш билан бир қаторда уларни гаров эвазига қамаслик

[73]

ёхуд қамокдан озод қилиш ўзини оқлайди», деган фикрларга қўшилмаймиз. Чунки икки эҳтиёт чорасини қўшиб, бир йўла қўлланиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 237-моддасидаги бир шахсга

нисбатан бир вақтнинг эҳтиёт чораларидан фақат биттаси қўлланиши тўғрисидаги қоидага мос эмас.

9) Гаров эҳтиёт чораси қўлланган шахс ўз процессуал мажбуриятларини бажаришдан бўйин товламаган, унга нисбатан жиноят иши дастлабки тергов чоғида тугатилган ёки судда оқланган бўлса, гаров суммаси қайтарилмоғи лозим. Лекин бу шахс маҳкум этилган ҳолда, унга тегишли гаров суммаси жиноят оқибатида етказилган зиённи ҳамда суд харажатларини қонун талабларига риоя қилиб қоплаш учун сарфланиши мумкин. Бу ҳақда Украина ва Эстония ЖПКларида мавжуд нормалар билан Ўзбекистон ЖПК ҳам тўлди-рилиши, менимча, зарур. Гаров суммасидан ана шу зиён ва хара-жатларни ундириш тўғрисидаги масалани суд ҳал қилиши керак. Агар дастлабки тергов даврида бу ҳақда қарорни терговчи ёки прокурор қабул қилган бўлса, уларнинг қароридан норози бўлиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тан олинмоғи шарт.

10) Гаровдаги шахс ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, гаров давлат фойдасига ўтказилиши ва оқибатда, уни берган шахс моддий зиён кўриши мумкин. Бундай ҳолда гаровга қўювчи ўзига етказилган зиённи гаровда бўлган шахсдан ундириб олишга ҳақли. Лекин бу масалани суд фуқаровий ишларни юритиш тартибида ҳал қилади ва шу боис ЖПКда бу ҳақда қоида киритилишига ҳожат йўқ.

Юқорида асослари баён этилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЖПКдаги модда мақбул тарзда ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мақсадга мувофиқ (4-иловага қаранг).

«249-м о д д а. Гаров.

Гаров гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа ҳар қандай шахслар ёки нодавлат юридик шахслар томонидан суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суднинг депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи, қимматбаҳо буюмлар ёхуд кўчмас мулкдан иборат.

Гаров фақат қонунга мувофиқ қамоқ тарзида эҳтиёт чораси қўлланиши мумкин бўлган шахсдан талаб қилиниши мумкин. Лекин гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қамоқдан бошқа эҳтиёт чоралари билан бир қаторда ёхуд улар ўрнига гаров беришга ҳақли. Гаров жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қопламаган ва содир этилгани учун ЖКда ўлим жазоси назарда тутилган жи-ноятларда айбланаётган шахсларга қўлланиши мумкин эмас. Гаровга берилган шахсга ушбу Кодекснинг 236-моддасида кўрсатилган маж-буриятлар тушунтирилади. Бундан ташқари унга ўзи истиқомат қилиб турган аҳоли яшаш жойидан ташқарига кетиб қолмаслик, яшаш жойи ўзгаргани ҳамон бу ҳақда суриштирув, тергов органига ёки судга хабар бериш, баъзи жойларга бормаслик, муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, айбловга боғлиқ бирор касб ёки фаолият тури билан шуғулланмаслик мажбуриятлари ҳам юкланиши мумкин.

Шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда ишти-рок этишига жалб қилинганда, шунингдек унга нисбатан гумон ёки айбловнинг мазмуни ва ҳажми ўзгартирилганда, ушбу Кодекснинг 242-моддасига биноан у эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниши ёки ушбу моддада кўрсатилган шартларга риоя қилиб, муайян гаров суммаси эвазига қамоқдан озод этилиши мумкин эканлиги ҳақида терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор (ажрим)да ушбу Кодекснинг 236-моддасида кўрсатилган асослар ва мақсадлар баён этилиши лозим.

Гаровга берилган ва гаровни берган шахсларга, тегишинча уларнинг ушбу Кодекс 46 ва 48-моддаларида кўрсатилган ҳамда гаров билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳақда терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса – суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзув киритади.

Гаров суммасини прокурор айбловнинг мазмуни, гаровга бери-лувчи ва гаровга қўювчининг шахсини, мулкӣ аҳволини эътиборга олиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан юз бараваригача миқдорда белгилайди.

Гаровга қўювчи шу эҳтиёт чораси танланган ишнинг моҳияти, айбловнинг мазмуни, унинг учун тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг масъулияти тўғрисида хабардор қилинади. У ўзи олган мажбуриятдан гаровни давлат фойдасига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар юз бергунга қадар воз кечиши мумкин.

Гаровга қўювчи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланув-чининг хулқ-атворини кузатиб туришига имкони бўлмаганлигини баҳона қилишига ҳақли эмас, бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини у исботлаб берган ҳоллар бундан мустасно.

Эҳтиёт чорасини уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли ўзгартирилмаган, шунингдек иш юритиш тугатилган ёхуд суд ҳукми кучга кирган ҳолларда гаров уни қўювчига қайтарилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи гаровга берилиши муносабати билан ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланади ва гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади.

Гаровда бўлган шахс маҳкум этилган тақдирда, унга тегишли гаров суммаси жиноят натижасида етказилган моддий зиённи ҳамда суд ҳаражатларини қоплаш учун сарфланиши мумкин».

2.4. Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш

Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш (ЖПКнинг 253-моддаси) бошқа эҳтиёт чораларидан фарқли ўлароқ, фақат 18 ёшга етмаган айбланувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

[74]

Ушбу чора ўз моҳиятига кўра кафилликка ўхшайди. Масалан, вояга етмаганнинг номуносиб хулқ-атвори учун унинг ота-онаси васий ва ҳомий, шахсий кафил сингари масъулдир.

Эҳтиёт чораси сифатида вояга етмаган айбланувчиларни кузатув остига олиш учун топшириш ЖПКнинг 237, 253, 555 ва 556-моддаларида назарда тутилган. Ушбу моддаларда қонун чиқариш қоида-ларига зид бўлган ортиқча қайтаришлар билан бирга баъзи ички ноаниқликлар бор. Кодекснинг 253-моддасидаги «вояга етмаганларни ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасасининг маъму-рияти кузатуви остига олиши учун топшириш» тўғрисида қоидада бу чора фақат

[75]

айбланувчига нисбатан қўлланиши таъкидланмаган; матнга кўра гўё вояга етмаган шахс бир вақтнинг ўзида ҳам ота-онаси, васийлари ва ҳомийларига, ҳам болалар муассасасининг маъмуриятига топширилади. Кодекснинг 555-моддасида эса, вояга етмаган айбланувчи ё ота-онаси ҳомийлари, васийларининг ёки «башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбар-ларининг қаровига ҳам берилиши мумкин», дейилади. Охирги жумлада «маъмурият» ўрнига «раҳбарлар» сўзи, «кузатуви» ўрнига «қарови» сўзлари ишлатилишини қандай изоҳлаш мумкин? Шу жумладаги «ҳам» сўзи болалар муассасасида тарбияланаётган вояга етмаган айбланувчини унинг ота-онаси, васийлари, ҳомийларига топширилиши, айтилган вақтда болалар муассасасининг раҳбарлари «қаровига» ҳам берилишини билдиради. Ваҳоланки, болалар муассасасида тарбияланаётганни ота-онасига бериш ЖПК асосида эмас, Оила кодексига белгиланган шартлар ва тартиблар асосида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур эҳтиёт чорасининг номидаги «кузатув» атамаси мазмун-моҳиятини ҳисобга олмай ЖПКнинг 555, 556-моддаларида «қаров» ва «қаромоғига олиш» сўзлари билан ноўрин алмаштирилган. Аслида ЖПКнинг 253-моддасида моҳиятан махсус икки мустақил эҳтиёт чораси кўзда тутилган:

1) вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, васийлари, ҳомий-ларига кузатув остига олиш учун топшириш ;

2) вояга етмаган айбланувчини болалар муассасасининг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш.

Бир вақтнинг ўзида уларнинг иккиси қўлланилмайди.

Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топширишда ота-онаси, васийлар, ҳомийлар ёки болалар муассасаси маъмуриятидан вояга етмаган айбланувчини терговчи, прокурор хузурига ва судга ўз вақтида келиши, уни ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган барча мажбуриятларни бажаришини таъминлаши ҳақида ёзма равишда тилхат олинади. Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олаётган шахслар вояга етмаган айбланувчига эълон қилинган айбловнинг моҳияти ҳамда

айбланувчини тергов органлари ёки судга ўз вақтида келмас-лиги [76]
ҳолларида жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Кузатув остига бериш чораси фақат ота-оналар, васийлар, ҳомийлар
розилиги билан қўлланиши мумкин, акс ҳолда вояга етмаганларни қайта [77]

тарбиялаш ҳақида гапириш қийин бўлар эди. Қонунда ота-оналар
(васийлар, ҳомийлар) томонидан кузатув остига олиш бўйича мажбурият
олишни рад этиш кўзда тутилмаган бўлса-да, бундай ҳол юз бериши
мумкин. Терговчи ва суд томонидан кузатув остига бериш чораси
танланаётганида юқоридаги ҳолатлар, ҳамда ушбу шахслар ўз
вазифаларини қай даражада бажаришлари, вояга етмаган шахсга тўғри
тарбиявий таъсир кўрсата олишлари аниқланиши керак. Акс ҳолда вояга
етмаган айбланувчини ЖПКнинг 556-моддасида кўрсатилган шахсларга
кузатув остига олиш учун топшириш самара бермайди.

Вояга етмаганнинг муносиб хулқ-атворини ва уни чақирувга биноан
келишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарма-ган болалар
муассасаси маъмуриятининг жавобгарлиги ҳақидаги ёзма тилхат ушбу
муассаса раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган маъмуриятнинг
бошқа вакилидан олинади. Болалар муассасасининг ўз зиммасига олган
мажбуриятни бузганлиги учун жавобгарлиги қонунда ҳал қилинмай
қолган. Бу эса ўз навбатида, кузатувга олиш бўйича ўз мажбуриятларини
бажармаган болалар муассасасининг маъмурияти жавобгар бўлмайди,
деган хулоса чиқаришга олиб келади.

Бундай нуқтаи назар хатодир. Маъмуриятнинг кузатувга олиш
бўйича мажбуриятни бажармаган шахсларга нисбатан тергов органи
тақдимномасига ёхуд суднинг хусусий ажримига мувофиқ интизомий ёки
жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Ёпиқ болалар
муассасасида тарбияланаётган вояга етмаган томонидан жиноят содир
этилиши, узлуксиз тарбия жараёнида йўл қўйилган хатолар у билан
етарли даражада индивидуал тартибда шуғулланилмаганлиги-дан
далолат беради. Бу кўрсатилган муассаса маъмуриятини вояга ет-маганга
нисбатан уни муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлай-диган янада
самаралироқ таъсир этиш воситаларини қидиришга ундаши лозим.
Бундай таъсир чораларини маъмурият кузатуви остига олиши учун
берилган вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўллаш айниқса
кераклидир.

З.Д.Еникеевнинг фикрига кўра, кузатув остига олиш мажбу-риятини
рад этиш тўғрисидаги қоида махсус болалар муассасасининг мансабдор
шахсларига тааллуқли эмас. Чунки шу муассасадаги вояга етмаганни
кузатув остига олиш мажбуриятини рад этиш унга нисба-тан қамоққа [78]
олишдан енгилроқ эҳтиёт чораси танлаш имкониятла-рини чеклайди.

В.А.Михайловнинг, «жиноят-процессуал характер-даги функциялар бу мансабдор шахсларнинг касбий функцияларига мос келмайди, лекин уларга нисбатан тегишли жиноят-процессуал мажбуриятларни юклаш [79]

учун тўсқинлик қилмайди» , деган фикри асосли. ЖПК 556-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган бола-лар муассасаси маъмуриятининг ёзма равишда масъулиятни ўз зиммасига олиши яхши, албатта. Кузатув остига олиш тўғрисидаги масала кўпгина давлатлар қонунларида (Беларус ЖПКнинг 123-моддаси иккинчи қисми, Қозоғистон ЖПКнинг 108-моддаси иккинчи қисми, Қирғизистон ЖПКнинг 147-моддаси иккинчи қисми) шу тарзда ҳал этилган. Терговчи бу эҳтиёт чорасининг самарадорлиги хусусида вояга етмаган шахсни тарбиялайдиган муассаса маъму-риятининг фикри билан ўртоқлашади. Лекин кузатув остига олишни бу муассаса раҳбарларининг хоҳишига боғлаш, менимча тўғри эмас, чунки вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда белгиланганидек, «барча давлат муассасалари биринчи навбатда эътиборни болаларнинг [80]

манфаатлари таъминлани-шига қаратишга мажбурдирлар».

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 556-моддаси иккинчи қисмида кузатув остига топшириш учун вояга етмаган шахснинг розилигини олиш талаб этилади. Назаримда, бу ортикча, чунки вояга етмаган шахс кузатув остига топширилмаслик учун турли баҳоналар ўйлаб топиши мумкин. Натижада мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш-нинг асосий мақсади, яъни уни муносиб хулқ-атворда бўлишини таъ-минлаш мақсадига эришилмай қолинади. Бундан ташқари терговчига вояга етмаган шахс кузатувга беришдан бош тортган ҳар бир ҳолда унинг сабабларини аниқлаш каби қўшимча мажбурият юкланиши керак. Фикримча, вояга етмаган шахснинг розилигини олиш бу эҳтиёт чорасини қўллашни янада мураккаблаштиради.

Агар вояга етмаган ўз ота-онаси (васийлари, ҳомийлари) назоратидан четда бўлса ёки улар узрли сабабларга кўра (касаллиги ёки узоқ хизмат сафари) кузатувга остига олиш бўйича мажбуриятларни бажариш учун имконияти бўлмаса, бундай эҳтиёт чорасини танлаш нафақат самарасиз, балки зарарли ҳамдир. Шунингдек, агар вояга етмаганни кузатувга олган шахс кейинчалик ўз бурчларини бажарол-майдиган ҳолатда бўлса, уни бошқа шахснинг кузатувига бериш керак бўлади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик-ларнинг сабабларидан асосийси оилавий тарбиянинг етишмаслиги-дир. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, қаерда оилавий низолар ва никоҳни бекор қилишлар кўп бўлса, ўша жойда вояга етмаганлар жиноятчилиги юқоридир. Уларнинг фикрича, бундай ҳодиса билан жиноятчилик

ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш бор. ^[81] Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаган жиноят содир этганларнинг 72 фоизи, оғир зўравонлик қилмишларини содир этганларнинг 89 фоизи носоғлом оилаларда тарбияланган. Вояга етмаганлар томони-дан содир этилган жиноятларнинг учтасидан бирида ота-оналар ва оиланинг бошқа катта аъзоларидан улар салбий ўртак олганлиги сезилади. Дарҳақиқат, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, бузуқ хулқ-атвор, қўполлик, текинхўрлик, ўз фарзандларини жинойий фаолиятга жалб қилиш кабилар учрайди.

Табиийки, бундай ҳолларда вояга етмаганни ота-онаси (васий-лари, ҳомийлари)га кузатув остига олиш учун топшириш чорасини қўллаш мумкин эмас. Ушбу масала бўйича тўғри қарор қабул қилиш учун дастлабки тергов органлари ота-она (васий, ҳомий)нинг шахси-ни, уларнинг маънавий қиёфасини, тарбияга бўлган муносабатини ва кўрсатилган шахслар айбланувчининг муносиб хулқ-атворини ва чақирув бўйича келишини таъминлашлари ҳақида хулоса чиқаришга имкон яратадиган бошқа ҳолатларни аниқлашлари шарт.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ушбу эҳтиёт чорасини танлашдан олдин тергов органлари 127 ҳолатдан 109 таси (86%) да ота-оналарнинг шахсига, жиноят содир этган фарзанди устидан кузатув олиб бориш имкониятига тўғри баҳо беришга кўмаклашувчи далилларни у ёки бу ҳажмда тўплаган. Бу маълумотлар гувоҳларни сўроқ қилиш, тавсиф-номалар олиш, маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган. Таҳлил қилинган 127 жиноят ишидан 35 фоизида ота-оналар-нинг иш жойидан, 27 фоизида яшаш жойидан тавсифномалар бўлган, 29 фоизида ота-оналари ҳақидаги маълумотлар, қўшнилари ёки ҳам-касбларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланган, 5 фоиз ишларда вояга етмаганнинг тарбияси ва ҳаёт тарзини ўрганилгани ҳақида далолатномалар тузилган. Эътиборлиси шундаки, деярли барча ҳолатларда (96%) эҳтиёт чорасини танлаш ташаббуси билан терговчи ёки прокурор ота-оналарни таклиф қилган ва уларга айбланувчини муносиб хулқ-атворини ва чақирув бўйича келишини таъминлашга имкони борлиги ҳамда уни кузатув остига олишга розиликлари аниқланган.

Ота-она, васий, ҳомий, жамоат ташкилоти ёки жамоа дастлабки тергов мобайнидаёқ айбланувчини тўғри йўлга солиш ва қайта тарбиялаш мақсадида у билан тарбиявий ишлар олиб бориш имконияти-га эга бўлиши талаб қилади. Ушбу эҳтиёт чораси вояга етмаган айбланувчи мактаб, корхона, бирлашма, жамоа билан алоқасини йў-қотмаган ҳамда, содир этган жинояти ва унинг шахсини тавсифловчи хусусиятлари камоққа олишни истисно қиладиган ҳолларда ўзини оқлайди. Масалан, кузатувга топшириш пайтида 13 та вояга етмаган (10%) ҳеч қандай ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланмаган. Улар ота-оналари

кузатув остига берилгандан сўнг дастлабки тергов мобайнида 8та айбланувчи ишга, 5таси ўқишга жойлашган.

Қонунда вояга етмаган айбланувчи ота-оналардан айнан қайси бирига, болалар муассасаси маъмуриятидаги қайси тоифа ёки лавозимдаги шахсларга кузатув остига олиш учун топширилиши лозим-лиги кўрсатилмаган. Фикримча, айбланувчини кузатув остига олиш бўйича мажбуриятлар ота-онанинг бирига ёки иккисига ҳам, болалар муассасаси маъмуриятидаги тарбиячи шахслардан бирига топшири-лиши мумкин.

Қонунда вояга етмаган айбланувчи фарзандликка олувчига кузатув остига олиш учун топширилиши мумкин деб махсус кўрса-тишга ҳожат йўқ. Фарзандликка олувчи ўзининг ҳуқуқий ҳолатига кўра ота-оналарга тўлиқ тенглаштирилади.

Фикримча, вояга етмаганларни бошқа яқин қариндошларига ҳам ўз зиммасига айбланувчини муносиб хулқ-атворда бўлишини ҳамда тергов органлари ва суднинг чақирувига биноан келишларини таъ-минлаш бўйича мажбуриятларни олиш ҳуқуқини бериш лозим. Масалан, иш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда вояга етмаган айб-ланувчини кузатув остига олиш учун унинг вояга етган акаси, опаси, бобоси, бувисига топширилиши мумкин.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Охириги йилларда уларнинг гоҳ ўсиши, гоҳ пасайиши кузатилмоқда. Агар 1997 йилда вояга етмаганлар томонидан 2203 та жиноят содир этилган бўлса, 1998 йилда – 2114 та жиноят, 1999 йилда – 2025 та жиноят, 2000 йилда – 2166 та, 2001 йил-да – 2068 та, 2002 йилда – 2180 та жиноят рўйхатга олинган. ^[82] Ста-тистик маълумотларга қараганда, кенг кўламда олиб борилган ишлар натижасида вояга етмаганларнинг жиноятлари Бухоро (-20,9%), Наманган (-15,3%), Сурхондарё (-14,6%), Қашқадарё (-3,5%) вилоят-ларида камайган. Тошкент вилояти (+18,4%), Сирдарё (+9,7%), Қора-қалпоғистон Республикаси (+9,6%), Хоразм вилояти (+9,5%)нинг кўрсаткичлари бу минтақаларда ёшлар ва ўсмирлар орасида турли профилактик тадбирлар самарадорлигини оширишни талаб этади.

Ушбу эҳтиёт чорасига оид юқорида келтирилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, қуйидаги таклифларни келтирамиз:

– ЖПКнинг 555 ва 556-моддаларида тўққиз марта учрайдиган «қаров» сўзини ва икки марта учрайдиган «қарамоғи» сўзларини «кузатув» сўзи билан алмаштириш; икки марта ишлатилган «муас-саса раҳбари» сўзлари ўрнига «муассаса маъмурияти» сўзидан фойдаланиш;

– бу эҳтиёт чораси вояга етмаган айбланувчининг ота-онасидан бирига ёхуд ҳар қандай шахснинг кузатувиغا уларнинг розилиги билан берилиши мумкинлиги ёки болалар муассасасининг маъмурияти зиммасига юкланиши аниқ акс эттирилиши;

– вояга етмаганни кузатувига олган шахс ўз мажбуриятларини бажармагани тақдирда маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилиши;

– 556-модданинг иккинчи қисмида кузатув остига топширишда болалар муассасаси раҳбарларининг ва вояга етмаган шахснинг розилиги олинмаслиги таъкидланиши лозим.

2.5. Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 254-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораси – ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви – ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи самарали чора бўлиб, жиноят содир этган аскарнинг ўз жамоасида қолишига имкон беради ва профилактик аҳамиятга эга. Ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан бу эҳтиёт чораси кафилликнинг ўзига хос тури бўлиб, айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишини ҳарбий қисм қўмондонлиги ҳарбий низомларда белгиланган чоралар воситасида таъминлайди. Қўмондонлик кузатуви ўз мазмунига кўра бирор лавозимни эгалламаган оддий ҳарбий хизматчига қўлланиши мумкин. У муддатли ҳарбий гарнизонда хизматни ўтаётган ёхуд ҳар-бий ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизмат ўташга мажбур шахс бўлиши кўзда тутилади ва бундай шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган бўлиши лозим. Аниқроғи, каттами-кичикми, ҳарбий қўмондонларга ва гумон қилинган шахсга бу чора қўлланиши мумкин эмас. Амалиётда кўрсатилган талабга риоя қил-маслик ҳолатлари оз бўлса-да, учраётгани сабабли, Кодексда тегишли тақиқ кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Қўмондонлик кузатуви айбланаётган ҳарбий хизматчи келгусида содир этиши эҳтимол қилинган жиноий фаолиятининг олдини олиш, терговга тўсқинлик қилмаслигини таъминлаш мақсадида терговчи-нинг қарори ёки суднинг ажрими асосида қўлланади. Бунинг учун айбланувчининг кузатувни амалга оширувчи қўмондонидан розилик олиш талаб қилинмайди. Аксинча, баъзи мамлакатларда ушбу эҳтиёт чорасини қўлланиши учун айбланувчи, ҳатто гумон қилинган шахс-дан розилик олиш шарт деб ҳисобланади (РФ ЖПКнинг 104-мод-даси). Менимча, бундай шартни назарда тутиш учун эҳтиёж йўқ. Баъзи бир мамлакатларда айбланувчини ҳарбий қўмондонлик куза-тувига бериш учун прокурордан рухсат олиниши талаб қилинади (Молдова ЖПКнинг 183-моддаси). Бунга ҳам, менимча, зарурият йўқ. Чунки айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳарбий низомларда кўрсатилган ҳажмда сақланиб қолади. Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, қўмондонлик кузатуви

қўлланган шахс, тегишли ҳарбий низомларда кўрсатилганидек, қурол ва ўқ-дори олиб юриши, якка тартибда ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида бўлиши, масъулият билан боғлиқ қоровуллик ва навбатчилик вазифаларини бажариши тақиқланади. Бу талаб баъзи мамлакатларнинг қонунларида қисман акс эттирилган (масалан, Молдова ЖПКнинг 183-моддаси). Назарим-да, бу жиддий масала бизнинг ЖПКда ҳам аниқ кўрсатилиши лозим. Айбланувчига бу ҳақда тушунтириш фойдадан ҳоли эмас.

Қонун талабига кўра, терговчи ёки суд ушбу эҳтиёт чораси қўллангани ҳақида ҳарбий қисм қўмондонига дарҳол хабар бериши лозим. Ўз навбатида кузатувдаги шахс ўз мажбуриятларини бажар-маса ва тартибни қўпол тарзда бузса, бу ҳақда ҳарбий қўмондонлик шу эҳтиёт чорасини қўллаган терговчига ёхуд судга хабар бериши лозим. Бундай қоида Қирғизистон ЖПКда бор ва у бизнинг Кодексга ҳам киритилиши тўғри бўларди. Маълумки, ҳарбий хизмат ва ҳарбий йиғинлар муайян муддатда тугайди. Баъзан ана шу муддат жиноят иши бўйича тергов ва суд тамом бўлмасдан олдин тугаб қолиши мумкин. Шу муносабат билан қўмондонлик кузатувидаги шахсни ҳарбий хизмат ёки йиғинлардан бўшатиш учун эҳтиёт чорасини қўллаган терговчи ёхуд суддан рухсат олиниши тўғрисида ЖПК тўлдирилиши лозим.

Агар ҳарбий хизматчи оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айбланаётган бўлса, уни қисмнинг махсус тартибли хонасига жойлаштирилиб, доимий назорат ўрнатилади. Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчинини тергов, прокуратура, суд идораларига қуролланган соқчилар олиб боради ва олиб келади. Агар ҳарбий хизматчининг соғлиғига шикаст етказилган бўлса, навбатчи уни дар-ҳол медицина шифокорига олиб бориб, тиббий кўрикдан ўтказди ва шифокорнинг ёзма ҳулосаси билан қисм командирига хабар беради.

Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчининг ота-оналари, қариндошлари ёки бошқа шахслар билан кўришиши куза-тувни қўллаган терговчи ёхуд суднинг рухсати билан амалга оши-рилади. Ҳарбий қисм қўмондони кузатув қоидаларини бузгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Уставига асосан жавобгарликка тортилади.

Юқоридаги асосларга мувофиқ, ЖПКнинг 254-моддаси қуйида-ги мазмунда тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

«Қўмондонлик кузатуви остидаги шахс қурол ва ўқ-дори олиб юриши, якка тартибда ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида бўлиши, қоровуллик, навбатчилик ва бошқа турдаги масъулиятли вазифалар-ни бажариши тақиқланади.

Кузатув остидаги шахс ўз мажбуриятларини бузган ҳолларда ҳарбий қўмондонлик эҳтиёт чорасини қўллаган шахсга дарҳол хабар

олиш чораси фақат қонундаги бошқа эҳтиёт чоралари дастлабки тергов ва суд самарали боришини таъминламаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Қамоққа олиш ўзининг ташқи аломатлари жиҳатидан бошқа процессуал мажбурлов чораси – гумон қилинувчини ушлаб туришга ўхшайди. Бу мажбурлов чоралари учун умумий белги шахс-нинг озодликдан маҳрум бўлиши ва жамиятдан ажратиб қўйилишидир.

Озодликдан маҳрум қилишдан қамоққа олишнинг фарқи уларни қўллаш мақсадлари билан белгиланади. Ҳар қандай жазонинг, шу жумладан озодликдан маҳрум қилишнинг мақсади содир этилган жиноятга яраша жазолаш ва маҳкумни қайта тарбиялаш, жамиятга фойдали шахс сифатида қайтаришдан иборат, қамоққа олишнинг мақсади эса ўзгача тавсифга эга.

Махсус адабиётда таъкидланганидек, эҳтиёт чораси тарзида қамоқда сақлаш на асослари, на мақсадлари нуқтаи назаридан жазо эмас.

[89]

Шахс айбсизлик презумпциясига биноан, то ҳукм кучга кирмагунча айбдор ҳисобланмайди. Лекин В.М.Савицкий қайғуриб ёзганидек, амалиётда терговчи ёхуд прокурор бирон шахсни айблаб, уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қиларкан, у ўз-ўзидан айбдорлар сафига киритилади. Суднинг бу шахсга жазо

[90]

тайинлаши қолади, холос. Ана шу руҳиятдан қутулиш қийин кечмоқда.

Шахсни қамоққа олинишидан асосий мақсад унинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига имконият қолдирмаслик, янги жиноятлар содир этишининг ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишининг олдини олишдан иборат. Қамоққа олиш яна бир бошқа, фақат шу эҳтиёт чорасига хос бўлган мақсадни – хавфли айбланувчиларни дарҳол жамиятдан ажратиш мақсадини ҳам кўзлайди. Оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларни қамоққа олиш жамоат тартибини муҳофазалаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади. Уларни жамиятдан ўз вақтида ажратиш жамоатчиликни, барча фуқароларни уларнинг ҳуқуқлари ва тинчлиги ишончли қўриқланаётганлигига қаноат ҳосил қилдиришга хизмат қилади.

Юридик адабиётда шундай фикрлар билдириладики, уларга кўра қамоққа олиш содир этилган жиноят учун жазолаш элементларини ўзида мужассам этади ва тарбиявий мақсадларни кўзлайди. Баъзи муаллифларнинг фикрича, судья айбланувчи жиноят содир этишда айбдор ёки етарли даражада айбдор бўлмаса ҳам уни қамоқда сақланишини таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этиш билан

[91]

боғлиқ жазо тайинлайди. Бу фикрлар жиноят судлов ишларини

юритишда айбсизлик презумпциясига зиддир.

Ҳақиқатан, қамоққа олинган шахс жазоланди ва жазога тааллуқ-ли элементлар ҳаракатга келди, дейиш асло мумкин эмас. Қамоққа олиш айбланувчи ёки гумон қилинувчини жазолаш мақсадида қўл-ланмайди. Жазо ва жазолашнинг мақсади азоблаш, маҳрум этиш, мажбурлаш тушунчаларига яқин. Дарҳақиқат, қамоқ мажбурлов тарзидаги чора бўлиб, шахсга бирмунча азоб етказди, лекин жазо ҳисобланмайди.

Қамоққа олишнинг тарбиявий томонларини фақат процессуал мажбурлов чораларининг умумий превентив нуқтаи назаридан қайд этиш мумкин, ўз навбатида жазо асосий мақсад сифатида маҳкум-ларни қайта тарбиялашни назарда тутди. Жазолаш ва қамоққа олиш чорасининг асослари ҳам турличадир. Жазолашга асос – шахснинг жиноят содир этганлиги суд ҳукми билан исботланиши бўлса, қамоқ-қа олишга асос – шу шахс томонидан оғир жиноят содир этилгани ва у озодликда қолса, янги жиноят содир этиши, суддан бўйин товлаши, яшириниши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, ҳукм ижросига қаршилик қилиши тўғрисидаги фактик маълумот-лардан иборат.

Жазо чорасини фақат суд айнан жиноят содир этганликда айбли деб топилган шахсга нисбатан суд муҳокамаси натижасида қўллаши мумкин. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини нафақат суд, балки суриш-тирув

[92]

органлари, терговчи ва прокурор ҳам қўллаши мумкин.

Қамоққа олиш ва жазолашнинг сезиларли фарқларидан бири маҳкумларнинг жазони ўташ жойлари, қамоққа олинган айбланувчиларнинг эса тергов ҳибсхоналарида сақлаш тартибида ифодалангани (ЖПКнинг 244-моддаси). Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олинган шахс жиноят иши тўла ҳал бўлгунга қадар маҳкумлардан алоҳида равишда сақланади.

Қамоққа олишни маъмурий ҳуқуқбузарни ушлаб туриш ва жазолаш билан ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Маъмурий қамоқ қонунбузарни 3 суткадан 15 суткагача қамаш, худди эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишга ўхшаса-да, ундан фарқли ўлароқ, фақат суд ҳукми билан амалга оширилади. Маъмурий қамоқ жазосига тортил-ганлар тергов ҳибсхоналарида ёки дастлабки қамоқ камераларида, эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олинганлардан алоҳида сақланадилар.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда

[93]

тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодекси-да 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши ЖПКнинг 242-моддасида кўрсатилган. Аммо ушбу эҳтиёт чорасини

танлашга фақат шунинг ўзи етарли эмас, уни дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлаш, кейинги жиноий фаолиятини олдини олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш учун зарурлиги ҳам исботланмоғи, шунингдек ЖПКнинг 236, 238 ва 242-моддалари талаблари инобатга олинishi шарт.

Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олиш баъзан муқаддам судланган шахс озодликда қолган тақдирда янги жиноят содир этиши ёки жиноий фаолиятни давом эттириши эҳтимол бўлгани учун қўлланади. Аслида тергов материалларида айбланувчи жиноий фаолиятни давом эттириши хавфи исботланмаган бўлса, қамоққа олиш учун айбланувчи ёки гумон қилинувчининг фақат муқаддам судланганлигини асос қилиб олиш хато бўлар эди.

Агар айбланувчи унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари билан боғлиқ талабларга риоя қилмаган бўлса, хусусан, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхатни бузса, унга нисбатан қамоққа олиш чораси қўлланиши мумкин. Бу ҳолда терговчи қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда айбланувчига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ўз самарасини бермаётганлигини исботлаб, тергов олдида турган вазифаларни бажаришга фақат қамоққа олиш имкон беришини таъкидлаши шарт.

Қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини танлашда жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ва ундан келиб чиқа-диган

[\[94\]](#)

шартлар эътиборга олинishi лозим. Қамоққа олиш шартлари деганда, бу эҳтиёт чорасини танлашга ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатувчи процессуал ҳолатлар тушунилади. Қамоққа олиш чораси қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлгандагина асосланган ва қонуний деб ҳисобланиши мумкин:

- шахс ишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган;
- содир этилган жиноятга қонунда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо назарда тутилган;
- айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинган;
- терговчининг қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига прокурор рухсат берган;
- эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисидаги қарор жиноят процессуал қонунларидаги меъёрларга мос чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасига кўра қамоқ-қа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат гумон қилиниб ушлаб турилган ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин.

Амалдаги қонунга кўра, қамоққа олишга рухсат бериш тўғриси-даги масалани ҳал қилишда прокурор жинойт ишига доир барча материаллар билан пухта танишиши ва зарур бўлганда гумон қили-нувчи ёки айбланувчини, вояга етмаган айбланувчини эса – албатта, шахсан сўроқ қилиши, сўнг қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

1) Терговчининг эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига рухсат бериш;

2) Бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки эҳтиёт чораси қўллашни рад этиш ва ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилиш (ЖПКнинг 243-моддаси).

Баъзида жинойт ишлари эҳтиёт чорасини танлаш устидан назорат қилувчи дастлабки тергов бўлими бошлиқлари ҳамда прокурор томонидан етарлича эътибор билан ўрганилмай, жинойт содир этилганлиги аниқ исботланмаган ва тергов муддатлари ўтиб кетганда ҳам қамоққа олиш ҳолатлари учраб туради.

Аввал қайд этилганидек, қонун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жинойт содир этмаган шахсларга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўллашни тақиқлайди. Айбланувчи ёки гумон қилинув-чига нисбатан қамоққа олиш чорасини танлашда қамоққа олинувчи-нинг шахсига тегишли маълумотларни, яъни унинг ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, машғулот тури ва бошқаларни аниқлаш лозим. Қо-нунда эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинадиган шахс тўғри-сидаги ҳамма маълумотлар рўйхатини келтириш қийин. Бу маълумот-лар доираси ҳар бир ишнинг ҳолатига қараб алоҳида аниқланади. Аммо эҳтиёт чорасини танлашда айбланувчининг машғулотли, ман-саби, иш жойи, касби, мутахассислиги, малакаси, жамоа билан муно-сабатлари тўғрисидаги

[95]

маълумотлар албатта эътиборга олинishi шарт.

Терговчи, прокурор ёки суд бир жинойт иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов хибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли. Қамоққа олинганлар оғир ва ўта оғир жинойтларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суд-нинг ажрими билан турма ёки тергов хибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етма-ганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқлан-ган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинганларга нисбатан қўлланилмайди (ЖПК 244-моддаси).

Қамоқда сақланаётган шахсларни ушлаб турилганлар сақланади-ган жойда кўпи билан ўн суткагача сақлаб турилиши, уларни тергов хибсхонасига вақтида олиб боришга имкон бўлмаса, 30 суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб

турилади. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга юборишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳам ҳукм қонуний кучга киргунга қадар авахтада сақланади.

Мазкур чорани қўллаш терговчига далилларни тўплаш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Айбланувчининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит беришга қаратилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва гувоҳдан ўч олинishi билан боғлиқ қўрқув сабабли юзага келади. Чунончи, Тошкент автосаройларидан бирининг бошлиғи томонидан ҳайдовчиларни даромад келтирадиган шахарлараро рейсларга қўйиш эвазига пора олиши юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов вақтида кўп ҳайдовчилар бу ҳақда кўрсатув беришдан бош тортган. Бироқ, автосарой бошлиғи пора олаётганда қўлга олингандан ва камалгандан сўнг, шу вақтгача индамай келган ҳайдовчилар «гапира бошлаганлар».

Айбланувчи ёки гумон қилинувчини қамоққа олишга рухсат бериш ҳақида прокурорга мурожаат қилинганда, у биринчи навбатда шахс томонидан жиноят содир этилишини исботловчи далилларни аниқлайди. Кўпинча прокурор айбланувчини қамоққа олиш учун шубҳасиз далилларнинг йўқлиги сабабли қамашга рухсат бермайди. Шахсни қамаш учун асосларнинг етарли эмаслиги туфайли айбланувчини озодликда қолдириш – уни жиноят ишига айбланувчи сифатида жалб этишни истисно этмайди. Бошқача қилиб айтганда, айбланувчи ижтимоий хавфли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этгани ҳақида асослар бўлса-да, жиноят ишидаги далиллар шахсга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун эмас, балки фақат айб эълон қилиш учун етарли деб эътироф этилади.

Мазкур вазият кўпинча айбланувчи терговдан бўйин товлаган ҳолатларга хос бўлиб, терговчи қидирув эълон қилинганда қамоққа олишни эҳтиёт чораси сифатида қўллашга рухсат беришни талаб қилиб, прокурорга мурожаат этади. Бошқа турдаги эҳтиёт чораси айбланувчини қидиришда қулай бўлмаса-да, баъзида прокурор айбланувчига қўйилаётган айблов бўйича далилларнинг етарли эмаслиги туфайли қамоққа олишга рухсат бермайди.

Баъзи муаллифлар, Жиноят-процессуал кодексига қидирилаётган ҳар қандай айбланувчи ва гумон қилинувчига нисбатан ҳам эҳтиёт чорасини қўллаш мумкинлиги тўғрисида қонидани киритиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, эҳтиёт чорасининг қўлланмаганлиги бу шахсларни ушлаш ва жиноят содир этилган жойга келтиришнинг

[96]

қонунийлигини шубҳа остига қўяди. Бу фикр-га қўшилиш мумкин эмас. Чунки ҳар қандай айбланувчи ва гумон қилинувчига нисбатан

эхтиёт чорасини сиртдан қўллаш амалиёти ҳозирги либераллаштириш сиёсатига зид ва бу ҳолларда прокурор-нинг қамоққа олиш тарзидаги чорани қўллашга рухсат бермаслиги мантиқан тўғридир.

ЖПК 227-моддасининг иккинчи қисмига биноан, қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамоққа олиш тариқаси-да эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушланган туман (шаҳар) прокурори уни тергов ўтказилаётган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бу ҳақда қарор чиқариш олдидан прокурор ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиши шарт.

Мазкур қоида фақат айбланувчини назарда тутати. Гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахс қиди-рув натижасида ушланган ҳолларда ҳам уни тергов ўтказилаётган жойга олиб бориб топшириш ҳам шу қоидага мувофиқ амалга ошири-лиши керак. *Бу ҳақда Кодекснинг 227-моддасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.* Шахсга айблов эълон қилингунга қадар эҳтиёт чорасини қўллаш жиноят содир этганликда гумон қилиш учун етарлича далиллар бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Лекин бунинг учун шахснинг истиқомат қилиш ва иш жойи номаълум эканлиги, озодликка чиқариш унга терговдан яшириниш учун имкон бериши исботланган бўлиши лозим. Бундай ҳолларда шахсга қайси жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги эълон қилинади, сўнгра қамоққа олишга асос бўлган ҳолатлар бўйича сўроқ қилинади.

Барча ҳолларда шахснинг айбини фош этувчи далилларнинг ўзи унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш учун етарли эмас. Мазкур далиллар билан бир қаторда, шахснинг тергов ёки суддан бўйин товлаши, жинойий фаолиятини давом эттириши, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши билан боғлиқ ҳолатларга оид далиллар ҳам мавжуд бўлиши керак. Далил-ларнинг мазкур турини эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш асосла-рининг элементлари ёки таркибий қисмлари деб ҳисоблаш мумкин.

Шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилиш учун, айнан у жиноят содир этганлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши шарт. Жиноят содир этишда айбсиз бўлган шахсни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг оқибатлари уни айбланувчи сифатида ишга жалб этиш каби жиддийдир. Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асослилигини кафолатлаш мақсадида тергов органи-нинг қарорига прокурор рухсат бериши назарда тутилган.

Шахсни қамоққа олишга асос бўлувчи далиллар ўз хусусиятига кўра фақат процессуал манбалардан олинган бўлиши лозим. Нопро-цессуал манбалардан олинган маълумотлар шахснинг жиноят содир этишга тегишлилигини исботловчи далил ҳисобланмайди ва қамоққа олиш учун асос бўлолмайди.

Айблов эълон қилинмасдан аввал, гумон қилинувчини қамоққа олишга қадар унинг ақли норасолигидан дарак берадиган шубҳалар албатта текширилиши лозим. Шу мақсадда суд-психиатрия експер-тизаси ҳамда бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур.

Жиноят ишларида эҳтиёт чораси қўллашни тўғридан-тўғри тақозо қилувчи далиллар камдан-кам учрайди. Одатда эҳтиёт чораси-ни қўллашга асос бўлиб жиноят содир этиш усуллари, жиноятнинг давом этиши, тамагирлик ва бошқа ниятларда бир қанча жиноятлар содир этиш, айбланувчи шахсининг салбий тавсифи, судланганлиги каби ҳолатлар мажмуи хизмат қилади.

Кўп ҳолларда қамоққа олиш айбланувчининг тергов ёки суддан яшириниши хавфининг мавжудлиги билан асосланади. Бир қанча жиноят ишларида айбланувчи жиноят содир этишидан сўнг дарҳол яширинган ёки аниқ турар жойи ва машғулоти бўлмаган. Биринчи ҳолатда ғайриқонуний хулқ-атворнинг ўзи айбланувчини судга қадар қамоқда сақлаш заруратини юзага келтирса, иккинчи ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати айбланувчи томонидан терговдан бўйин товлаши эҳтимоллигидан юзага келади. Муайян турар жойи ва машғулоти бўлмаган айбланувчига бошқа хил эҳтиёт чорасини қўллаш, у терговдан яширинмаслигига кафолат бера олмайди. Мазкур ҳолат, айбланувчи томонидан жиноий фаолиятни давом эттирилиши эҳтимол эканлигидан дарак беради. «Айблов (гумон)нинг асосланган-лиги, масалан, жиноятни «ошириб» квалификация қилиниши, айблов ҳажмининг нотўғри кўрсатилиши ёки содир этилган жиноятга шахс-нинг дахлдорлиги хусусидаги маълумотларнинг етишмаслиги асноси-да қамоққа олиш чорасини қўллаш қонунни жиддий бузиш ҳисоб-ланади».

[97]

Деярли 20 фоиз ҳолларда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш айбланувчи эркинликда бўлган ҳолда жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги билан асосланади. Мазкур асос, одатда қуйи-даги ҳолатларнинг мавжудлиги билан боғлиқ:

– шахс қисқа муддат ичида бир нечта жиноят содир этган, доимий машғулоти бўлмаган;

– айбланувчи тергов жараёнида жиноий фаолиятини давом эттирган ва ундан эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олинган бўлишига қарамай, янги жиноят содир этган, жабрланувчининг шахси ва мол-мулкига жиноий тажовуз этишни давом эттирган;

– шахс алкоғолли ичимлик ва наркотик воситаларни қўлга киритиш ва истеъмол қилиш мақсадида қасдан жиноят содир этган;

– айбланувчининг хулқ-атвори турар жойи ва иш жойида салбий

баҳоланган;

– айбланувчи муқаддам судланган ёки қасддан содир этган жинояти учун унга нисбатан жамоатчилик таъсир чоралари аввал ҳам қўлланган.

Бошқа асосларга нисбатан камроқ ҳолатларда айбланувчи иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши хавфи борлиги сабабли камоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланган. Айбланувчилардан тахминан 10 фоизи иш бўйича жабрланувчи ва гувоҳларни илтимос, ваъда, дўқ-пўписа, қўрқитиш орқали кўрсатувларини ўзгартиришга ундаган, ашёвий далилларни йўқ қилишга уринган.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати ҳақида асос-ланган ҳулоса қилишга имкон берувчи ҳолатларни таҳлил қилиш уларнинг моҳиятан бир-биридан фарқланишини кўрсатади. Чунончи, айбланувчи терговдан яширингани, қайта жиноят содир этгани, турар жойи ва муайян машғулоти бўлмагани, узок муддат давомида жинойий фаолият билан шуғулланганлиги ва, ниҳоят, оғир жиноят содир этганлиги уни камоққа олиш зарурлигини тақозо қилади. Бироқ, баъзан амалиётда камоққа олиш заруратига тўғридан-тўғри ишора қилувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда ҳам қарор қабул қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда асосли қарор қабул қилиш учун айбланувчи шахсига берилган тавсиф, унинг оилавий аҳволи, содир этган қил-мишига муносабати, жиноятнинг хусусияти, жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ва ҳоказолар муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалиётда учраб турадиган хатолардан асосийси – жиноятнинг фақат ижтимоий хавфлилиги жиддий экани сабабли камоққа олиш чорасини қўллашдан иборат. Содир этилган жиноят терговчига қанчалик хавfli бўлиб туюлмасин, фақат унинг оқибатлари ва содир этиш усуллари инобатга олиб бу чорани қўллаб бўлмайди. Турли жиноятларга қарши кескин кураш олиб боришни талаб қилган шўро-лар сиёсатида айбланувчиларга қамоқ чорасини қўллаш кенгайтири-лишини талаб қилиш одат тусига кириб қолган эди. Масалан, СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 26 июлда чиқарган «Безо-рилик билан курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонида бу жи-ноятда айбланаётганларни «қоидага кўра» қамоқда сақлаш буюрилган эди.

Табиийки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги эҳтиёт чораси сифатида камоққа олишда албатта эътиборга олинади. Бундай ҳолда жиноятни аниқ тавсифлаш талаб қилинади, зеро бу борада, хатога йўл қўйиш, шахсни асоссиз равишда қамоққа олинишига сабаб бўлади. Бунга қуйидаги жиноят иши мисол бўлиши мумкин: фуқаро К. ўз қўшнисига оғир тан жароҳатлари етказгани учун ЖК 104-моддаси-нинг биринчи қисми билан айбланган ва мазкур модда санкциясида беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилганига асосланиб қамоққа Олинган. Жиноят жабрланувчининг маст ҳолда қўшнисининг хонасига кириб, унинг вояга етмаган бола-лари олдида

юзига тарсаки уриши билан боғлиқ қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари оқибатида кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган. Шу сабабли, суд К.ни ЖКнинг 106-моддасида назарда тутилган жиноят содир этганликда айбдор деб топади. Бу модда санкциясида уч йил муддатдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилмаган. Бинобарин, К.га нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси нотўғри қўлланган.

Юқорида кўрсатилгани каби жиноятни нотўғри тавсиф қилиш айрим терговчиларнинг суд томонидан айбловни оғирроқ турига алмаштириш лозим топиб, ишни қўшимча тергов қилишга қайтариб юборишидан хавфсираши оқибатида юз беради. Айбловни енгилроқ турига қайта тавсиф қилиш, қоидага кўра, айблов ҳукми чиқаришга тўсқинлик қилмайди. Мазкур амалиёт тўғри деб тан олиниши мумкин эмас, зеро у эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлмагани ҳолда, жиноятнинг айнан ижтимоий хавфлилик даражаси туфайли шахснинг асоссиз қамоққа олинишига сабаб бўлган.

Жиноий қилмишни тўғри тавсиф қилишнинг мураккаблиги бир қатор бошқа сабабларга ҳам боғлиқ бўлади. Уларнинг асосийси, назаримда, Жиноят кодексининг кўп моддаларида учрайдиган «оғир оқибатлар», «жиддий зарар», «катта миқдор» каби баҳоловчи тушунчаларни турлича талқин этишдан иборат. Мазкур тушунчаларга ЖКда ва Олий суд Пленуми қарорларида қисман изоҳ берилган бўлса-да, дастлабки тергов, суд ва прокуратуранинг амалиётида ҳануз изчил-ликка эришилган эмас. Жиноятнинг айнан ижтимоий хавфлилик даражаси туфайли эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш терговчига юкланган мажбурият эмас, аксинча унга берилган ҳуқуқни амалга ошириш шартларидан биридир. Мазкур ҳуқуқни терговчи фақат ҳақиқий зарурат бўлган ҳолларда эҳтиётлик билан қўллаши даркор.

2004 йилнинг январь-май ойларидаги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги статистик маълумотларга қараганда, бу чорани қўллаш 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 10,96% (-880та) га камайган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича бу чора умуман қўлланилмаган. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш доирасини торайтириш долзарб муаммо бўлишига қарамай, уни жиноятчиликка қарши курашни сусайтириш ҳисобига ҳал этиб бўлмайди. Бинобарин, жиноятнинг оғирлиги бўйича эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида дастлабки тергов органларига берилган ҳуқуқни қонундан олиб ташлаш салбий оқибатларга олиб келган бўлур эди. Амалиётда айбланувчи томонидан оғир жиноят содир этилганлигини аниқ исботлайдиган ва айни вақтда унинг тергов, суддан яшириниши ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни содир этиши ҳақида хулоса қилишга имкон берадиган далиллар, жиноят ишида мавжуд бўлмаган ҳолатлар учраб туради.

Вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллашда алоҳида шартларга эътибор бериш лозим бўлади. Қонунда уларга нисбатан қамоқда сақлаш чораси фақат беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган қасддан содир этилган жи-ноятга доир ишлар бўйича йўл қўйилган. Шунингдек, вояга етмаган-ларни қамашга рухсат бериш учун уларни прокурор албатта шахсан сўроқ қилиши керак (ЖПКнинг 558-моддаси). Баъзи прокурорлар бундай сўроқ қилишни ўз ёрдамчиларига топширишадики, бу қонун матнидаги «шахсан» сўзи фақат иш материаллари билан танишиб чиқишга тааллуқли, деб нотўғри тушуниш ва эътиборсизлик оқибати-дир. Бундай ҳоллар тадқиқот жараёнида танишган жиноят ишлари-нинг 12 фоизида аниқланди.

Прокурор вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилаётганда педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. Бу талаб ЖПКнинг 554-моддасида албатта кўрсатилиши лозим. Бунинг ўрнига прокурорлар айбланувчиларни қамоққа олиш масаласини ҳал қилаётганда уларни терговчи иштирокида сўроқ қилиш ҳоллари учрайди. Бу вояга етмаганга салбий таъсир этиб, ўзини эркин тутишига тўсиқ бўлади.

Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир

[98]

БМТнинг минимал андозаларига биноан, гумон қилинган вояга

[99]

етмаганларни қамоқда сақлаш тақиқланган. Улар бошқаларга нисбатан жиддий зўравонлик қилган ёхуд бир неча марта жиддий жиноятлар содир этганликда айбланаётган бўлсагина қамоқда сақла-ниши мумкин. Бунга фавқулодда ва қисқа муддатга қўлланадиган чора деб қараш лозим.

2.6.2. Қамоққа олиш чорасини қўллашнинг процессуал тартиби

Жиноят содир этишда айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсни қамоққа олиш учун етарли асослар бўлганда терговчи эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилади, суд эса ажрим чиқаради. Мазкур қарор (ажрим) асосланган бўлиши, муайян жиноят содир этишда айбланувчи ёки гумон қилинувчи қандай жиноят содир этганлиги ҳамда қонуннинг қайси моддаларга асосланиб қамоқ чора-си қўлланганлиги тўғрисида изоҳ берилиши керак. Бундан ташқари, қамоққа олиш ҳақидаги қарор (ажрим)да мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос бўлувчи муайян ҳолатлар кўрсатилади.

Амалиётда баъзи терговчиларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун тергов бўлими бошлиғидан розилик олиши одат тусига кирган. Бундай тартиб ЖПКда назарда тутилмаган ва унга риоя қилиш шарт эмас, лекин менимча, бу терговчининг ваколатини чекламайди.

Собиқ иттифокдош республикаларда мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган ЖПКларда ҳам эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилиш терговчининг ҳуқуқи эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йилда қабул қилинган ЖПКда шахсга айб эълон қилиб, айбланувчи тариқасида сўроқ қилгандан кейин, терговчи айбланувчига нисбатан «эҳтиёт чорасини танлаш масаласини ҳал қилишга мажбурдир», дейилган норма бор эди (130-модданинг биринчи қисми). Афсуски, бундай норма амалдаги ЖПКга киритилмаган. Ҳақиқатдан ҳам шахс айбла-нувчи тариқасида сўроқ қилинмай, унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш хато бўлар эди, чунки бу масалани ҳал қилишда айбланув-чининг тушунтиришлари, жумладан эълон қилинган айбга иқрор-иқрор эмаслиги, далилларга нисбатан муносабати ва талаблари ино-батга олинishi шарт. Мустасно сифатида фақат терговдан яширинган ёки оғир касал ҳолатидаги айбланувчини сўроқ қилиш имконияти йўқлиги инобатга олинishi лозим.

Прокурор шахсни эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш ҳақидаги масалани алоҳида синчковлик билан ҳал этиши зарур. Бунда жинойтчининг шахси, соғлиғи, оилавий шароити, ижтимоий мавқеи ҳисобга олинishi керак. Башарти, мазкур маълумотлар жинойт ишида етарли бўлмаса, прокурор терговчига айбланувчи ёки гумон қилинув-чининг шахсига оид маълумотларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатларини амалга ошириш, қўшимча маълумотлар тўплангандан сўнг иш бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш ҳақида ёзма тавсия бериши мумкин.

Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор ЖПКнинг 240-моддасидаги талабларга номувофиқ бўлганда, прокурор уни қайта тузиш учун терговчига қайтаради, қамоққа олишни қўллаш асослари ва тартибини белгилувчи қонун талабларига риоя этилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, мазкур эҳтиёт чорасини қўллашга рухсат беради. Аксинча, у эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўл-лашга етарли асослар йўқ деган ҳулосага келса, рухсат беришни рад этади.

Прокурорнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғриси-даги қарорга рухсат беришни рад этиши процессуал хусусиятга эга бўлиб, у асосланган бўлиши ва ёзма шаклда ифодаланиши керак. Қонунда уни махсус ҳужжат билан расмийлаштириш назарда тутилмаган.

Терговчи прокурор келтирган сабабларга қўшилмаган тақдирда, унинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли. Мазкур шикоятни кўриб чиқишда юқори турувчи прокурор қамоққа олишга рухсат беришни рад этишда қандай сабабларни кўрсатганлигини назарда тутиш зарур.

Баъзи тоифадаги шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллашнинг процессуал тартиби, дастлаб прокурор

томонидан тегишли орган ёки мансабдор шахслардан розилик олиш кераклигини назарда тутаяди (ЖПКнинг 239-моддаси).

Қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўллангани ҳақида маҳкумнинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда қарин-дошлари ёки яқинларига хабар бериш мажбурияти терговчи, проку-ро-р ва суд зиммасига юкланган (ЖПКнинг 217-моддаси).

Хабар оғзаки (телефон орқали) ёки ёзма равишда берилади. Баъзан амалиётда қамоққа олинган шахснинг оиласига ёки корхона, муассаса ва ташкилот маъмуриятига хабар бериш ҳақиқатни аниқ-лашга ҳалақит бериши мумкин. Агар хабар берилса, манфаатдор шахслар ашёвий далилларни йўқ қилиши, мавжуд қимматбаҳо буюм-ларни яширишга интилиши эҳтимол. Лекин бундай важлар хабар бермаслик учун асос бўлмайди. Бинобарин, кечиктириб бўлмайди-ган тергов ҳаракатлари зудлик билан бажарилиши, ҳақиқатни аниқ-лашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шароитларга барҳам бериш чоралари 24 соат давомида кўрилиши лозим.

ЖПКнинг 218-моддасига кўра, қамоққа олинган айбланувчи (гумон қилинувчи)да назоратсиз қолган вояга етмаган болалари бўлган тақдирда, терговчи, прокурор ёки суд уларни қариндошлари, бошқа шахслар ёки ташкилотлар қарамоғига топширишлари шарт. Қамоққа олинган шахснинг қаровсиз қолган мулки ёки уй-жойи бўлса, уни қўриқлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Ўтказилган чора-тадбирлар ҳақида қамоққа олинган шахс хабардор қилинади.

Суд жиноят ишини кўришга тайинлаш босқичида, ЖПКнинг 397-моддасига кўра эҳтиёт чораси тўғрисида қарор қабул қилади. Дастлабки тергов босқичида танланган эҳтиёт чораси фақат ишни судга топширишга қадар амал қилади. Суд унга ўз муносабатини қонуний жиҳатдан белгиламай, терговчининг қарори билан кифояла-на олмайди ва дастлабки терговда танланган эҳтиёт чорасини маъ-қуллаши ёки ўзгартириши мумкин.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида эҳтиёт чораси тўғри танлангани тўғрисида масалани суд албатта муҳокама этиши лозим (ЖПК 396-моддасининг 5-банди). Агар айбланувчи яшириниш-га уринса, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берса ёки янги жиноятни содир этса, эҳтиёт чораси ўзгартирилиши мумкин.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилишга тааллуқли ил-тимосномалар ва уларга илова қилинган материаллар судга топ-ширилиши лозим. Агар айбланувчи учун номақбул томонга эҳтиёт чорасини танлаш ёки ўзгартириш масаласи қўйилса, қонунда уни ва ҳимоячини тушунтириш бериш учун судья ҳузурига чақириш назарда тутилиши керак. Судьяга яқка ўзи эҳтиёт чорасини танлаш ва уни айбланувчи учун нохуш томонга ўзгартириш ҳуқуқини беришга қатъиян

эътироз билдириш керак. Айбланувчига ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва қарши тарафнинг далиллари билан баҳслашиш имкониятини бермасдан, унинг йўқлигида аҳволини ёмонлаштириб бўлмайди. Қонун суднинг эҳтиёт чораси масаласи бўйича ажримлари устидан апелляция ва кассация шикоят берилишига йўл қўймайди. Эҳтиёт чоралари фуқаронинг туб манфаатларига дахлдор эканлиги сабабли, ушбу чоралар қўлланиши устидан юқори судга шикоят қилиш ҳуқуқи тан олинishi мақсадга мувофиқ.

Суд мажлисида ҳар қандай эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш мумкин. Судда ҳозир бўлишдан бўйин товлаган, ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бераётган ёки янги жиноят содир этишга уринаётган судланувчи қамокқа олинishi мумкин. Судланувчи яши-риниш ёки янги жиноят содир этиш ниятида эканлиги маълум бўлса, биринчи инстанция суди эҳтиёт чорасини қўллашнинг тўртинчи мақсади – ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида чора кўради.

Суд муҳокамаси бошланиши пайтига келиб вазият шу қадар ўзгарадики, илгари танланган эҳтиёт чорасини судланувчи учун маъқул томонга ўзгартириш ва ҳатто бекор қилиш имконияти пайдо бўлади. Аммо 1980 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига қара-ганда биринчи инстанция судлари эҳтиёт чорасини 33% ҳолларда юмшатиш томонга ўзгартирган, қолган 67% ўзгартишлар судланув-чини қамокқа олишдан иборат бўлган. Сўраб чиқилган судьяларнинг кўпчилиги жиноят

[100]

учун жазони кучайтириш лозим деб ҳисоблаш-ган. Кўриниб турибдики, шахс манфаатлари давлат манфаатларига нисбатан иккиламчи деб эътироф этилган, ҳукмрон мафкуранинг мақсадлари йўлида одамларнинг нафақат шахсий манфаатлари ва кадр-қиммати, ҳатто ҳаёти ва эркинлиги қурбон қилинган шароитда, адолатсиз

[101]

айбланаётган кишини ҳимоя қилиш осон эмас эди. Муаллиф томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари, судьялар, адвокатлар иштирокида ўтказилган сўров анкетасида «Эҳтиёт чораси-ни енгиллаштириш ҳақида айбланувчининг шикояти қондирилган-ми?» деган савол келтирилган. Бу саволга сўровда иштирок этган-ларнинг 63% - «ҳа», 32%-«йўқ» жавобини берганлар, 5% қатнашув-чилар саволни жавобсиз қолдирганлар (3-иловага қаранг).

Суд айбланувчининг суд мажлисига келмаслик сабабларини аниқламасдан, эҳтиёт чорасини ўзгартирган ва уни қамокқа олиш тўғрисида ажрим чиқарган ноҳуш ҳоллар учрайди. Кейин эса бу ҳол судни жиноят учун ҳаддан ташқари қаттиқ жазо тайинлашга ундайди. Жазони кучайтириш жиноятчиликка қарши курашда ҳал қилувчи омил эмаслиги аллақачон исботланган. Судьялар томонидан ушбу оддий ҳақиқат ўзлаштириб олингандагина, эҳтиёт чоралари енгиллик томонига

Ўзгартирилиши ҳолатларининг ортишига эришиш мумкин.

Айблов ҳукмида эҳтиёт чораси аввалгича қолдирилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Суд умуман эҳтиёт чорасини танламаслиги, балки судланувчига чақирилганда ҳозир бўлиш ва яшаш жойининг ўзгаргани тўғрисида маълум қилиш мажбуриятини юклаш билан чекланишга ҳақли. Аммо озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш чоғида судьялар одатда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини танлайдилар. Улар бошқа эҳтиёт чорасини танлашга ҳақли бўлса-да, бироқ бунда қонуний кучга кирганидан кейин ҳукми ижро этиш қийинлашади, деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам баъзан суд озодликдан маҳрум этишни тайинларкан, соқчиларнинг келиши таъминланмагани сабабли эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танламасликка мажбур бўлади. Агар юқори инстанция суди бундай ҳукми ўзгартиришсиз қолдирса, унинг ижросини ташкил этиш анча қийин кечади.

Судланувчи жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этилганда, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ҳолларда суд уни дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этади (ЖПКнинг 529-моддаси). Бинобарин, қонун у ёки бу асосларга кўра озодликдан маҳрум этилиши керак бўлмаган фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини таъминлайди. Судланувчи оқ-ланганида ва ҳар қандай асослар бўйича унга доир ишлар тугатил-ганида (ЖПКнинг 474-моддаси), эҳтиёт чоралари ўзгаришсиз қолди-рилиши мумкин эмас. Чунки, айбсиз шахс яширинади ёки суд про-цессининг вазифаларига эришишга бирор тарзда ҳалақит беради, деб хавфсирашга ўрин қолмайди. Тўғри, прокурор юқорида айтилган суд қарорлари устидан протест келтирилиши мумкин. Бироқ, протест қон-дирилиши эҳтимол, деб эҳтиёт чорасини қўллаш тақиқланган. Проку-рор ҳам ушбу чораларни мустақил тарзда қўллай олмайди, чунки иш суднинг юритувидадир. Назаримда, суд озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаганида, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиши ёки ҳукм қонуний кучга киргунча мумкин қадар енгил чорага (масалан, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхатга) ўзгартирилиши керак. Бу нарса ҳукмнинг ижро-сини таъминлаш учун зарур.

Суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаганида (ЖПКнинг 566-581-моддалари) руҳий касаллар муассасасига юбори-ладиган шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдириш, танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш мумкинлигини назарда тутмай-ди. Бу турдаги ишларни ЖПК 577-моддаси тўртинчи қисмининг 2-бандига мувофиқ суд тугатади ва шу вақтдан бошлаб эҳтиёт чораси ҳам бекор қилинган ҳисобланади, маҳбус эса мажбурлов чорасига маҳкум этилган шахс мақомини олади. Суд ажрими чиқарилганидан кейин бундай шахслар тергов ҳибсхоналаридан ёки экспертиза ўтказилган жойдан руҳий касаллар стационарларига юборилади. Агар суд ажрими устидан

апелляция тартибида шикоят ёки протест киритилган бўлса, маҳбуснинг бу муассасаларда бўлиш муддати узаяди. Шу муддат давомида тергов ҳибсхоналаридаги касаллар етарли тиббий ёрдамни ололмайдилар. Судлар руҳий беморга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаганида ҳар гал суд ажрими қонуний кучга киришига қадар эҳтиёт чораси масаласини ҳал этиши зарур. Айни вақтда бундай руҳий беморларни малакали тиббий ёрдам билан таъминлаш ва улар учун етарлича инсонпарварлик режимини жорий этиш зарур.

Турли сабабларга кўра, ҳукм узоқ вақтгача ижрога қаратил-маслиги мумкин ва шу сабабли маҳкум жазони ўтамай, озодликдан маҳрум этиш жойларида эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақла-нади.

Ҳукмнинг ижросини кечиктираётганда суд эҳтиёт чорасини танлашга ёки аввалгисини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли. Ҳукмнинг ижроси:

– маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолса – у соғайгунча;

– ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

– маҳкуманинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунча;

– жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиши, вафот этганлиги ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда – уч ойдан ошмаган муддатга кечиктирилиши мумкин (ЖПКнинг 533-моддаси).

Суд, шахсни яшаш жойини ички ишлар органлари розилигисиз ўзгартирмасликка, вақти-вақти билан рўйхатдан ўтиш учун ички ишлар органларига келишга, доимий яшаш жойидан кетиб қолмас-ликка мажбур қилишга ва маҳкумнинг халқ-атвори устидан назорат-ни ички ишлар органлари зиммасига юклашга ёки меҳнат жамоаси ёхуд бирор-бир шахсни (уларнинг розилигини олган ҳолда) маҳкумни кузатиб туришга ва у билан тарбиявий иш олиб боришга мажбур қилишга ҳақлидир. Бу ЖПКнинг 250, 251 ва 252-моддаларини – муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, жамоат ва шахсий кафиллик сингари эҳтиёт чораларини ҳам эслатади. Бироқ тергов тугаган, суд бўлиб ўтган, маҳкум ўз хулқ-атвори билан жиноий жавобгарликдан бўйин товламоқчи эмаслиги исботланган, айбланув-чининг ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит беришга уринишларини барта-раф этишга ҳожат қолмаган, далиллар тўпланган, ҳақиқат аллақачон аниқланган бўлса-да, эҳтиёт чорасининг

[102]

тўртинчи, яъни ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадига эришиш зарурияти сақланиб қолади. Демак, юқорида кўрсатилган чоралар ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин амал қилади ва шу тариқа улар процессуал эмас, балки жазони ижро қилишга доир, чунки

уларнинг ҳаммаси айблов ҳукмининг ижросини таъминлаш ҳамда маҳкумни қайта тарбиялашга йўналтирилган. Афсуски, ЖПКнинг 533-моддасида ҳукм ижросини кечиктиришда маҳкумнинг хулқ-атвори устидан кузатув ўрнатиш-нинг бирор-бир тури назарда тутилмаган.

Жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганда эҳтиёт чорасини танлаш, аввалгидек қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга бирин-чи инстанция судининг ҳаққи бор-йўқлиги тўғрисида ЖПКда норма йўқ. Менимча, ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисида ажрим чиқараётганда суд ҳар сафар эҳтиёт чораси масаласини муҳокама қилиши шарт.

Ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ҳукмнинг ўзи ва тайин-ланган жазо томонлар баҳсининг предмети бўлиб ҳисобланади, улар эҳтимолий [\[103\]](#)

ва шубҳалидир. Ҳукмда, менимча, эҳтиёт чораси қандай пайтгача амал қилиши кўрсатилган бўлиши керак. Бу нарса ҳукм ижросини амалга оширадиган давлат органлари учун ҳам, маҳкум учун ҳам муҳим, чунки тергов қилинаётган ва жазони ўтаётган шахслар турли мақомга эгадир. Қонунда кўрсатилишича, суд «ҳукм қонуний кучга киргунга қадар» судланувчига нисбатан (ЖПК 468-моддасининг 7-банди) эҳтиёт чорасига доир қарор қабул қилади. Бироқ масалани бундай ҳал қилишда ҳукмнинг қонуний кучга кириши ва уни ижро этишга қаратилиши ўртасидаги даврда маҳкум қандай асосга кўра қамокда сақланиши ёки бошқа эҳтиёт чорасига жалб этилишини тушунтириш қийин. Бу даврда эҳтиёт чорасини танлашга (ўзгаришсиз қолдиришга) эса эҳтиёж бор, чунки маҳкум яшириниши ва янги жиноятлар содир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Тўғри, бу ерда сўз тергов ва суддан эмас, балки жазони ўташдан бўйин товлаш тўғрисида боряпти. Шундай бўлса-да, у процессуал ҳужжат – ҳукмда кўрсатилиши керак.

Юқори инстанция суди эҳтиёт чораси масаласини ҳал этади, бироқ қонунда бу масала алоҳида тартибга солинмаган. Юқори суд инстанцияси ҳукмни ўзгаришсиз қолдириб, ҳукмни ижро этишга қаратишга ёки уни бекор қилишга қадар аввалги эҳтиёт чорасини қолдиришга ҳақлидир. Ҳукмга ўзгаришлар киритаётганда, юқори суд инстанцияси айни вақтда эҳтиёт чорасини бундан буён кераксиз деб ҳисоблаб, бекор қилиши ёки ҳукм ижрога қаратилишига қадар уни амалда қолдириши мумкин.

Юқори суд инстанцияси ҳар қандай асослар бўйича ишни туга-тиш билан бирга ҳукмни ва, бинобарин, эҳтиёт чорасини ҳам бекор қилиши шарт. Агар маҳкум қамокдан озод этилиши керак бўлса, юқори инстанция суди ўз ажримининг нусхасини дарҳол ижро этиш учун бевосита қамокни ўташ жойининг маъмуриятига юбориши керак. Қамокдан озод этиш тўғрисидаги ажрим телеграф орқали ёки бошқа замонавий воситалар ёрдамида тезда етказилиши мақсадга мувофиқ.

Айблов ҳукми бекор қилиниб, иш қўшимча тергов ёки судда қайта кўриш учун қайтарилганда, ушбу ҳукм билан илгари танланган эҳтиёт чораси амалда бўлмайти, маҳкумнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлиши учун ҳуқуқий асослар йўқолади. Шунинг учун юқори суд инстанциясининг ҳукми бекор қилиш тўғрисидаги ажримда ишни қўшимча тергов ёки суд янгидан кўришига қандай эҳтиёт чораси қўлланиши кўрсатилиши лозим. Табиийки, юқори инстанция судининг ажрими терговчини ёки биринчи инстанция судини бундан кейин эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқини чекламайти. Агар иккинчи инстанция судининг ажримдан кейинги даврда илгари нотўғри маҳкум қилинган ёхуд оқланган шахс яширинса, янги жиноят содир этса ёхуд ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бергани тўғрисида маълумотлар тақдим этилса, суд жиддийроқ эҳтиёт чорасини танлашга ҳақлидир.

Ишларни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги суд ажримларига прокурорнинг хусусий протестларини кўриб чиқишда иккинчи инстанция суди, протест қондирилгани ёки рад этилганидан қатъи назар, эҳтиёт чорасини аввалгидек қолдириши, бекор қилиши ёки ўзгартириши [\[104\]](#) мумкин.

Назорат суди инстанциялари қонуний кучга кирган ва ижро этила бошлаган ҳукми кўриб чиқишда уни бекор қилиб, ишни қўшимча тергов ёки янгидан суд муҳокамасида кўриш учун қайтарса, эҳтиёт чорасини танлаш ҳуқуқига эгадир. Агар эҳтиёт чораси танланмаса, ҳукм бекор қилинганидан кейин маҳкум яшириниши, ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши ёки янги жиноятни содир этиши хавфи бор.

Назорат тартибда қайта кўриб чиқишга қадар ҳукм ижросини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва унинг ўринбосарлари маҳкумни қамоқ жойидан озод қилиши ва, аксинча, ишни суд кўриб чиқишига қадар унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаши мумкин. Назорат инстанцияси суди ишни кўриб чиқиб, ўз ажримда (қарор-рида) ушбу эҳтиёт чорасини бекор қилиш (протест рад этилганда, иш тугатилганда) ёки аввалгидек қолдириш ёхуд уни ўзгартиришни (иш қўшимча тергов ёки янгидан суд муҳокамаси учун қайтарилганда) кўрсатиши керак.

Шундай қилиб, юқори инстанция судларининг иш бўйича чиқарилган ҳар қандай ҳукм, қарор ва ажримни бекор қилишга ёхуд ўзгартиришга бўлган ваколати эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳуқуқини ҳам ўзига қамраб олади, бу эса эҳтиёт чораларини қўллаш амалиётини яхшилашга хизмат қилади.

2.6.3. Қамоқда сақлаш муддатлари

ЖПКнинг 220-моддасига биноан, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш қамоққа олишнинг бошланғич босқичи

эмас, аксинча процессуал мажбурлов чораларининг мустақил туридир. Лекин баъзи ҳолларда гумон қилинувчи ушланганидан сўнг эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Қонун-да бу ҳол назарда тутилган, яъни айблов гумон қилинувчига у ушланган вақтдан бошлаб 10 кундан кечиктирмай эълон қилиниши керак.

Жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамокда сақлаб туриш тариқасидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурор айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддатини иш унга келиб тушган пайтдан бошлаб бир ойгача узайтириши мумкин. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунга қадар қамокда бўлган вақтни ҳисобга олиб, ЖПК 245-моддасининг биринчи, иккинчи, ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади.

Жиноят иши тергов қилинаётганда қамокда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас (ЖПКнинг 245-моддаси). Бу муддат давомида терговни тамомлашга имкон бўлмаса ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланса, тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан беш ой муддатга узайтирилиши мумкин. Қамокда сақлаш муддатини етти ойгача чўзишга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, тўққиз ойгача бўлган муддатга – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда ишнинг ўта мураккаблиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қамокқа олиш эҳтиёт чораси бир йил муддатга узайтирилиши мумкин. Тергов тамомлангач, жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун қамокда сақлаб туришнинг охирги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилиши лозим (ЖПК 245-моддасининг тўртинчи қисми). Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иш материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди.

Эҳтиёт чораси сифатидаги қамокда сақлашнинг Ўзбекистондаги муддатлари РФ, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистондаги муддатлар билан тенг. Украина ва Беларус ЖПКларида қамок муддати дастлаб-ки тергов даврида 18 ойгача, судда жиноят ишини ҳал қилиш даврида эса – Беларус ЖПКга кўра 30 ойгача узайтирилиши мумкин. Россия Федерациясида барча қамокқа олинган шахсларнинг ҳар тўрттасидан бирига нисбатан процессуал муддатлар бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Айбланувчиларни суд муҳокАмасигача беш йил ва ундан ортиқ муддат қамокда сақлаб туриш ҳоллари ҳам учрайди. ^[105] Россия

Федерациясида ҳар йили судгача турли асослар билан (жиноят ишининг тугатилиши, эҳтиёт чорасининг ўзгартирилиши) тергов ҳибсхоналаридан 125 мингга яқин киши озод қилинмоқда. [\[106\]](#)

Натижада 1999 йил декабр ойидаги бир ҳафталик текшириш натижасида тергов ҳибсхоналаридан 972 киши озод қилинган. [\[107\]](#)

Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасидаги тартиб анчайин афзал. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозир жиноят ишларининг 60 фоиздан кўпи бир ойда тергов қилинмоқда ва муддатлари тобора жуда оз ишлар бўйича узайтирилмоқда.

Ҳуқуқий давлатда қамоқда сақлаш муддатларини узайтиришга, шу йўл билан уни суд орқали тайинланмаган жазога айлантиришга ва айбсизлик презумпциясининг принципларини оёқ ости қилишга йўл қўйилмайди. [\[108\]](#)

Беларус Республикаси ЖПКнинг 127-моддасига кўра, айбланувчини судгача қамоқда сақлаш муддати 18 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак. Айбланувчи ёки уни ҳимоячисини бу муддат тугагунча иш материаллари билан танишишига имкон бўлмаган ҳолларда, агар шахс оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, Беларус Республикаси Бош прокурори бу тўғрида Олий суд раисига илтимоснома беради ва ўз навбатида у илтимосномани кўриб чиқишни Беларус Республикаси Олий суди аъзосига топшириши мумкин. Олий суд аъзоси масалани яқка тартибда прокурор иштиро-кида кўради ва иш билан танишишгача бўлган қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида қарор чиқаради. Лекин бу муддат 6 ойдан ошмаслиги керак. Иш судга оширилгандан кейин қамоқда сақлаш муддати ҳар ой муддат тугашига 10 кун қолганда узайтирилиши мумкин ва умуман бу муддат 6 ойгача, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича 12 ойгача узайтирилиши мумкин. Кўп ҳолларда дастлабки терговда тайинланган эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, жиноят иши тамомланганда ҳам, айблов ҳукмини чиқариш вақтида ҳам сақланиб қолади. Бироқ, қонунда уни ўзгартириш ёки бекор қилиш имконияти назарда тутилган. Хусусан, тайинланган эҳтиёт чорасининг тўғрилиги айблов ҳукми билан келган иш бўйича прокурор томонидан; суд қилиш вақтида судья ёки суд томонидан; ишни қайта тергов қилиш вақтида; суд муҳокамаси жараёнида; ҳукм чиқариш пайтида текширилади.

Қамоқда сақлаш муддати тугаган ва қонунда белгиланган тартибда узайтирилмаган бўлса, маҳкум озодликдан маҳрум этиш жой-ларида қонунийликка риоя этилишини назорат қилувчи прокурорнинг қарорига биноан озод этилади. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида прокурорларга айбланувчи ёки гумон қилинган шахсни

қамоқда сақлашнинг қонунийлиги ва асосланганлиги-ни назорат қилиш, шунингдек қамоқда сақлаш муддати тугаган шахсларни дарҳол қамоқдан озод этиш ваколати берилган.

ЖПКнинг 245-моддасида *тергов жараёнида айбланувчини прокурорнинг рухсати билан дастлабки қамоқда сақлаб туриш муддати 10 кунгача қилиб белгиланиши* мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ундан сўнг прокурор шахсга нисбатан қамоқ чорасини қўллаш, уни узайтириш масаласини суд орқали ҳал этиши лозим.

Юридик соҳа хизматчиларига берилган сўров варақаларида *«Айбланувчини тергов тамомланмагунча ва ишни суд кўриб ҳал қилмагунча қамоқда сақлаш ҳақида прокурорнинг мурожаатини суд айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиши лозим деб ҳисоблайсизми?»*, деган савол қўйилган эди. Бу саволга сўровда қатнашганларнинг 58% «ҳа», 31% «йўқ» жавобларини беришган, 11% эса саволни жавобсиз қолдиришган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, суд ушбу масалани айб-ланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида муҳокама қилиши керак.

Шахс суд томонидан қўлланилган эҳтиёт чоралари устидан юқори судга шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлиши, бунинг учун унга қамоққа олиш чораси қўллангани тўғрисида суднинг қароридан нусха берилиши шарт.

III БОБ. ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА ҚОНУНИЙЛИККА РИОЯ ЭТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ

3.1. Эҳтиёт чораларини қўллаш амалиётида учрайдиган асосий хатолар ва уларга барҳам бериш имкониятлари

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва дахлсизлигини турли даражада чегараловчи процессуал эҳтиёт чораларини қўллаш амалиётида учрайдиган хатолар таснифи қуйидагилардан иборат:

- а) эҳтиёт чорасини етарли асослар бўлмаган ҳолда қўллаш;
- б) эҳтиёт чорасини зарурат бўлса-да, қўлламаслик;
- в) эҳтиёт чораларининг турини нотўғри танлаш;
- г) эҳтиёт чорасини асоссиз ўзгартириш ёки бекор қилиш ёхуд бу ишни вақтида бажармаслик.

Тошкент шаҳридаги судларда 2002-2004 йилнинг биринчи ярмида кўрилган энг кўп учрайдиган жиноят ишлари бўйича эҳтиёт чоралари қўллаш амалиётини таҳлил қилганда аниқланган манзара ўртача Мирзо Улуғбек туманидагидек экани маълум бўлди. Чунончи, туман бўйича 261 айбланувчидан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат 8,05% – асосан фирибгарлик (11) ва безорилик (5) учун, кафиллик 0,38% – безорилик (1) учун, гаров 10,72% – кўпроқ товламачилик (17) ва фирибгарлик (6) учун, қамоқ 80,85% – аксарият ўғрилиқ (94), босқинчилик (70) ва талончилик (27) учун қўлланилган.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг расмий ҳисоботига қараганда, шу даврда суднинг юритувида бўлган 2.656 жиноят ишидан 2.576 таси ҳал қилиниб (2004 йил 1 июлга 80 иш қолдиқда қолган), 1.895 таси бўйича ҳукм чиқарилган, уларга кўра 5 судланувчи оқланган. Суд 484 ишни (шу жумладан, 301 тасини жабрланувчи ярашгани сабабли ва 16 тасини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллангани муносабати билан) тугатиш, 197 ишни (шу жумладан 144 шахсга қидирув эълон қилингани, 41 ишни қўшимча тергов ўтказиш зарурлиги учун) ҳал қилмай қайтариш тўғрисида аж-рим чиқарган. Шунини эътироф қилиш жоизки, судда кўрилган ишлар бўйича судланувчилардан 1287 нафари қамоқда, 218 таси гаров эвазига, қолганлари асосан намунали хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат билан очикда бўлган ҳолда судланганлардан 175 киши суд залидан қамоқдан озод этилган, 142

[109]

таси эса қамоққа олинган. Бу рақамлар дастлабки тергов пайтида қамоқ чорасини қўллаш амалиётида озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланадиган шахсларни баъзан қамамаслик ва, аксинча, бундай жазога лойиқ бўлмаганларни зарурият бўлмаса-да, қамаш ҳоллари оз эмаслигидан дарак беради.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда бевосита заруратдан келиб чиқмаган

ҳолда қамоққа олиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Айбланув-чилар судгача қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллашга ҳукм этилган жиноят ишларини ўрганиш, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қамоққа олиш қонунда назарда тутилмаган жиноятлар бўйича айблов эълон қилинганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, айбланувчи илк бор жиноят содир этган, доимий турар жой ва иш жойига эга бўлган, хулқ-атвори ижобий таърифланган, шунингдек ўз айбига иқроор бўлган ва, ниҳоят, қарамоғида вояга етмаган болалари ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари бўлган. Жиноят ишида мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ эҳтиёт чораси-ни қўллашни одатда истисно этади.

Деярли барча хатоларнинг асосий сабаби эҳтиёт чораларини қўллаш учун асосларни тўғри тушуниш ва уларни исботлаш даража-сига баҳо бериш билан боғлиқ. Тошкент шаҳар Юнусобод туманида ЖК 277-моддасининг биринчи қисми билан айбланган Х.га нисбатан қамоқ чораси қўлланган. Суд эса унинг қилмишини ЖК 102-моддасининг биринчи қисмига тавсифлаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ [\[110\]](#)

бўлмаган жазога етарли деб ҳисоблаб, суд залидан озод қилинган. Шу туманда ЖК 277-моддасининг биринчи қисми билан айбланган Т. аввал қамоққа олиниб, кейин гаров эвазига озод қилинган, судда эса иш [\[111\]](#)

жабрланувчининг ярашуви муносабати билан тугатилган.

Эҳтиёт чорасини, айниқса қамоқни қўллашда юз беРадиган янглишув энг жиддий оқибатларга олиб келади. Буни шахсга асоссиз зулм қилиш, унинг эркинлигини барбод этиш ёки аксинча, жиноятчиликка қарши кураш, аҳоли осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида бефарқликка йўл қўйиш деб ҳисоблаш лозим. Эҳтиёт чорасини зарурат бўлган ҳолда қўлламаслик кўнгилсизликлар, ортиқча ташвишларга сабаб бўлади. Бундай хатоларга йўл қўйишда кўпинча гумон қилинган шахс, айбланувчи ёки судланувчини қамаш ёхуд унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўллаш зарурлиги тўғри ҳал қилинмайди. Оқибатда ё шахс асоссиз қамоқда сақланади, қонунсиз азият чекади ёки у озод-ликдан маҳрум этиш чораси қўлланмаганидан фойдаланиб яширина-ди, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади ва яна жиноий қилми-шини давом эттиради.

Эҳтиёт чораси уни қўллаш мақсадлари, асослари ва шартлари ўзгарганида дарҳол бекор қилиниши ёки бошқа эҳтиёт чораси тури билан алмаштирилиши лозим. ЖПК 240-моддасининг мазмунига кўра, бу ҳолда терговчининг, прокурорнинг қарорида ва суднинг ажримда шахснинг қандай жиноятни содир этишда айбланаётган-лиги, эҳтиёт чораси қандай асосларга таяниб қўллангани, бу асослар аслида бўлмагани ёки

Ўзгаргани, эҳтиёт чорасини танлашга таъсир қилувчи қонун билан белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш заруратини изоҳловчи сабаблар кўрсатилиши керак.

Қўлланманинг 1.3. параграфида кўрсатилгандек, суриштирувчи ва суриштирув органига жинойт ишида гумон қилинган ва айбла-наётган шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш ҳуқуқи берилмаслиги мақсадга мувофиқ. Терговчи эса бу масалаларни прокурор билан бамаслаҳат, лекин мустақил ва масъу-лият билан ҳал қилиши лозим. У фақат прокурорнинг қарори ёки кўрсатмаси (топшириғи) билан қўлланган эҳтиёт чорасини унинг рухсатсиз ўзгартириш ёхуд бекор қилишга ҳақли эмас. Бу тўғрида М.С. Строговичнинг назарий жиҳатдан асосланган фикрига ҳеч ким эътироз [\[112\]](#)

билдирмаган эди. Баъзи собиқ иттифоқдош давлатларнинг ЖПКларида ҳам шундай қоида бевосита таъкидланган (РФ – 110-модданинг учинчи қисми, Қозоғистон – 154-моддаси, Украина – 165-модданинг тўртинчи қисми). Аммо, масалани бошқача ҳал этиш ҳам учрайди. Жумладан, қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистоннинг 1959 йилги ЖПКнинг 82-моддаси, шунингдек Қирғизистон ЖПК 112-моддасига мувофиқ, ҳамма вақт фақат прокурорнинг розилиги билан амалга оширилиши лозим. Суд томонидан танланган эҳтиёт чорасини фақат суд ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкинлиги тўғрисидаги РФ ЖПКнинг 110-моддаси-нинг тўртинчи қисмидан кўра, бу ҳуқуқ дастлабки тергов чоғида прокурорга берилгани (Украина ЖПК 165-моддасининг бешинчи қисми, Қозоғистон ЖПКнинг 154-моддаси) афзалроқ. Латвия ССРнинг илгариги ЖПКда айбланувчига нисбатан бевосита прокурор томонидан ёки унинг кўрсатмасига биноан қўлланган қамоқ чорасини терговчи мустақил ўзгартиришга ёки бекор қилишга ваколатли эди (83-модда).

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243, 382, 558-моддаларида эҳтиёт чорасини қўлланишида прокурорнинг ваколатлари тўла ёритилган бўлиб, унинг кўрсатмалари тергов органлари учун мажбурийдир.

Суд қўллаган эҳтиёт чорасини фақат суд бекор қилиши ёки ўзгартириш мумкин, деган қоида суднинг қарори барча учун мажбурий эканлиги тўғрисида конституциявий нормага асосланган. Лекин жинойт иши кўшимча терговга қайтарилган ҳолларда айбланувчига нисбатан айбни ўзгартириш ва ишни тугатиш учун суддан рухсат олишга зарурат бўлмаганидек, унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун розилик олиш ҳам шарт эмас. Худди шундай тартиб Украина ЖПК 165-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган.

Прокурор айбланувчи ёки гумон қилинувчини қамоққа олишга рухсат беришдан аввал ҳар қандай ҳолатда уларни албатта сўроқ қилиши шарт. Бу тартиб ҳозирда ноқонуний ва асосланмаган қамоққа олиш

ҳолларини бартараф этишга қаратилган процессуал қафолатлар тизимида фақат вояга етмаганларга нисбатан изчил ўрин эгаллаган. Прокурорга ҳар қандай айбланувчи ёки гумон қилинувчини қамоққа олишга рухсат беришдан аввал, сўроқ қилишга мажбур экани тўғрисидаги талаб ноқонуний ва асосланмаган қамоққа олиш ҳолларини бартараф этишга қаратилган процессуал қафолатлар тизимидан жой олмоғи лозим. Прокурор жиноят таъқибини амалга оширувига масъул мансабдор шахс тарзида айбланувчига нисбатан ўз иш юритувида бўлгани каби, ўзи назорат олиб бораётган дастлабки тергов органлари иш юритувидаги исталган иш бўйича эҳтиёт чорасини қўллаши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин.

Эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахсга эълон қилиниши шарт. Бу тўғрида айбланувчининг имзоси билан тасдиқ-ланган танишув вақти кўрсатилиб, қарорга белги қўйилади. Лекин унинг мазмуни қарорда кўрсатилган асослар тўғрисида айбланувчи-нинг фикри ва эътирозларини аниқлаш ҳамда уларга холисона баҳо бериш мақсадида қарорнинг нуسخаси айбланувчига берилиши лозим.

Айблов эълон қилингунга қадар, шахснинг қамоққа олиниши баъзан асоссиз шубҳалар сабабли юз беради. Тадқиқотлар кўрсатади-ки, қамок тарзидаги эҳтиёт чорасини асоссиз қўллаш тергов олиб бораётган шахснинг қонун талабларидан беҳабарлиги, гумон қили-нувчининг айбини тасдиқловчи далилларни тўғри баҳолай олмаслиги ёхуд уларнинг терговдан бўйин товлаши эҳтимол эканини аниқлашда прокурор назорати томонидан йўл қўйилган камчиликлар сабабли юзага келади.

Айбсиз шахсларни асоссиз қамоққа олиш тарзида йўл қўйилган хатоларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга маъмурий ҳуқуқбузарлик, ахлоқсиз хатти-ҳаракат, хавfli жиноят сифатида асоссиз квалификация қилиш сабабли юзага келган хатолар киради. Иккинчи гуруҳдаги хатолар қамоққа олиш учун асослар билан боғлиқ бўлиб, шахснинг жиноят содир этганини тасдиқловчи етарли далил-лар йўқлигидан иборат.

Биринчи турдаги хатолар исботланган, ҳақиқий хатти-ҳаракатга жиноят деб баҳо берилишида ифодаланади. Масалан, Ф. хизмат автомашинасидан аккумулятор ўғирлашда айбланади. Ф. сўроқ қилиш вақтида унга аввалдан автомашина аккумуляторсиз берилганлиги, шу сабабдан аккумуляторни бир танишидан вақтинча олиб тургани, уни эгасига қайтариб бериш учун ечиб олганини тушунтиради. Гараж ходимлари аккумуляторни бермаганликларига қарамай, уни ўзбошимчалик билан олади. Суд Ф.нинг қилмишида жиноят таркиби йўқлиги учун уни оқлади.

Иккинчи турдаги хатоларга қуйидаги воқеани мисол қилиш мумкин. Жамоа хўжалигидан юк автомашинаси ўғирланганлиги бўйича тергов

қилиш жараёнида фермага ем-хашак ташувчи А. исмли шахс жиноятни содир этганлиги тахмин қилинади. Сўроқ пайтида А. юк автомашинасини икки нафар нотаниш шахслар зўрлик ишлатиб олиб кетганини тушунтиради. А.нинг айбдорлиги тўғрисида бошқа далилларга эга бўлмай, терговчи уни айбланувчи сифатида ишга жалб қилиб, прокурорнинг рухсати билан қамоққа олади. Кейинчалик А.га нисбатан кўзғатилган иш айбланувчининг жиноят содир этишда иштироки исботланмаганлиги туфайли тугатилади. Бу ҳолда айбла-нувчини қамоққа олиш тўғрисидаги қарор зиддиятли, тўлиқсиз мате-риаллар асосида, шахснинг жиноят содир этишга алоқадорлигини исботловчи далиллар бўлмаса ҳам қабул қилинган.

Биринчи гуруҳдаги хато жиноят деб ҳисобланган хатти-ҳаракат ҳақиқатда ҳам юз берган, исботланган, лекин уни нотўғри тавсиф этишда, иккинчи гуруҳ хато эса воқелик умуман исботланмаганида ифодаланади.

Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланмаса, у бошқа жиддий жиноят содир этиши эҳтимол экани ҳам исботланиши шарт. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун жиноят ишида ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган у ёки бу оқибатларнинг келиб чиқиш эҳтимоли борлигини тасдиқловчи далил-лар мавжуд бўлиши керак. Мазкур оқибатларнинг келиб чиқиш эҳти-моли канча юқори бўлса, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш асослари шунчалик етарли бўлади. Ана шу асослар қанчалик жиддий-лигига қараб, эҳтиёт чорасини қўллашга эҳтиёж борми, агар бўлса, уларнинг қайси бирини танлаш керак деган масала ҳал этилади.

Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш чорасини қўллаш асос-лари ҳамма вақт ҳам ўзгаришсиз қолавермайди, улар ўзгарса, тер-говчи, прокурор ёки суд мазкур эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши зарур. Амалиётда эса, кўп ҳолларда дастлабки терговда тайинланган эҳтиёт чораси сифа-тида қамоққа олиш жиноят иши тамомланган вақтда ҳам сақланиб қолади.

Дастлабки тергов ва прокуратура органлари фаолиятида айбла-нувчи ва гумон қилинувчиларни асоссиз равишда қамоққа олиш ҳолларига барҳам бериш учун кўпгина процессуалист-олимлар амал-даги жиноят-процессуал қонунларига эҳтиёт чораси сифатида қа-моққа олишни тайинлаш ва муддатини узайтиришнинг қонунийлиги-ни кафолатловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида тавсия берганлар. Чунончи, мазкур муаммони ҳал этишда иккита асосий йўналиш белгиланган.

Биринчидан у, суд назоратини кучайтириш ёрдамида мавжуд тартибни тубдан ўзгартириш тарафдорларини мужассамлаштиради. Мазкур йўналиш тарафдорлари томонидан суд зиммасига тергов органлари материаллари бўйича айбланувчи ёки гумон қилинувчини

қамоққа олиш асослари билан боғлиқ масалани ҳал этиш ёки прокурор рухсатининг қонунийлигини текшириш юклатилиши керак, [113]

деган тавсия берилади.

Иккинчи йўналиш, қамоққа олишнинг қонунийлигини амалдаги процессуал қафолатларини такомиллаштириш ҳамда прокурорлик назоратини тартибга солиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Албатта, илмий тадқиқотлардаги бу йўналишлар келгусида ривожланиши мумкин, бироқ биринчи йўналиш самарали ва ада-биётларда унга тарафдорлар кўп.

Конституция қабул қилингандан сўнг, қамоққа олиш институтига оид амалдаги қонунларга тубдан бўлмаса-да, муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Лекин айбланувчи ёки гумон қилинувчини ноқонуний қамоққа олишнинг олдини олишга қаратилган процессуал қафолатларнинг самарадорлигини ошириш имконияти ҳали тўлали-гича ҳал этилмаган.

Эҳтиёт чорасини танлаш асослари қисқа, бироқ аниқ келтирилади ҳамда қандай мақсадга эришиш учун қўлланилаётганлиги кўрса-тилади. Эҳтиёт чорасини айрим турларини танлашда қарор чиқариш билан бирга тегишли тилхат ёки баённома расмийлаштирилади (му-носиб хулқ-атвор тўғрисида тилхат, гаровни қабул қилиш тўғрисида баённома ва ш.к.) ва жамоа бирлашмаси ёки ҳарбий қисм кўмон-донига хабар қилинади.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланганда айбланувчининг яшаш жойидаги милиция бўлин-масига шахс устидан кузатув белгилаш, шунингдек, агар айбланувчи ишдан бўшаш ҳақида ариза берса, эҳтиёт чорасини қўллаган органни тезда огоҳлантириш кераклиги тўғрисида иш жойидаги кадрлар бўлимига кўрсатма бериш тавсия қилинади.

Қонун эҳтиёт чорасини қўллаган органга айбланувчининг қамоққа олинганлиги тўғрисида унинг оила аъзоларига, шунингдек иш жойига хабар бериш мажбуриятини юклайди. Қамоққа олинган шахснинг қаровсиз қолган фарзандларини қариндошлари ёки бошқа шахслар ёки муассасалар (болалар уйи, мактаб, интернат) васийли-гига топширилиши лозим. Турар жой ёки мулк қаровсиз қолган тақ-дирда, уларни муҳофаза қилиниши чоралари кўрилиши керак. Кўрил-ган чоралар тўғрисида қамоққа олинган шахсга хабар қилинади. Чет давлат фуқароси қамоққа олинган вақтда эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор ёки ажрим нусхаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар эҳтиёт чорасини ўзгартиради ва бекор қила олади. Аммо қонун прокурор-нинг бевосита ўзи томонидан қўлланилган эҳтиёт чорасини тергов органлари томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши тартибини белгиламайди. Бу масаланинг тўғри ечими куйидаги тарзда ифода-

ланади: терговчи прокурор томонидан қўлланган эҳтиёт чорасини фақат прокурорнинг ёзма розилиги билан ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақли. Шу билан бирга жиноят иши қўзғатилиши вақтида ёки ишни қўшимча терговга қайтарилиши вақтида суд томонидан қўлланилган эҳтиёт чораси прокурор томонидан шунингдек, эҳтиёт чораси тўғрисидаги масала бўйича айтилган суд қарори билан боғлиқ бўлмаган ҳолда дастлабки тергов органи томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Айбланувчининг содир этган қилмишига муносабати, унинг соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа эътиборга олинadиган ҳолатлар ўзгариши билан қамоқ чораси ҳам ўзгартирилиши мумкин. Масалан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси айбловнинг енгиллашиши муносабати билан бошқасига алмаштирилиши мумкин. Бунда агар янги айблов бўйича жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарзи-даги жазо назарда тутилмаган бўлса, айбланувчи албатта қамоқдан озод қилиниши лозим. Ва аксинча, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилган айбланувчи чақирувга кўра келмаса, гувоҳлар ва жабрланувчига ғайриқонуний таъсир этиш-га ҳаракат қилса, ёхуд ўзининг жиноий фаолиятини давом эттирса, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Қонун бўйича тегишли талабларни ихтиёрий равишда бажариш-ни хоҳламайдиган кишинигина мажбурлаш мумкин. Агар айбланувчи тергов ва суддан бош тортмоқчи эмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш ва янги жиноятлар содир этиш ниятида эмаслиги аниқ бўлса, унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ҳожат йўқ. Терговчи (суд) бундай айбланувчидан рисоладагидек хулқ-атворда бўлишни талаб эта олади. Айбланувчининг ижобий ижтимоий хулқ-атвори туфайли унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаган ҳолларни аниқлаш жиноят процессида шахс эркинлигини таъминлаш ва мажбурлаш чораларини қисқартириш учун заҳиралар-ни аниқлаш имконини берган бўлур эди. Вазифа эҳтиёт чораларини қўллаш ва процессуал мажбурлашнинг жиддийлик даражасини қисқартиришдан иборат.

Оғир ва ўта оғир жиноятларда айбланаётган хавфли шахсларни дуч келган асослар билан очикда қолдиришга йўл қўйган терговчи ва прокурорнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош

[\[114\]](#)

прокурори алоҳида уқтириб ўтади. Айти вақтда Бош проку-рорнинг яна бир буйруғига кўра, тергов ҳибсхоналарида фуқаролар-нинг қамоқда қонуний сақланишлари, қонунда белгиланган узоқ муд-датларига риоя қилинишини ҳар ойда камида бир маротаба текши-риш тартиби

[\[115\]](#)

ўрнатилган.

Таъкидлаш лозимки, гумон қилинган шахсга нисбатан қонун

алоҳида ҳолларда қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланишини белгилаб, унга бошқа эҳтиёт чоралари қўлланишини назарда тутмайди. Менимча, гумон қилинган шахсга қамокдан бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш, жумладан қамокни гаров билан алмаштириш мумкин. Бу инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ эканлиги [\[116\]](#) ҳақида фикр матбуотда ҳам билдирилган эди.

Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қонунда жиддий деб ҳисобланган жиноятни содир этганликда гумон қилинган ёхуд айбланган шахсга нисбатан қўлланади. Халқаро ҳуқуқий меъёрларга кўра шахсни 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш ман қилинган. РФ ЖПКда ҳам бу қоида мавжуд. Шахс 48 соат мобайнида ё озод қилиниши ёхуд унга нисбатан эҳтиёт чораси тарзида қамокда сақлаш қўлланиши шарт. Фақат айрим мураккаб ҳолатларда, агар ушлаб турилган шахсни қамаш учун прокурор тақдим этган материалларни етарли эмас деб ҳисобласа, суд шахсни 72 соатгача ушлаб туришга рухсат беради. Баъзилар бу қоидани гўё суд 48 соатдан ташқари яна 72 соат, жами 120 соатгача ушлаб туришга рухсат [\[117\]](#)

беради, деб тушун-тирадилар, бошқа муаллифлар эса, шахсни ушлаб туриш умуман 72 соатдан ошмаслиги шарт деб ҳисоблайдилар. [\[118\]](#)

Иккинчи гуруҳ фикр-рини маъқуллаш учун биргина асос, яъни қонуннинг мазмунини шарҳлаш чоғида шахс манфаатларини чеклашга қаратилган инти-лишларга йўл қўйиб бўлмайди, деган ҳуқуқ назариясининг шубҳасиз муҳим қоидасига суяниш етарли. Ундан ташқари гумон қилиниб ушланган шахсни қамаш-қамамасликка доир материалларни йиғиш учун қонун умуман 48 соат ажратган ҳолда, бу муҳлатни умумий муддатдан ҳам кўпроқ, яъни қўшимча 72 соатга узайтириши мантиққа зиддир.

Адвокатнинг ўз ҳимоясидаги қамокда сақланаётган айбланувчи ёки судланувчи билан холи учрашиш учун ҳар сафар терговчи ёки судьядан рухсат олишни талаб қилиш қонунда асосланмаган. Бу қоида тўғрилиги [\[119\]](#)

тан олинса-да , аҳвол ҳамма жойда ҳам ўзгармай қолмоқда.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси 2001 йил 4 апрелда ўтказилган мажлисида Ўзбекистоннинг биринчи ҳисоботини муҳокама қилиб, дастлабки қамокда сақланаётганларни мунтазам тиббий кўрикдан [\[120\]](#)

ўтказиш тартиби жорий этилишини тавсия қилди. Бу маҳбусларга нисбатан зўравонлик қилиш ҳолларининг олдини олиш-га қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги қарорларида ҳам маҳбусларга нисбатан зўравонлик ишлатмаслик ва бу йўл билан топилган ҳар қандай далил-ларни ҳақиқий

[121]

эмас деб топиш тўғрисида кўрсатмалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари вакили (Омбудсман)га 2003 йилда фуқаролардан келиб тушган 1807 та мурожаатларнинг 1203 таси шахсий эркинлик ва дахлсизликка доир бўлган, шу жумладан 125 мурожаат қамокдан озод қилишга доир бўлган.

[122]

Шикоятларнинг аксарияти қаноатлантирилган.

3.2. Жиноят-процессуал қонунларининг либераллаштирилиши ва эҳтиёт чораларининг самарадорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасида жиноят учун жазолар меъёрини камайтирилгани, жазони тайинлаш, ижро қилиш ва ўташ шартларини инсонпарварлик руҳида либераллаштирилгани жиноят ишлари бўйи-ча эҳтиёт чораларини қўллаш амалиётига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 1999 йилда республикадаги хибсхоналарда 14.113 маҳбус сақланган, турма ва колонияларда 51.479 маҳкум озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган бўлса, бу рақамлар 2000 йилда тегишинча 13.126 ва 63.857, 2001 йилда 7.422 ва 63.172, 2002 йилда эса 6.716 ва 38.717 нафарни ташкил этди. Эҳтиёт чораси тарзида қамок чорасини қўллаш барча судга юборилган ишлар бўйича 50 фоиздан 30

[123]

фоизгача камайди. Эҳтиёт чоралари қўллаш амалиёти-ни янада самарали бўлишига эришиш имкониятлари мавжуд.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чоралари, баъзан «жиноятчи эркинликда қолди», деган жамоат фикрининг олдини олиш, шунинг-дек фуқаролар осойишталигини, жабрланувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишни таъминлаш мақсадида қўлланиши ҳолла-ри учрайди. Ваҳоланки, эҳтиёт чоралари асоссиз қўлланилганда айбланувчининг кейинчалик қамокдан озод этилиши жамоат фикрини янада кучлироқ ғазаблантиради. Жамоат фикри ва жабрланувчиларни «тинчлантириш» эҳтиёт чораларининг мустақил мақсади сифатида қаралиши мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда айбланувчи яширинади, деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос бўлмаса-да, уни прокурор жабрланувчига хайрихоҳлик кўрсатиб, қамокқа олади. Бу эса айбланувчини қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганидагина қамашга йўл қўядиган қоида талабини бузишдир. Ҳеч кимни бировлар манфаатини кўзлаб ноқулай ҳолга солиш Рим ҳуқуқида ҳам ман этилган (*Non debet alteri per alterum iniqusa condicio inferri*). Қонун назарда тутган асослардан ақалли биттаси бўлмаган ҳолда айбланувчи ёки гумон қилинган шахсни қамокқа олиш

қонунга зид қилмишдир. Агар айбланувчи оғир касал ёки кекса бўлса, унинг яшириниши, ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши ёки янги жиноятни содир этиши хусусида маълумотлар мав-жуд бўлмаса, айбланувчини судгача қамашга хожат йўқ. Жабрланув-чининг ғазабли хиссиётлари таъсирида шахсни қамаш ва воқеликдан тўла хабардор бўлмаган, жамоанинг шафқатсиз кўз ўнгида яхши кўриниш – прокуратура ҳал этадиган вазифалар нуктаи назаридан йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Эҳтиёт чоралари гўё «айбланувчиларнинг ижтимоий турмуш қоидаларига риоя этишини таъминлаш мақсадида амалга оширила-
[\[124\]](#)

и» дейилиши ҳам нотўғри. Яширинмаслик, ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бермаслик, янги жиноят содир этмаслик – оддийгина ижти-мой турмуш қоидаларини бузиш эмас. Қонун эҳтиёт чораларини қўллашда айбланувчини атрофдагиларга ҳурмат билан қараш, яхши ўқиш ёки ишлаш, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик кабиларга мажбурлаш мақсадларини назарда тутмайди.

Эҳтиёт чорасини қўллаш учун ҳақиқий асослар мавжуд бўлган тақдирда терговчи, прокурор ва суд эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақ-
[\[125\]](#)

лигина бўлмай, мажбур ҳамдир. Эҳтиёт чорасини қўлловчи шахс ва органлар бир қатор ҳуқуқий шартларга риоя қилишлари лозим.

Биринчидан, эҳтиёт чораси фақат жиноят иши қўзғатилгандан сўнг танланиши мумкинлиги. Бу – шахсни асоссиз, ўзбошимчалик билан қамоққа олиш ёки бошқа мажбурлов чораларидан ҳимоя қилади, унинг дахлсизлигини кафолатлайди. Нафақат қамоққа олиш, балки барча эҳтиёт чоралари, ҳатто муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, кафиллик ҳам, агар жиноят иши қўзғатилмаган бўлса, қўлланиши мумкин эмас.

Иккинчидан, айбланувчига таҳдид солаётган жиноий жазо қўлланадиган эҳтиёт чорасидан жиддийроқ бўлиши шарт. Агар айбланувчига нисбатан жазо бериш учун қўлланадиган Жиноят кодексининг моддаларида қасдан содир этиладиган жиноят учун уч йилдан ортиқ муддатга, эҳтиётсизлик оқибатида содир бўладиган жиноят учун – беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилмаса, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлаш-га фақат алоҳида ҳолларда, иш ва яшаш жойи тайин бўлмаган, кўним-сиз шахсларга нисбатан рухсат берилади (ЖПКнинг 242-моддаси). Жазо сифатида озодликдан маҳрум этиш тайинланиши мумкин бўл-маса, қамоққа олишга қараганда енгилроқ эҳтиёт чораси танланиши керак. Тергов ёки суд жараёнида айбланувчининг юридик томони ўзгар-ганида ҳам эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласини дарҳол муҳокама қилиш зарур, токи у янги айбловга мувофиқ бўлсин.

Учинчидан, шахсни таъқиб қилиш, айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб этиш ҳар қандай турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш шарти ҳисобланади. Суд жиноят таъқиб органи эмас ва ўз ташаббуси билан жиноят иши қўзғатиш ҳамда янги шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш унинг холислигига путур етказди. Бундай шахслар айбланувчи ҳисобланмайди, уларга нисбатан айбла-нувчи сифатида ишга жалб этиш тўғрисида қарор чиқарилмаган, айблов эълон қилинмаган. Модомики, айблов мавжуд эмас экан, эҳтиёт чорасини ҳам қўллаб бўлмади. Судга айблаш функцияси юкланмаган. Шу сабабли унга фуқароларни айбланувчи сифатида жалб этиш ҳуқуқини бериш ноўрин. Ушбу сабабни ҳақиқатан жиддий деб топиб, А.М.Ларин умуман бу

[126]

тартибни бекор қилинишини так-лиф этади. Суд жиноят аломатлари мавжуд бўлган шахсларга нисбатан иш қўзғатмай, бу ҳақда материалларни жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга юбориши лозим. Ниҳоят, шахсни айбланувчи сифатида икки маротаба: аввал судда, кейин дастлабки терговда жалб этиш мантиққа ҳам зиддир.

Фикримча, ЖПК 239-моддасининг 1-бандига қуйидагича қў-шимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди: *«Эҳтиёт чораси шахс айбланувчи сифатида сўроқ қилинганидан сўнг қўлланиши мумкин»*. Бундай қўшимча эҳтиёт чораси масаласини ҳал этиш чоғида айб-ланувчининг важларини ҳисобга олиш, эҳтиёт чораларини, айниқса камоққа олишни нотўғри қўллашга йўл қўймасликни таъминлаган бўларди. Таклиф этилаётган қоидадан фақат айбланувчи терговдан яширинган ва уни қидириш эълон қилинган ҳоллар истисно қили-ниши лозим. Бу ҳолларда эҳтиёт чорасини шахсни жиноят иши бўйи-ча айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши-дан сўнг, лекин уни айбланувчи сифатида сўроқ қилишдан олдин танланиши табиийдир.

Тўртинчидан, касаллар, вояга етмаганлар, аёллар, кексаларга нисбатан баъзи бир эҳтиёт чораларини қўлламаслик тўғри бўлар эди. Агар руҳий бемор шахс Жиноят кодексида назарда тутилган ижти-мой хавфли қилмишни содир этганлиги исботланса, уни ишга айбланувчи сифатида жалб этмасдан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади. Бу чорани қўллаш учун касалликни тасдиқ-лайдиган тиббий ҳужжатлар, чунончи суд-психиатрия эксперт комис-сиясининг

[127]

хулосаси асос бўла олади. Эксперт хулосасида ижти-мой хавфли қилмишни содир этган шахс ўзи ёки бошқалар учун жиддий хавф туғдирадиган руҳий касал эканлиги ва уни шифохона шароитида сақлаш лозим эканлиги кўрсатилиши шарт.

Жиноят-процессуал қонуни мажбурлов чораларини қўллаш мақсадларидан асосийси тарзида ҳақиқатни аниқлаш кафолатларини

назарда тутади. Шахсга нисбатан қўлланадиган мажбурлов чоралари унинг қонунга нисбатан салбий муносабатда эканлиги ёхуд шундай деб ҳисоблаш учун етарли асослар борлиги ҳақида далиллар мавжуд бўлганда қўлланади. Бундай исботлар бўлмаса, фақат «эҳтимол шахс қонунга салбий муносабатдадир», деган шубҳанинг ўзи етарли [\[128\]](#)

эмас.

Сўнгги йилларда қамокқа олиш чорасига нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, гаров, шахсий кафиллик қўлланиши фоиз ҳисобида ошиб бормокда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида турган долзарб вазифалардан бири қамокқа олиш эҳтиёт чораси ўрнига шахснинг эркинлигини камроқ чекловчи бошқа эҳтиёт чораларини кўпроқ қўллашдан иборат.

Кейинги йилларда республикамизда жиноят ва жазо сиёсатини инсонпарварлаштириш, қабул қилинаётган турли жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган қонунлар таъсирида қамокқа олинган шахсларнинг сони камайиб боряпти. Қамокқа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини етарли даражада қўлланмасликка олиб келадиган, объектив тусдаги қийинчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, гаровга қўювчиларни топиш, кафилликни процессуал тарзда расмийлаштириш кўп вақт талаб қилади.

Бир томондан, қамокқа олишни ҳаддан ташқари кенг қўллашга тўсқинлик қиладиган қўшимча чеклашларни жорий этиш, бошқа томондан эса, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланишини рағбатлантириш керак. Айни вақтда:

– жиноят учун жазо тайинлаш енгиллаштирилиб, жиноий жазо-нинг тарбиявий таъсирига катта аҳамият бериш;

– фуқароларнинг судга нисбатан ишончи ортишига эришиш;

– тезкор-қидирув ва тергов органларининг техника билан жиҳозланишини яхшилаш лозим.

Шубҳасизки, озодлик ҳуқуқий категория сифатида инсоннинг муҳим қадриятларидан бири. Уни чеклаш билан боғланмаган эҳтиёт чораларини танлаш мақсадга мувофиқ. Ота-онасининг назоратига топширилган вояга етмаганлар, шунингдек эҳтиёт чораси сифатида шахсий ёки жамоат кафиллиги танланган шахслар ҳуқуқий маънода эркинлигини йўқотмайдилар, уларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари чекланмайди.

«Эҳтиёт чорасини танлаш фактининг ўзи муқаррар раишда айбланувчининг ҳуқуқларини ва биринчи навбатда шахснинг дахлсизлик

[\[129\]](#)

ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ» , деган фикр мавжуд. Аслида гаров, кафиллик, вояга етмаганларни кузатувга олиш учун топшириш, ҳарбий

хизматчининг хулқ-атвори устидан кўмондонлик кузатуви кўринишидаги эҳтиёт чоралари айбланувчининг умумий ҳуқуқий мақомини чекламайди, хусусан уни шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ушбу чораларни танлаш ва қўллаш давомида айбланувчи камситишларга тортилмайди, унга жиддий маънавий зарар етказилмайди. Кафиллик, вояга етмаганларни кузатувга олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан кўмондонлик кузатуви чораларини қўлловчи шахс айбланувчининг ҳуқуқий мақо-мини чеклайдиган ҳеч қандай қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмас. Хусусан, кафилликка олувчилар баъзан айбланувчидан бўш вақтларида корхона ва турар жойдан ташқарига чиқмасликни, спирт-ли ичимликлар ичмасликни, муайян шахслар билан учрашмаслик ва ҳоказоларни талаб қилади. Бу хил ҳуқуқларни чеклаш амалиёти қонунга асосланмаган, ички, ўзаро ахлоқий талаб, холос.

Вояга етмаган айбланувчини ота-онаси ўз кузатуви остига олганда, унинг кечаси кўчада юрмаслигини, бегона шахслар билан учрашмаслигини талаб қилиши; унинг вақтини қандай ўтказиши, танишлари кимлиги, пулни қандай сарфлаши устидан кундалик назоратни амалга ошириши; уй ёки муассасадан ташқарига чиқишни чеклаши мумкин ва ҳоказо. Бундай хил талаблар ҳуқуқий эмас, балки ахлоқий тусга эга ва ота-онанинг ўзининг вояга етмаган болаларини тарбиялашга доир ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқади.

Терговчи, прокурор ва суд ҳам кафилликка топширилган айбланувчиларнинг зиммасига ишлаш, ўқиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, уйдан тун вақтида чиқмаслик каби мажбуриятларни юклаши, бирор-бир ҳаракатни содир этмасликни талаб қилиш-лари мумкин. Бундай талаб ҳуқуқий мажбурият туғдирмаса-да, бироқ уни бажаришдан бўйин товлаш эҳтиёт чорасини жиддийлаштиришга сабаб бўлиши мумкин.

Эҳтиёт чораларини қўллаш самарадорлигига эришиш кўп жиҳатдан қамоқ, уй қамоғи ва гаров каби инсон ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатларнинг устидан суд назоратини амалга оширишни тақозо қилади. Ҳуқуқий тизимнинг эҳромида доимо фақат суд ўрин олмоғи лозим. Тарих сабоқлари ва ажнабий мамлакатлардаги тажри-баларни инобатга олмаслик ярамайди.

Эҳтиёт чораси Россияда 1864 йилда ўтган ислохотларга муво-фик суднинг назорати остида қўлланар эди. Ўша ғоялар ва анъана-ларга риоя қилиб Октябрь тўнтаришидан сўнг 1922-1924 йилларда шўролар ўтказган суд ислохотида суд терговчилари тизими тикланган ва уларнинг зиммасига милиция ҳамда бошқа суриштирув органлари-нинг қонунга риоя қилиши устидан назорат олиб бориш топширилган эди. Йигирманчи йилларнинг охирида терговчилар прокуратура қарамига берилди ва суриштирув ҳамда тергов устидан суд назорати барҳам топди. СССР Бош

прокурори барча жиноят ишларининг ягона «хўжайини» бўлиб
[\[130\]](#)

қолди.

Адолатнинг тантанасига маъмурий ижроия органи ёрдамида эмас, фақат судда айбловчи (даъвогар) ҳамда ҳимояланувчи (жавоб-гар) ўртасида далилларга суянган ҳалол тортишув йўли билан эришиш мумкин. Эҳтиёт чораси сифатида шахсни қамоққа олиш тўғри-сидаги масалани суд кўраётганда қамоққа олиш тарафдори бўлган терговчи, прокурор ва жабрланувчи билан бирга, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ҳам иштирок этиши лозим. Бу талаб тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва
[\[131\]](#)

тортишуви принципига асосланади.

Процессда айблов функцияларини алоҳида ташкиллаштирилган прокуратура институти амалга оширар экан, ҳимояни ҳам тегишли равишда ташкил этиш лозим, акс ҳолда юридик маълумотли, тажрибали давлат айблови вакилининг кучсиз, тажрибасиз ҳимоя билан тортишув
[\[132\]](#)

олиб боришига тўғри келади.

Мамлакат раҳбари И.А.Каримовнинг суд иш юритувида айблов-чи ва ҳимоячининг мавқеларини тенглаштириш ҳақида йўл-йўриқ-ларига,
[\[133\]](#)

шунингдек Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига амал қилиб, бир қанча массалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш зарур. Жумладан, Конституциямизнинг 44-моддасида белгиланган фуқароларнинг ариза, шикоятларини кўриб, ҳал этиш имкониятлари-ни кенгайтириш, уларни ҳар қандай давлат органи ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норози бўлиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш лозим. Шу муносабат билан эҳтиёт чораси тарзида шахсни қамоққа олишни фақат суд орқали амалга ошириш тартибига ўтиш, бу йўлда биринчи қадам сифатида прокурорнинг қамоққа рухсат бериши устидан судга шикоят қилиш тартибини жорий этиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган биринчи халқаро ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг VIII-моддаси, шунингдек Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддаси ҳар қандай ушлан-ган ёки қамалган шахс қисқа вақт мобайнида судга келтирилиши ва қамалишининг асосли ва қонуний эканлиги суд томонидан текширилиши лозим эканлигини кўзда тутди. Бу талабга риоя этиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ушбу Халқаро пактни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1995 йил 25 августда ратификация қилгандан сўнг Олий Мажлисга мурожаат қилиб, прокурорларнинг фуқарони қамоққа олиши устидан норозилик аризаси-ни

суд эмас, фақат юқори турувчи прокурорлар кўриб ҳал қилиши
[\[134\]](#)

Конституцияга зид эканини билдирди. Лекин муаммо ҳануз ҳал қилинмай қолмоқда. Ваҳоланки, шахсни қамоққа олиш устидан суд назоратини ўрнатиш хорижий мамлакатларда, хусусан бошқа собиқ иттифоқдош республикаларда аллақачон ҳал қилинган.

Россияда 1992 йил 23 майдаги федератив қонун билан дастлабки тергов ҳаракатлари, хусусан айбланувчи ва гумон қилинган шахсни эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосли экани
[\[135\]](#)

устидан суд назорати ўрнатилди. Унга кўра қамоққа олиш тўғрисида прокурорнинг рухсати устидан судга шикоят қилиш тар-тиби белгиланди. 1992 йилнинг ўзидаёқ, РФ судлари прокурорнинг қамоққа олиш рухсатидан норози бўлиб берилган 14.387 шикоятни кўриб, 2.032 (14,1%)ни бекор қилди, қамоқ муддатини узайтирилган-нидан норозилик билдирилган 752 шикоятдан 163 (21,7%) қаноат-лантирди. Кейинги йилларда бу хил шикоят ҳам, прокурорларнинг қарорини суд бекор қилиши ҳоллари ҳам тобора камайиб бормоқда. Даврий матбуотда таъкидланганидек, бу прокурорларнинг ўз ишига масъулият билан
[\[136\]](#)

қараши натижасида кескин камайиб бормоқда.

Қамоқ тарзида эҳтиёт чорасини танлаш ва унинг муддатини узайтириш судлар томонидан амалга оширилиши катта қийинчилик-лар билан боғлиқ деб ҳисоблаб, РФ ЖПКнинг бу ҳақдаги қоида-ларини қонун чиқарувчи 2004 йил 1 январдан бошлаб кучга кири-тишини
[\[137\]](#)

белгилаган эди. РФ Конституциявий суди 2002 йил 14 мартда бу қоидани РФ Конституциясининг 22-моддасига зид деб топди ва шахсни қамаш учун суднинг рухсат беришига оид қоида Кодекс амалга киритилган 2002 йил 1 июлидан бошлаб қўлланиши лозимлиги ҳақида қарор қилди.

Шахсни қамаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш ва узайти-ришга оид суд амалиётининг дастлабки икки ой яқунлари янги тартиб ўзини тўла оқлаганидан далолат беради. Бу ҳақда РФ Олий судининг Раиси В.Лебедев РФ Президенти В. Путинга ҳисобот берди. Ҳисо-ботга қараганда, 2002 йил 1июлидан 8 сентябригача федерал судлар эҳтиёт чораси сифатида қамашга рухсат сўралган 27.090 материални ва қамоқ муддатларини узайтириш сўралган 14.768 материални кўриб ҳал қилган. Қамоқ тўғрисида материалларнинг 86,5 фоизи қаноат-лантирилган, 9,1 фоизига рад жавоби берилган ва 4,4 фоизини кўриш кейинга қолдирилган. Қамоқ муддатини узайтириш ҳақида илтимос-ларнинг 91,7 фоизи қаноатлантирилган, 4,6 фоизига рад жавоби берилган ва 3,7 фоизини кўриш кейинга қолдирилган. Қамаш ҳақида судларнинг 2.586

ёки 9,5 фоизи қарорлари кассация тартибида берилган шикоят ва тақдимнома бўйича кўрилган ва улардан 86,9 фоизи ўз кучида қолдирилган, 12,5 фоизи бекор қилинган ва 0,6 фоизи ўзгартирилган. Қамок муддатини узайтириш ҳақидаги мате-риаллар бўйича судларнинг 1.478 ёки 10,0 фоиз қарорлари берилган шикоят ва тақдимномалар асосида кассация тартибида кўрилиб, улардан 90,9 фоиз суд қарорлари ўз кучида қолдирилган, 8,2 фоизи бекор қилинган ва 0,9 фоизи [\[138\]](#)

ўзгартирилган.

РФ Президенти В.Путин бу вазиятдан мамнун бўлиб, 2004 йил 12 мартда сайловолди нутқида «Инсонни қамашга ҳеч бир ижроия органи, шу жумладан прокуратура ҳақли эмас, бу фақатгина суднинг ваколатига киради», деб уқтирди.

Россияда суд бугунги кунда жинойт таъқибнинг субъекти ҳисобланмасдан, фақат одил судлов мақсадларини амалга оширилишига [\[139\]](#)

хизмат қилади.

Қамашга прокурорлар ваколати бўлган даврда ҳар йили Рос-сияда 400 минг кишидан қарийб 100 минги заруриятсиз қамокда сақланиб, оқибатда бу чора бекор қилинарди. Чунки прокурор бу масалани ҳал қилаётганида ҳимоячи қатнашмас, унинг ҳақли эътироз-лари эътиборга [\[140\]](#)

олинмасди, деган фикрга қўшилмай бўлмайди.

Тожикистон Республикаси ЖПКга эҳтиёт чораси сифатида шахсни қамаш ва қамок муддатларини узайтириш ваколатларини судларга бериш тўғрисида зарурий меъёрлар Тожикистон Олий Совети Президиумининг 02.06.1993 йилги фармони билан жорий қилинган ва ушбу Фармон [\[141\]](#)

26.06.1993 йилда Қонун билан тасдиқ-ланган эди. Янги тартиб беш ойдан сўнг Тожикистон Олий Совети Президиумининг 15.11.1993 йилги Фармони билан мамлакатда осойишталик бўлмагани сабабли тўхтатиб қўйилди. Ундан сўнг 06.11.1994 йилда Референдум йўли билан қабул қилинган Тожикистон Республикасининг Конституциясида фуқаронинг ҳуқуқ ва эркин-ликлари фақат суд орқали чекланиши тўғрисида 19-модда борлигига қарамай, ушбу муаммо ҳал қилинмаганича қолиб келади.

Суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари ва каро-ри устидан судга шикоят қилишга имкон берилган қисқа давр ичида Тожикистон бўйича қамокқа олинган 53 кишидан 11 нафарининг шикояти қаноатлантирилган.

Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш устидан суд назоратини ўрнатиш, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бу ҳақда қароридан судга шикоят бериш тартиби қонунда албатта белгиланиши зарур-лиги, бундай тартиб йўқлиги Озарбайжон Республикаси Конститу-циясининг

60 ва 71-моддаларига зид эканлиги Республика Конституциявий судининг 1999 йил 12 майда чиқарган қарорида таъкидланди.

Деярли барча МДХга аъзо давлатларда қамоқ тарзидаги (Латвия, Литва, Эстония, Молдова) ёхуд прокурорнинг бу ҳақда қарори устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган (Украина, Беларус, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва бошқалар).

Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари ҳам ўз ташаббуслари билан қонун лойиҳасини тайёрлаган бўлсалар-да, масала суд муҳокамасига киритилмай қолиб кетган (лойиҳа нусхаси қўлланмага илова қилинди – 2-иловага қаранг).

Шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ваколатини судларга берилмаса, экстрадиция қилиш-га оид ЖПК нормаларини қўллашда ҳам жиддий муаммо юз беради. Европа экстрадиция қилиш тўғрисида Конвенцияси (1957 йил), Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида МДХ давлатларининг бошлиқ-лари 1993 йилда имзолаган ва 2002 йилда янги таҳрирда тасдиқланган Минск Конвенцияси жиноят содир этишда айбланаётган шахсни бир давлатдан бошқа давлат ихтиёрига бериш учун унга нисбатан қамоқ чораси қўлланишини тақозо қилади. Ўзбекистон миллий қонунчи-лигида бундай шахсларни экстрадиция этиш тўғрисида барча муҳим масалалар ҳал

[142]

қилинган. Лекин шахсни бошқа давлатлардан Ўзбекистонга экстрадиция қилиш учун унга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган бўлиши шарт. Ҳозирги процессуал тартибга биноан қамоққа олиш тўғрисида прокурорнинг қарорини ажнабий давлатларда халқаро ҳуқуқда тан олинган ҳужжат сифатида қабул қилмайдилар ва бу ҳақда фақат суднинг қарори бўлишини талаб қиладилар. Судлар эса бизда бундай ваколатга эга эмас.

Германияда шахсни ушлаб туриш ва қамашга боғлиқ прокурор назорати ҳақида тадқиқот олиб борган Б.Исмоилов ҳам шахснинг эркинлигини чеклашга рухсат бериш ваколати судларга берилишини

[143]

таклиф қилади. Яна бир ҳуқуқшунос П.Боймуродов бу тўғрида қуйидагича фикр билдирган: «Юридик адабиётларнинг аксариятида ва баъзи ҳуқуқшуносларнинг анъанавий «прокурорлар бажарадиган иш» бўлиб келаётган қамоққа олишни судлар зиммасига юклатилиши ҳақидаги «қийинчиликлар келтириб чиқаради, жиноят процессуал қонунларини Конституция нормаларига мувофиқлаштириш, судьялар штати сонини кўпайтириш ва шу билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун жуда кўп маблағ сарфланишига олиб келади», деган фикрлари

[144]

устунлик қилади.

Шубҳасиз, судларга янги вазифалар юклатилиши катта тайёр-гарлик

ва масъулиятни талаб қилади. Лекин бу муаммони бўрттириб, жинойт процессуал қонунларини Конституцияга мувофиқлаштириш ҳуқуқий ислохотларнинг ҳозирги босқичида амалга оширилиши мушкул деб ҳисобловчиларнинг хулосалари асоссиз.

3.3. Баъзи хорижий мамлакатларда процессуал эҳтиёт чораларининг қўлланиши

Қўлланманинг хотимасида илмий қиёслаш ёрдамида эҳтиёт чоралари билан боғлиқ турли воқеликлар ҳамда тартибларда ижобий ва салбий томонларни аниқлаш ва уларга тўғри баҳо бериш мақсадида бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчили-гига назар ташлаш фойдадан холи эмас. Улардаги жинойт процессида эҳтиёт чораларига бағишланган нормаларни ялписига эмас, фақат ўзига хослари, кўпдан буён амалиётда қўлланаётганларига тўхталиб ўтиш лозим.

АҚШда процессуал-мажбурлов чоралари шахснинг конститу-цион ҳуқуқларини сезиларли чеклагани туфайли одатда суднинг рухсати билан

[\[145\]](#)

қўлланади. АҚШ Конституциясига киритилган IV ўзгартишга кўра, суд қасам ёки тантанали ваъда билан тасдиқланган етарли асосларсиз

[\[146\]](#)

қамоққа олишга ордер бермайди. Бундай ордер қамоққа олинадиган шахснинг тавсифини акс эттирмоғи лозим.

Умуман олганда қамоққа олиш АҚШда кенг қўлланилади. Масалан, 1999 йилда 14,4 млн фуқарога нисбатан ушбу чора қўлла-нилган. Кўпчилик ҳолларда бу қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш бўлиб

[\[147\]](#)

, кам аҳамиятли жинойтлар (жамоат жойларида маст ҳолатда юриш, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш, жамоат тартибини ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалар) содир этган шахсларга нисбатан қўлланилган. Хавфли жинойтларни содир этганликда гумон қили-ниши муносабати билан узокроқ муддатга қамоққа олинган шахслар сони умумий қамоққа олинганлар ичида нисбатан кам ўрин эгал-лайди: 1999 йилда оғир ва ўта хавфли жинойтларни содир этишда гумон қилинган 2.321.минг шахс қамоққа олинган (барча қамоққа олинганларнинг 16,2 фоизи). Бу, биринчидан, жиддий жинойтлар (фелония)нинг кам аҳамиятли (мисдиминор) жинойтларга нисбатан жуда оз содир этилиши, иккинчидан, жиддий жинойтларнинг очилиш даражаси жуда пастлиги (ўртача 21 фоиздан ортиқроқ) билан тушун-тирилади. Бундан ташқари, эътиборга олиш лозимки, хавфли жинойт-ларни содир этишда гумон қилинган шахсларга нисбатан кўпинча озодликдан маҳрум қилиш билан

боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари, хусусан гаров қўлланади.

Одатда полиция, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс-ни қамоққа олиш учун, керакли фактик маълумотларни йиғиб, судга муурожаат қилиши ва муайян шахсни қамоққа олинишига рухсат бериш

[\[148\]](#)

ҳақида илтимоснома киритиши лозим. Лекин бу қоидадан бир қанча истиснолар кўзда тутилган. Масалан, шошилинич ҳолат-ларда суд буйруғисиз ҳам қамоққа олишга йўл қўйилади, қамоққа олинган шахс қамоқнинг қонунийлигини текшириш учун «иложи борича тезроқ» судга олиб борилиши керак. Амалиётда бундай шакл-да амалга ошириладиган қамоққа олишлар одат тусига кириб қолган. Бунга АҚШ Қонунлари мажмуасининг «Жиноятлар ва жиноят процесси» номли бўлими рухсат беради. Шахсни қамаш учун судга тақдим қилинадиган информацияда баён этилган фактлар ва ҳолат-лар, – дейилади АҚШ Олий суди 1878 йилда Стейси иши бўйича чиқарган қарорида, – ҳар қандай фаросатли ва эҳтиёткор одамни ишонтирадиган даражада бўлиши шарт.

Қамоққа олишда (суднинг буйруғи билан ёки усиз) полиция қонунлар ва қонун ости актлари билан белгиланадиган қатор қоида-ларга риоя қилиши лозим. Уларга биноан қамоққа олаётган полициячи гумон қилинувчини тинтиш ва ундан иш бўйича далил бўлиб ҳисобланиши мумкин бўлган қурол, предметларни олиши мумкин. Шундан сўнг қамоққа олинган шахс улар сақланадиган жойга олиб борилади ва қамоққа олиш расмийлаштирилади. Бундай расмийлаш-тириш давомида полиция журнаliga гумон қилинувчининг исми шарифи, уни келтирилиш вақти, нимада гумон қилинаётганлиги ҳақидаги маълумотлар киритилади, кейин фотосурати ва бармоқ излари олинади. Қоида тариқасида, бу пайтда қамоққа олинганга у нимада гумон қилинаётганлиги тушунтирилади ва бир марта бўлса-да, хоҳлаган одамига (қариндошлари, дўстлари, адвокати) билан теле-фон орқали сўзлашишга имкон берилади. Кам аҳамиятли жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича қамоққа олинган шахс чақирув бўйича келиш ҳақидаги ёзма мажбурият, гаров ёки келишилган гаров суммасини почтада жўнатиши ҳақидаги ваъдаси асосида озод этилиши мумкин.

Гаров ислоҳоти ҳақида 1984 йил Федерал актига биноан эҳтиёт чорасини судья жинойи қилмишда айбланаётган шахснинг ҳозирли-гида ҳал қилади. Бунда айбловнинг зўравонлик ва гиёҳванд восита билан боғлиқлиги, айблов учун далиллар йиғиндиси, шахснинг ўтмиши (ақлий даражаси, ичкиликка ружу этиши, судланганлиги), очикда қолдирилганда ижтимоий хавфлилик даражаси, чақирилганда тергов ва судга келиши таъминлангани, бошқа обрўли кишиларнинг кузатувида бўлиши, меҳнат фаолияти, тартиб-қоидаларга итоаткор-лиги, мулкини гаровга бериши имконияти кабиларни эътиборга олади. Қамоқ, агар бошқа эҳтиёт чоралари шахсни жавобгарликдан бўйин товлашининг олдини олишга

етарли эмаслиги аниқ бўлсагина қўлланади.

Буюк Британия жиноят процессида одатдаги суриштирув ва дастлабки тергов босқичлари йўқ ва судгача жиноят ишини юритиш полиция фаолияти билан боғлиқ бўлиб, жиноятни очиш ва уни содир этган шахсни фош этишда, табиийки, мажбурлов чоралари қўлланади. [149]

Эҳтиёт чоралари 1984 йилдаги Полиция ва жиноий далиллар тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Далилларни излаш ва тўплаш Ички ишлар вазирлигининг йўл-йўриқларига мувофиқ олиб борилади, мажбурлов чоралари эса фақат суднинг рухсати асосида қўлланади. Далилларни олиб қўйиш, тинтув, гувоҳлантириш каби ҳаракатларни ўтказиш учун прокурордан рухсат олинади. Эҳтиёт чораси сифатида шахс қамоққа олингач, асрлардан буён амалдаги habeas corpus act қоидаларига биноан дарҳол судья ҳузурига келтирилади. Шахсни ушлаш ва қамаш учун полиция «суд буйруғи»ни олиши шарт. Полициянинг расмий илтимосига кўра, қамаладиган шахс ҳақида маълумотлар бўлса – махсус, агар унинг фамилияси аниқ бўлмаса – умумий варрант деб номланган «суд буйруғи» берилади. Бунинг учун судьяга полиция «информация» деб номланган ҳужжат билан мурожаат қилади.

1976 йилги Гаров ҳақида қонунга мувофиқ, айбловнинг жиддийлигидан ташқари, шахс мамлакатдан четга чиқиб кетиши, гаров бериш йўли билан жавобгарликдан озод бўлишга қаратилган ният-ларига эришмоқчи экани, суд иш юритувига ва бошқаларга муносабати эътиборга олинади. Гаров эвазига очикда қолдириладиган айбла-нувчи бирор қонунбузарлик қилмаслиги, гувоҳлар билан алоқадор бўлмаслик ва одил судловга халақит бермаслик, доимо муайян белгиланган жойда бўлиш мажбуриятларини ўз зиммасига олмоғи лозим. Қотилликда ва номусга тегишда айбланаётган шахсни суд гаровга бермаслиги мумкин. Қонунга кўра, турма қамоғи билан жазоланиши назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланаётган шахс илгари гаров билан боғлиқ талабларга риоя қилмаган бўлса, яна гаровга берилиши мумкин эмас.

Англия жиноий процессуал қонунларида «полиция қамоғи» назарда тутилган. Аслида у шахсни вақтинча – 24 соатгача, жиддий жиноятлар учун – 36 соатгача ушлаб туришдан иборат бўлиб, ма-гистрат судининг рухсати билан бу муддат – 72, узоғи билан – 96 соатгача узайтирилиши мумкин. Келгусида бу шахсни айбланувчи тариқасида қамоқда сақлаш суднинг қарори билан ҳар сафар 8 кунга узайтирилиши, жами бўлиб у 70 кун, айблов актига биноан эса – 112 кунгача қамоқда сақланиши мумкин. [150]

Англия амалиётидан ўрин олган bail презумпцияси бўйича айбланувчини қамаш, озодликда қолдирмаслик заруратини жиноий

[151]

таъқиб органи судда исботлаши шарт. Акс ҳолда у гаров ёки кафиллик эвазига озодликда қолдирилади.

Қонунлар мажмуасининг юқорида номланган бўлимига ва «Тезликда суд қилиш акти» номли 1974 йил қонунига биноан катта жюрининг айблов хулосаси ёки прокурор тузадиган информация шахс қамоққа олинганидан 30 кундан кечиктирмай берилиши, суд муҳокамаси эса яна 70 кун давомида бошланмоғи шарт. Алоҳида мураккаб ҳолларда суд муҳокамаси шахс қамалгандан 130 кун ўтмай бошланиши керак. Акс ҳолда жиноят таъқиб бекор қилинади.

Инглиз жиноят процессида барча ҳолларда bail институти презумпцияси қўлланилади ва у тасдиғини топмагандагина шахс қамоққа олинади. Лекин 1994 йилги «Жиноий адлия ва жамоат тартиби тўғрисида»ги қонунга биноан айблов акти билан таъқибга олинган, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан аввал содир этган жинояти учун bail қўлланилган бўлса, у қайта қўлланилмайди. Қуйидаги асослар мавжуд бўлганда айбланувчини озод қилиш рад этилиши мумкин: а) яшириниши тўғрисида ахборот бўлса; б) у гувоҳларга салбий таъсир ўтказиши ҳақида маълумот бўлса; в) қамоқ айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиши учун зарур бўлса.

Bailни қўллаб, шахсни озод қилишнинг конкрет шартларини суд ва полиция белгилайди. Bail қўлланилганда шахс озод қилиш шарт-ларини бузса, муайян оқибатлар келиб чиқади. Биринчи навбатда бу ҳар доим мустақил жиноят сифатида жазолашга сабаб бўлади. Про-цессуал оқибатлар bail асосида озод этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишдан иборат.

Францияда Наполеон 1804 йилда имзолаган ва 1970 йил 17 июл, 1984 йил 9 июл ва 1989 йил 6 июлда бир қатор ўзгаришлар киритилган Жиноят-процессуал кодексига биноан, айбланувчи терговни тўғри ўтказиш манфаатлари ва жамият хавфсизлиги нуктаи назаридан ё судгача назорат остига олиниши, ёхуд дастлабки қамоқда сақла-ниши мумкин (137-модда). Франция ЖПКнинг III бобининг VII бўли-ми «Суд назорати ва дастлабки қамоқ тўғрисида» деб номланиши амалда фақат икки

[152]

турдаги эҳтиёт чораси қўлланишини кўрсатади.

Судгача назорат остига олиш дастлабки қамоқ чорасининг муқо-били сифатида 1970 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозир Францияда асосий эҳтиёт чораси ҳисобланади ва бу чора қамоққа олишларнинг

[153]

умумий ҳажми камайишига олиб келди.

Суд назорати чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор дастлабки терговнинг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин (139-модданинг биринчи қисми). Масалани ҳал қилиш чоғида суд асосан

жиноятнинг моҳияти ва хавфлилик даражасини ҳисобга олади. Суд назорати комплекс эҳтиёт чораси ҳисобланиб, 16 та турли чеклаш-ларни ўз ичига олади. Судгача назорат ахлоқ тузатиш турмасига қамаш назарда тутилган жиддий жиноят содир этишда айбланаётган шахсга магистрат суди томонидан тайинланади ва унинг зиммасига бир қатор мажбуриятлар юкланади, чунончи:

- магистрат белгилаган ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;
- магистрат ижозат берган ҳоллардан бошқа сабаблар билан ўзининг доимий истиқомат жойидан кетиб қолмаслик;
- магистрат талаб қилган жойларга бормаслик ёки фақат у рухсат берган жойларга бориш;
- магистрат белгилаган жойларда муттасил рўйхатдан ўтиб туриш;
- барча турдаги ёхуд баъзи транспорт воситаларини ҳайдамаслик;
- баъзи шахслар билан мулоқотда бўлмаслик;
- экспертиза, даволаш ёки касалхонада бўлиш каби чораларга бўйсунуш;
- муайян касб билан шуғулланмаслик;
- қурол олиб юрмаслик, уни топшириш;
- оиласига ёки бошқа шахсларга муттасил моддий ёрдам бериш, белгиланган тўловларни ўз вақтида бажариш ва бошқалар (ЖПКнинг 138-моддаси). Мазкур талабларни бажармаслик судгача дастлабки қамоқ чораси қўлланишига сабаб бўлади (ЖПКнинг 144-моддаси).

Шахс оғир ёки ўта оғир жиноятларда айбланаётган ва унга бошқа эҳтиёт чораси қўлланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ бўлган ҳолдагина қамоққа олинади. Шунга қарамай, аксарият Европа мамлакатларига қараганда Францияда қамоқ чораси кўпроқ қўллана-ди. Авваллари ишни мазмунан кўриб ҳукм чиқарадиган судья айбла-наётган шахсни қамашга ваколатли эди. Таниқли француз судья-лардан бири Ж.-М.Ламбер ўз китобида шундай ёзганди: «Асослан-маган қамоққа олишларни оммавий танқид қилаётганлар ҳақ, бу ҳақиқат, биздаги барча юридик тизимни тубдан ислоҳ қилишга тайёргарлик кўришдан бошқа

[\[154\]](#)

чора йўқ». ЖПКга 2000 йил июнида киритилган ўзгаришларга биноан бу ваколат холисликни таъминлаш мақсадида янги таъсис этилган эркинлик ва васийлик судьяларига берилди. Улар юқорирок даражадаги судьялар ҳисобланади (ЖПКнинг 137¹-моддаси).

Қамоққа олиш ёки унинг муддатини узайтириш ҳақидаги қарор устидан апелляция судига шикоят келтирилиши мумкин. Шикоят (апелляция) тегишли қарор қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирилмай берилиши керак. Умумий қоидага кўра апелляция берилиши вақтинча қамоққа олиш ҳақидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб

турмайди, яъни шахс бу масала кўриб чиқилгунга қадар қамокда сақланади. 1993 йил 24 августдаги қонун билан француз жиноят про-
[155]

цессига «refere-liberte» янги институтининг киритилиши қамокда сақлаш муддатларининг камайишига олиб келди. Бундан ташқари 2000 йил 15 июнда қабул қилинган қонунга кўра, апелляция бераётган шахс тергов камерасининг ўзидан бу масалани зудлик билан коллегиял тарзда кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақли.

Қамок муддати бир йилдан ошмаслиги лозим. Лекин асослар етарли бўлса, эркинлик ва васийлик судьяси уни яна олти ойга узайтириши мумкин. Фақат фавқулодда ҳолларда бир неча оғир жи-ноятда, гиёҳванд модда тарқатиш, терроризм, уюшган жиноятларда айбланаётганлар тўрт йилгача қамокда сақланиши мумкин (ЖПКнинг 145²-моддаси).

Қамокда сақлаш шароитлари анча афзалликларни назарда тута-ди. Масалан, қамокдаги шахс истаган кишиси билан мулоқотда бўла олади, лекин судья бундай учрашувларни ўн кунга тақиқлаб қўйишга ҳаққи бор.

Агар гумон қилинувчи керакли гаров суммасини топшира олмаса ёки у хавфли жиноят содир этганликда айбланаётган бўлса, уни қўйиб юбормасликлари ҳам мумкин. Ушбу ҳолатда у камерага кузатиб қўйилади, бундан олдин эса у синчковлик билан тинтув қилинади.

Жиноят ишлари бўйича судгача бўлган иш юритувининг бошланғич босқичларида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг умумий тасвири ана шулардан иборат. Лекин бу энг оддий тасаввур туғди-ради, холос. Янада чуқурроқ тасаввурга, муайян тергов ёки тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш қоидаларини белгилайдиган қонун-лар, қонуности актлари ва кенг суд амалиётини ўрганиб эга бўлиш мумкин.

Германияда Жиноят-процессуал кодекси Наполеон кодексига ўхшаш бўлиб, 1877 йилда қабул қилинган ва 1987 йил 7 апрелда бир қатор ўзгартишлар билан янги тахрирда тасдиқланган. «Унда эҳтиёт чораларини қўллаш тартиби батафсил баён этилиб, шахсни қамаш суднинг рухсати билан қўйиладиган фавқулодда чора эканлиги ало-ҳида

[156]

таъкидланади». Гаровга бериш вақти-вақти билан полицияда рўйхатдан ўтиш, ўз истиқомат жойида бўлиш ва муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик шартларига бўйсунуш билан боғлиқ (112-126-§). Қонун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини ва баъзи касблар билан шуғулланишни вақтинча чеклаш каби чораларни ҳам кўзда тутди (111а ва 132а-§). Айбланувчи ўзини қамокда асоссиз сақланаётгани тўғрисида судга норозилик шикоятни бериши, бундай шикоятдан қатъи назар, суд уч ойдан ортиқ қамокда сақланаётганини озод қилиш масаласини ўз ташаббуси билан кўриб чиқиши ва қамокни бошқа чоралар билан алмаштириши мумкин. Айбланувчини қамокда сақлаш

олти ой муддат билан чекланган ва фақат алоҳида зарур ҳолларда суд томонидан яна узайтирилиши мумкин (121-§).

Бир қанча континентал (қитъавий) ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда дастлабки тергов босқичида юқори салоҳиятга эга бўлган «тергов судьялари» ёки «суд терговчилари» Германияда 1975 йилда тугатилиб, шахснинг ҳуқуқи ва дахлсизлигини чекловчи ҳаракатларни суд рухсатсиз бажариш тартибидан батамом воз кечилган. «Германияда судьяга дастлабки терговда шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораларини қўллаш ваколати берилган. Айбланувчи [\[157\]](#)

фақат судьянинг қарорига мувофиқ қамоққа олиниши мумкин». Дастлабки тергов устидан суд назоратининг моҳияти ва доираси анча кенгайтирилган. Батафсиллик шу қадарки, қамалганнинг қўлига кишан солиш асослари ва шартлари ҳам Кодексга киритилган (119-§). Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олиш бошқа мамлакатларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мураккаб бўлганда ҳам қўлланишига рухсат берилган. Бир қатор жиддий жиноятларда айбланаётган шахсни қамоққа олиш ва қамоқ муддатини бир йилдан ортиққа узайтириш мумкин (122 ва 122а-§). Айтилишига айбланувчи ушланган заҳотиёқ судья ҳузурига келтирилиши, эртасидан кеч қолдирмасдан сўроқ қилиниши ва қамаш тўғрисидаги ордер нусхаси унга берилиши шарт.

Баъзи йилларда ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, ГФРда қамоқ 18% ҳолларда оғир бўлмаган жиноят ишлари бўйича қўлланган, қамалганларнинг фақат ярми судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш чорасига ҳукм қилинган, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш 80% ҳолларда айбланувчи гўё қочиб кетиши хавфи бор, деган мотив билан [\[158\]](#) асослантилган.

Италияда 1988 йилда қабул қилинган ЖПКга мувофиқ эҳтиёт чораларини «дастлабки тергов бўйича судья» амалга оширади. Судгача айбланувчини қамоқда сақлаш содир этилгани учун қонун бўйича уч йилдан ортиқ муддатга турма қамоғи назарда тутилган ва айби етарли далиллар билан тасдиқланган шахсга нисбатан қўлла-нади. Шунингдек, шахс терговдан бош тортмоқчи, далилларни йўқот-моқчи, яна жиноят қилмоқчи экани тўғрисида маълумотлар бўлиши-ни тақозо қилади. Бу ерда ҳам эҳтиёт чораси сифатида қамоқ фақат бошқа чоралар самара бермаслиги сабабли қўлланилади (255-модда).

Бошқа эҳтиёт чоралари сифатида ЖПК уй қамоғи (284-модда), мамлакат ҳудудидан четга чиқмаслик (281-модда), муайян кунларда полиция бўлимида ҳозир бўлиш (282-модда) кабиларни назарда тутди. Уларни ҳам суд танлайди.

Шотландияда 1701 йилдан буён машҳур «110 кун» номи билан

амалда бўлган қоидага кўра жиноят иши судда шу муддатдан кечикмай кўриб чиқилиши лозим. Қамоққа олиш суднинг ваколатига киради ва 110 кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда жиноят иши бекор қилинади ва шахснинг жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Швейцарияда энг муҳим ва жиддий эҳтиёт чораси дастлабки ёхуд превентив қамоқ деб номланиб, фақат тергов босқичида, шахс озодликдан маҳрум этиш жазосига лойиқ жиноят содир этгани ҳақида шубҳасиз далиллар бўлсагина, суднинг рухсати билан қўлланади. Шахсни қамаш учун, бундан ташқари, а) суд иштирокчиларига салбий таъсир кўрсатиш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш хавфи; б) айбланувчи доимий истиқомат қилиш ва ишлаш жойи, ҳатто қариндошлари ҳам йўқлиги сабабли тергов ва суддан бош тортиш хавфи; в) яна жиноят қилишга интилиш хавфи етарлича тасдиқланган бўлиши лозим.

Юқорида баён этилган ҳолатларда ҳам суднинг қарорига биноан бўлажак судланувчи жуда катта бўлмаган миқдорда гаров эвазига қамалмаслиги ёхуд уй қамоғида сақланиши, ҳатто очикда қолди-рилиб, фақат полиция бўлимида вақти-вақти билан рўйхатдан ўтиши, баъзи одамлар билан мулоқотда бўлмаслиги, баъзи жойлардан ўзини тийиши, даволаниш мажбуриятларини бажариши шарт.

Норвегия Жиноят ишларини юритиш тўғрисида 1981 йилда қабул қилинган ва 1998 йил 17 июлда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган [\[159\]](#) Кодекс да процессуал ушлаб туриш; қамоқ; мулкни хатлаш; муайян жойда ҳозир бўлиш ёки бўлмаслик тўғрисида тилхат; паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларни топши-риш; олиб қўйиш ва тинтув; телефон ва бошқа алоқа воситасидаги суҳбатларни тинглаш каби умумий мажбуриятлар чоралари назарда тутилган.

Қонунда жиноят содир этишда гумон қилинган ёхуд айбланаётган шахс ушлангандан бир сутка мобайнида «тергов ва соддалашган тартибдаги суд»га келтирилишини талаб қилинган. Шахс суд муҳокамасигача олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қамалиши ёхуд гаров эвазига қамалмаслиги мумкин. Швейцарияда ва бошқа кўп мамлакатларда назарда тутилган анъанавий уч хавфдан ташқари, шахс ўзининг илтимоси бўйича, унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қамоққа олиниши мумкин.

Қамоқ тўрт ҳафта муддатга қўлланади ва бу муддатни ҳар сафар яна тўрт ҳафтагача узайтирилишига йўл қўйилади. Суд томонидан қамоқ муддатини узайтириш тўғрисида масала ҳал қилинаётган пайт-да процессуал қамоқ қўлланган шахс ҳам ҳозир бўлиши таъминланади. Агар у иштирок этишни хоҳламаса, суд уни мажбурий келтириши мумкин.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал

қонунларида ҳам асосий жиддий эҳтиёт чораси қамокдан иборат. Қамокда сақламаслик кўпинча катта миқдорда гаров, камдан-кам ҳолатларда кафиллик билан алмаштирилади. Қонун талаблари бўйича қамокқа олиш фавқулодда чора деб қаралса-да, амалиётда аҳоли наздида жинойтчиликка қарши кураш кескин олиб борилаётгани тўғ-рисида хиссиёт туғдириш, шунингдек айбланувчидан иқрорлик ёки «керакли» кўрсатув олишни осонлаштириш мақсадида қамокқа олиш чорасига кўпроқ ружу қилинади.

Бошқа мамлакатларда ҳам жинойт-процессуал қонунчилиги юқорида баён этилганларга деярли ўхшаш бўлгани боис, уларга оид баъзи фикр ва мулоҳазаларни билдириш билан чекланаман.

Биринчидан, деярли барча ривожланган мамлакатларда эҳтиёт чоралари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, даҳлсизлиги ва бошқа қонуний манфаатларини чеклаш билан боғлиқлиги турли даражада эътиборга олинган ва жинойтчиликка қарши курашда бу мажбурлов чораларидан имкони борича қамроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланган.

Иккинчидан, аксарият мамлакатларда эҳтиёт чораларининг энг жиддийлари – қамокқа олиш, уй қамоғи ва гаров фақат қонунларда кўрсатилган ҳолда, етарли ва ишончли далиллар асосида суднинг рухсати билан қўлланиши мумкинлиги назарда тутилган. Жуда оз давлатларда бу эҳтиёт чоралари бошқа хил процессуал мажбурловлар каби прокурор қарори билан қўлланса-да, бундай қарорлар устидан манфаатдор шахслар судга шикоят беришга ҳақли эканлиги тан олинган.

Учинчидан, эҳтиёт чораларини танлаш, қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиблари турли мамлакатларда бир хилда эмас ва муфассаллик даражаси ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Юқорида баён қилинган эҳтиёт чораларига оид ўзига хос ҳуқуқий нормалар таҳлили Республикаимизнинг тегишли қонунларини ва уларнинг қўлланиш амалиётини такомиллаштириш учун кенг фойдаланишга эҳтиёж борлигидан дарак беради. Мажбурлов характе-ридаги эҳтиёт чораларини имкон борича тежамкорлик билан, айниқса уларнинг жиддийларини фақат суднинг қарори асосида ёхуд суд назорати остида қўлланиши одил судлов ва ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналишидир.

Қўлланмада юқоридаги уч ҳолатдан фақат айримларига тегишлича ижобий ва салбий муносабат билдирилган. Қолганларига ҳам эътибор қаратиш ва улардан қонунчилигимизда ҳамда унинг амалиётида самарали фойдаланиш – ҳам қарз, ҳам фарз.

Хулоса

Жиноят-судлов ишларининг асосий мақсади жиноятларни тез ва тўла очишга эришиш, айбдорларни топиш ва ҳар бир жиноят содир этган шахснинг жиноятига яраша қонуний, адолатли жазо олиши ва ҳеч қайси айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги-нинг олдини олишдан иборат.

Жиноятчиликка қарши курашнинг унумли бўлиши кўп жиҳат-дан ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш борасида ишлаб чиқи-лаётган илмий тавсияномаларга боғлиқдир. Бироқ қонунчилик жараё-нининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, бир вақтнинг ўзида бу қонунлар мустаҳкам бўлиши ва замон талабларига мос равишда ўзгарувчан бўлиши талаб этилади. Ҳозирги вақтда жамият тараққиёти шу қадар жадаллик билан ривожланмоқдаки, қонунлар замон талаб-ларига жавоб берадиган даражада доимо ўзгартириб туришни тақозо қилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, шуни таъкид-лаш лозимки, 1995 йилнинг 1 апрелидан буён амалда бўлган Жиноят-процессуал кодекси мажбурлов чораларини қўлланишининг асослари, тартиби ва шахснинг ҳуқуқлари, эркинлигини чеклашнинг чегарала-рини қатъий белгилаб берди. Шунга қарамай, назаримда, баъзи жиноят-процессуал нормаларни янада такомиллаштириш лозимдир.

Эҳтиёт чораларига оид Ўзбекистон Республикасининг ЖПК нормалари, бошқа хорижий давлатлардаги тегишли қонунлари, шунингдек умумэътироф этилган халқаро андозалардаги қоидалар таҳ-лилига, айтилиши вақтда мустақил республикамиздаги тергов-суд амалиё-тига асосланиб қуйидаги якуний фикр-мулоҳазаларга келиш мумкин.

1. Мулкни ҳибсга олиш мулкдорнинг ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ чора экани сабабли, процессуал мажбурлов чоралари тизимига тааллуқли деб ҳисоблаш ва, бинобарин ЖПКдаги мулк ундиришлар тўғрисидаги 35-боб шу тизимга киритилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Процессуал мажбурлов тизимида эҳтиёт чоралари асосий ва муҳим ўрин эгаллайди ва улар алоҳида эътиборга молик. Моҳиятан, эҳтиёт чоралари –терговчи, прокурор ва суд томонидан айбланувчига нисбатан қўлланиладиган унинг ҳуқуқ ва эркинликларини вақтинча чекловчи чоралар бўлиб, улар дастлабки тергов ва суддан яшириниш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш, жиноий фаолият-ни давом эттириш имкониятидан маҳрум қилиш, шунингдек ҳукм-нинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

3. Бир вақтлар қўлланган эҳтиёт чораси – уй қамоғини тиклаш олдинга ташланган қадам бўлар эди. Уй қамоғи эҳтиёт чораси си-фатида кўпчилик ажнабий мамлакатларда самарали қўлланмоқда. Бу чорани жамиятдан тўла ажратиб қўйиш зарурати бўлмаган шахслар-га,

жумладан касалмандларга, ёш болали аёлларга, вояга етмаган-ларга қўлланиши айниқса мақсадга мувофиқдир. Уй қамоғи чораси қўлланганларга баъзи шахслар билан мулоқотда бўлиш, телефонда сўзлашиш, хат жўнатиш ва қабул қилиш, уйдан чиқиш тақиқланиши мумкин.

4. Эҳтиёт чораларини қўллаш мақсадлари ва асоси ЖПКнинг 236-моддасида чалкаш баён этилган. Унда айбсизлик презумпциясига зид мазмундаги «айбланувчи, судланувчи жиноят содир этган» сўзлари, шунингдек қонуннинг ўзбекча ва русча матнларидаги тафо-вут бартараф этилиши лозим. Бундан ташқари, қўлланмада эҳтиёт чорасини қўллаш шартларидан асосийси – шахс айбланувчи тариқа-сида ишда иштирок этишга жалб қилинган ва сўроқ қилинган бўлиши ЖПКда алоҳида таъкидланиши тавсия этилади.

5. Шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш уни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганликда айбланиш, яъни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда жиноят иши ўн кунлик суриштирув муддати ўтмасданок, терговчига ўтказилиши лозим бўлгани сабабли, суриштирув органи эҳтиёт чорасини қўллаши, бу ҳақда прокурорнинг рухсатини олиши мумкин эмас. Бинобарин, ЖПКнинг 240-моддасига бу ҳақда қоида киритилиши лозим.

6. Қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини қўллаганда айбланувчи, судланувчи зиммасига бир қанча қўшимча мажбурият-лар: баъзи жойларда бўлмаслик, муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, автотранспорт бошқармаслик, айбловга боғлиқ бирор муайян касб билан шуғулланмаслик кабилар юкланиши ЖПКда ақс этирилиши керак.

7. Айбланувчини кафилликка олувчиларнинг масъулиятини ошириш, кафилликка олинган шахс тергов ёки суддан яширинган ҳолда уни қидириш билан боғлиқ харажатларни ва жиноят натижа-сида етказилган моддий зарарни кафиллардан суд орқали тўла ёки қисман ундириш мумкинлиги ҳақидаги қоида ЖПКга киритилиши мақсадга мувофиқ.

8. ЖПКнинг гаров эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги 249-моддасига қамоққа олиниши мумкин бўлмаган айбланувчидан гаров талаб қилинмаслиги; гаров муқобил равишда қамоқ чорасининг ўрнига қўлланиши ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини жиддий чек-лашдан иборат эканлигини эътиборга олиб, прокурорнинг розилиги-сиз қўлланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги; гаровнинг минимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари, максимал миқдори 100 бараварида белгиланиши; давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гаров беришга ҳақли эмасликлари; шахс маҳкум этил-ган ҳолда, унга тегишли гаров суммаси жиноят оқибатида етказилган зиённи ҳамда суд харажатларини қонун талабларига риоя қилиб қоплаш учун сарфланиши;

гаровга қўювчи ўзига етказилган зиённи гаровда бўлган шахсдан ундириб олишга ҳақли эканлиги тўғрисида ўзгаришлар киритиш лозим.

9. Вояга етмаганларни кузатув остига топшириш хусусида ЖПКнинг бир қатор моддаларидаги зиддиятларни бартараф этиш учун: ЖПК 237, 253, 555 ва 556-моддаларида тўққиз марта уч-райдиган «қаров» сўзини, икки марта учрайдиган «қарамоғи» сўз-ларини «кузатув» сўзи билан алмаштириш; икки марта ишлатилган «муассаса раҳбари» сўзлари ўрнига «муассаса маъмурияти» сўздан фойдаланиш; бу эҳтиёт чораси вояга етмаган айбланувчининг ота-онасидан бирига ёхуд ҳар қандай шахснинг кузатувиغا уларнинг розилиги билан берилиши мумкинлиги ёки болалар муассасасини маъмурияти зиммасига юкланиши аниқ акс эттирилиши; вояга етмаганни кузатувиغا олган шахслар ўз мажбуриятларини бажармаган-лари такдирда маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилиш-лари таъкидланиши керак.

10. Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича ЖПКнинг 254-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларини кузатув остидаги шахс қурол ва ўқ-дори олиб юриши, якка тартибда ҳарбий қисм худудидан ташқарида бўлиши, қоровуллик, навбатчилик ва бошқа турдаги масъулиятли вазифаларни бажариши тақиқланиши, кузатув остидаги шахс ўз мажбуриятларини бузган ҳолларда ҳарбий қўмондонлик эҳтиёт чорасини қўллаган органга дарҳол хабар бериши; кузатув остидаги шахсни ҳарбий хизмат ёки ҳарбий йиғиндан бўшатиш учун шу эҳтиёт чорасини қўллаган терговчи, прокурор ёки суддан рухсат олиниши лозимлиги хусусидаги қоидалар билан тўлдириш лозим.

11. ЖПКнинг 245-моддасида тергов жараёнида айбланувчини прокурорнинг рухсати билан дастлабки қамоқда сақлаб туриш муддати 10 кунгача қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ундан сўнг прокурор шахсга нисбатан қамоқ чорасини қўлланиши масаласини суд орқали ҳал этиши лозим. Суд ушбу масалани айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида муҳокама қилиши керак. Шахс суд томонидан қўлланилган эҳтиёт чоралари устидан юқори судга шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлиши, бунинг учун унга қамоққа олиш чораси қўллангани тўғрисида суднинг қароридан нусха берилиши шарт.

12. Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир этган шахс ўзини-ўзи идора қилолмаслиги, ўз қилмиши тўғрисида ҳисоб беролмаслиги, ўзига ва бошқаларга хавфли ҳолатда экани ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, эҳтиёт чораси тарзида суд томонидан қамоққа олиниши мумкин. Унга нисбатан дар-ҳол суд-психиатрия экспертизаси тайинланиши ва тергов ҳибсхонаси-дан руҳий касаллар шифохонасига жойлаштирилиб, махсус ўрнатилган шароитларда сақланиши зарур.

Юқоридаги таклиф ва мулоҳазалар амалдаги қонунчиликнинг

процессуал мажбурлов чораларини қўллаш хусусидаги нормаларини такомиллаштиришга йўналтирилган. Эҳтиёт чоралари терговчи, прокурор ва суд томонидан айбланувчига, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан қўлланиладиган вақтинчалик шахснинг ҳуқуқ-ларини чекловчи мажбурлов чоралари бўлганлиги боис, дастлабки тергов ва суднинг жиноят ишлари буйича ҳақиқатни ўрнатилишига тўсқинлик қилиш ёки жиноий фаолиятни давом эттириш имкониятидан маҳрум қилиш, шунингдек ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ноҳақ чекланмаслигини таъминлашдир. Эҳтиёт чоралари жиноят-процессуал мажбурлов чораси сифатида қонунбузарликнинг олдини олиш характериға эға. Бу чораларнинг қўлланишдаги чекловларнинг жиноят процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилиши давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ғамхўрлигидан далолат беради.

Табиийки, жиноятчиликка қарши курашда қўлланадиган эҳтиёт чоралари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат томонидан ноилож чекланишидан иборат. Шу боис уларға оид илмий изланиш-лар олиб бориш, бу борада қонунийлик ва самарадорликни таъминлашға қаратилган амалий қўлланмалар тайёрлашға эҳтиёж катта. Муаллиф мазкур қўлланма ана шу вазифаларни бажариш ва муам-моларни ҳал этишға, хусусан эҳтиёт чораларини қўллашға оид қонун-лар ва уларнинг амалиётини янада либераллаштиришға оз бўлса-да, ҳисса қўшади деб умид қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Жиноят-процессуал кодекси
(кўчирма)**

Тўртинчи бўлим

Процессуал мажбурлов

28-боб. ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

236-модда. Эҳтиёт чоралари қўлланилиши нинг мақсад ва асослари

Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлаб-ки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; хукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Айбланувчи, судланувчи содир этган, Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилиши-ни кутаётган, шунингдек ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари улар яширинишининг ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек тиббий йусиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

237-модда. Эҳтиёт чораларининг турлари

Эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

238-модда. Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинадиган

ҳолатлар

Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масала-ни хал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ушбу Ко-дексининг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйил-ган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулоти тури-ни, ёши, соғлиғи, оилавий ахволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади.

239-модда. Эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар

Эҳтиёт чораси айбланувчига, судланувчига, маҳкумга ва ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланилиши мумкин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати-га нисбатан; Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси депутати-га нисбатан; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши-ларининг депутатларига нисбатан - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судья-сига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судья-ларига нисбатан – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилиги билан;

3) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан – Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори розилиги билан қўлланилиши мумкин.

240-модда. Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгарти-рилиши мумкин.

Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда: шахсининг қандай жиноятни содир этишда айбланаётганлиги; эҳтиёт чораси қандай қонуний асосларга таяниб қўлланганлиги ёхуд тегишли далиллар келтириш йўли билан бу асослар йўқлиги ёки ўзгаргани; эҳтиёт чорасини танлашга таъсир қилувчи, қонун билан белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб, эҳтиёт чораларини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш заруратини изоҳловчи сабаблар

кўрсатилган бўлиши лозим. Қарор ёки ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга дарҳол эълон қилинади, шахснинг оғир касаллиги ёки унинг қочиб кетганлиги туфайли эълон қилиниши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

241-модда.Эҳтиёт чоралари устидан шикоят қилиш

Дастлабки терговда танланган эҳтиёт чораси устидан терговни назорат қилувчи, эҳтиёт чорасини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олганидан сўнг уч сутка ичида уни қараб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз қароридан воқиф этиши шарт.

242-модда.Қамоққа олиш

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасдан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодекси-да беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқаси-даги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасдан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда).

243-модда.Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш тартиби

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақатгина ушлаб турилган гумон қилинаётган шахсга ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин. (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1997 йил, 2-сон, 56-модда).

Фуқароларни қамоққа олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва уларнинг уринбосарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга

тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек туманларнинг (шаҳарларнинг) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган бошқа прокурорлар рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Қамоққа олишга рухсат бериш тўғрисидаги масалани ҳал қи-лишда прокурор жиноят ишига доир барча материаллар билан пухта танишиши ва зарурат бўлганда гумон қилинувчи ёки айбланувчини шахсан сўроқ қилиши, сўнг куйидаги ҳаракатлардан бирини бажа-риши шарт:

1) терговчининг эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига рухсат бериш;

2) бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки эҳтиёт чораси қўллашни рад этиш ва ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилиш.

244-модда.Қамоқда сақлаш жойлари

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг умумий камераларида сақланадилар. Суриш-тирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли.

Қамоққа олинганлар Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноят-ларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан турма ёки тергов ҳибсхонасининг бир киши-лик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинганларга нисбатан қўлланилмайди. Турмада сақлаш шароитлари тергов ҳибс-хонасида сақлаш шароитларидан фарқ қилмаслиги керак.

Қамоқда сақланаётган шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойда кўпи билан ўн суткагача олиб турилиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига ўз вақтида олиб боришга имко-ният бўлмаса, улар ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб турилиши мумкин. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтилиши мумкин. Интизомий қисмга йўллашга ҳукм қилинган ҳарбий хиз-матчилар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар авахтада сақланишлари мумкин.

Башарти маҳкум бошқа иш бўйича гувоҳ жабрланувчи бўлса, у тарбия колониясидан ёки жазони ижро этиш колониясидан тергов

ҳибсхонасига ўтказилиши ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ҳам тергов ҳибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкум: вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорнинг рухсати билан уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари рухсати билан олти ойгача муддатга тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

Бошқа туманда (шахарда) сақланаётган маҳкум прокурорнинг қарорига биноан, терговчининг прокурор розилигини олиб чиқарган қарорига биноан ёхуд суд ажримига биноан бошқа ерга кўчирилади. Бошқа ерга кўчириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари зиммасига юклатилади. (*Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь Қонини таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда*).

245-модда. Қамокда сақлаб туриш муддати

Жиноятлар тергов қилинаётганда қамокда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томо-нидан беш ойгача узайтирилиши мумкин.

Қамокда сақлаш муддатини беш ойдан ортиққа, яъни етти ойгача бўлган муддатга узайтиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан, тўққиз ойгача бўлган муддатга — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда тергов қилинаётган ишнинг ута мурак-каблигини инобатга олиб, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир эт-ганликда айбланаётган шахсларга нисбатан қамокда сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди.

(Биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда).

Тергови тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланув-чига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қамокда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишнинг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди.

246-модда. Жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганида қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш

Айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган, ишнинг ҳолатларига кўра эса, қамокда сақлаб туриш тариқасидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурор қамокда сақлаб туриш муддатини иш унга келиб тушган пайдан бошлаб бир ойгача узайтириши мумкин. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунга қадар қамокда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ушбу Кодекс 245-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади.

247-модда. Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби

Айбланувчини қамокда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида беш кун олдин терговчи бу муддатни узайтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурорга ишни ва илтимосномани тақдим этиши шарт, илтимосномада терговнинг чўзилиш сабаблари, аниқла-ниши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, сўралаётган қўшимча муддат кўрсатилиши лозим.

Айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурор иш ва терговчининг илтимосномаси билан танишиб чиқиб, қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришга рухсат беради ёки эҳтиёт чорасини ўзгартиради ёхуд бекор қилади. Прокурор рухсат беришдан олдин ўзига нисбатан қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи қўйилаётган шахсни сўроқ қилиши мумкин.

Айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома тергов муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан қўшиб берилишига йўл қўйилади.

248-модда. Қамокда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли етказилган зарарни қоплаш

Эҳтиёт чораси тариқасида қамокда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли шахсга етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки жиноят иши ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ушбу Кодекснинг еттинчи бўлими қоидалари қўлланилади.

249-модда. Гаров

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг кариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб қўяди. Баённомада айбланувчига, судланувчига унинг ушбу Кодекс-нинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўюв-чига эса, айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақ-дирда гаровга қўйилганларидан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённома гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкӣ ахволини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белги-лайди.

Гаровни топшириш вақтида, гаровга қўювчи шу эҳтиёт чораси танланган ишнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига тайинлани-ши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавобгарлиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. У ўзининг олган мажбуриятдан гаровнинг давлат фойдасига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар воз кечиши мумкин.

Гаровга қўювчи айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори-ни кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмас, у бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб беради-ган ҳоллар бундан мустасно.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли руй бермаётган бўлса, шунингдек иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолларда ёхуд суд ҳукми кучга кириши муносабати билан гаров гаровга қўювчига қайтарилади.

250-модда. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчининг ёки судланувчининг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга

тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жиноий фаолият билан шуғулланмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви билан етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятдан иборатдир. Тилхат берувчи шахс бундан ташқари ўз зиммасига суриштирув-чининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг ижозатисиз ушбу аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик ва шу аҳоли пункти доирасида истикомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

Айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбурият-ларини бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин, бу ҳақда у тилхат олиш чоғида огоҳлан-тирилади.

251-модда. Шахсий кафиллик

Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлик-лари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Кафиллар сонини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, олдини олиш мақсадида кафиллик тариқасидаги эҳтиёт чораси кўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилиши ло-зим. Бу маълумотлар кафилликка бериш баённомасида қайд қилиниб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчи кафиллик тўғрисида тилхат беради.

Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган мажбурият-лардан воз кечишлари мумкин.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айбланувчи, судланувчи олди олинishi учун шахсий кафиллик қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкин.

252-модда. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ўз қарорини айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга такдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айтилган вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истиқомат жойини ўзгартирган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа кафил-лиги бекор қилинади ва бошқа эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин.

Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир.

253-модда. Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш

Вояга етмаганларни ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, бола-лар муассасасининг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш ушбу Кодекснинг 556-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

254-модда. Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви

Айбланаётган муддатли ҳарбий хизматчи ёки ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахс суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича ҳарбий қисм, кўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юрти қўмондонлигининг кузатувига берилиши мумкин.

Қўмондонлик кузатуви қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайдиган чораларни кўришдан иборат.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими қўмондонлик учун мажбурийдир, унга ҳарбий хизматчи устидан кузатув ўрнатиш заруратини келтириб чиқарган айбловнинг мохияти тушунтирилиши лозим. Айбланувчи олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чораси қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, қўмондонлик суриштирувчи, терговчи, проку-рор ёки судни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Жиноят-процессуал кодексига ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Жиноят судлов ишларининг демократлаштиришни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, 1995 йилда Ўзбекистон Республикасида маъқулланган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг (1966й.) меъёрларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида кўрсатилган ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайри-қонуний хатти-харакатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолат-ланишини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

а) Жиноят-процессуал кодексига:

1.18-модда қуйидаги мазмунда учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахс қамоқда сақланишининг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш юзасидан судга муружаат қилиш ҳуқуқига эга».

Шу муносабат билан мазкур модданинг учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

2.46-модданинг биринчи қисми «далиллар тақдим этиш» сўзларидан кейин «эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлиги юзасидан судга шикоят қилиш; унга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг ва қамоқда сақлаш муддати узайтирилганлигининг қонунийлиги ҳамда асосланганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги судга келиб тушган материаллар билан танишиш» сўзлари билан, шунингдек «суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш» сўзларидан кейин «судья томонидан шикоят ушбу Кодекснинг 358²-моддасида кўзда тутилган тартибда кўри-лаётганда иштирок этиш» сўзлари билан тўлдирилсин.

3.48-модданинг биринчи қисмини «далиллар тақдим этиш» сўзларидан кейин «эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлиги юзасидан судга шикоят қилиш; унга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини тасдиқлаш тўғрисида судга келиб тушган материаллар билан танишиш; судья томонидан шикоят ушбу Кодекснинг 358²-моддасида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилишида иштирок этиш»

сўзлари билан тўлдирилсин.

4.53-модданинг биринчи қисмини «гумон қилинувчи ёки айбланувчи» сўзларидан кейин «уларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланишининг ва айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш муддати узайтирилишининг қонунийлиги ва асосланганлиги-ни тасдиқлаш тўғрисида судга келиб тушган материаллар билан» сўзлари, шунингдек «улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш» сўзларидан кейин «судья томонидан шикоят ушбу Кодекснинг 358²-моддасида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилишида иштирок этиш» сўзлари билан тўлдирилсин.

5.76-модда қуйидаги мазмунда учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшираёт-ган судья ўша иш бўйича биринчи, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларида қатнашиши мумкин эмас, лекин ушбу Кодекснинг 358²-моддасида кўзда тутилган тартибда қайта шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга».

Шу муносабат билан мазкур модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

6.240-модданинг иккинчи қисмидаги «шахсга дарҳол эълон қилинади» сўзларидан кейин «унга айна вақтда қўлланган эҳтиёт чораси устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади» сўзлари билан тўлдирилсин.

7.241-модда қуйидаги мазмунда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш устидан судга шикоят қилиш мумкин ва суд шикоятни ушбу Кодекснинг 358²-моддасида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқади».

8.242-модда қуйидаги мазмунда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ушбу Кодекснинг 358²-моддасида кўзда тутилган тартибда суд томонидан бекор қилинган бўлса, ўша шахсга нисбатан шу иш бўйича бу чорани қайта қўллаш қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган янги ҳолатлар аниқлан-ган чоғдагина қўлланади. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қайта қўлланиши устидан судга умумий тартибда шикоят қилинади».

9.245-модда қуйидаги мазмунда тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддага кўра қамоқда сақлаш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш устидан судга шикоят қилиш учун ҳамда унинг қонунийлиги ва асосланганлигини ушбу Кодекснинг 358¹ ва 358²-моддалари тартибда текшириш учун сабаб бўлиб хизмат қилади».

Шу муносабат билан мазкур модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча бешинчи ва олтинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

10.358-модда қуйидаги мазмунда учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланиши ҳамда унинг муддати узайти-рилиши устидан шикоятлар судга ҳам тақдим этилиши мумкин».

11. Кодекс қуйидаги мазмунда 358¹-358³-моддалар билан тўлдирилсин:

«358¹–модда. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтириш устидан судга шикоят қилиш

Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтириш устидан шикоят қамоқда сақланаётган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили томонидан бевосита судга ёхуд суриштирувчи, терговчи ёки прокурор орқали топширилиши мумкин.

Қамоқда сақланаётган шахснинг шикоятини олган у сақланаётган жойнинг маъмурияти дарҳол, шикоят олинган вақтдан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай уни тегишли судга топшириши ва бу тўғрида прокурорга хабар бериши шарт.

Суриштирувчи, терговчи ва прокурор шикоятни шахсга нисба-тан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки уни қамоқда сақлаш муддати узайтирилишининг қонунийлиги ва асосланганлигини тас-диқловчи материаллар билан бирга йигирма тўрт соат ичида судга юборишга мажбурдир. Агар шикоят қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти орқали берилган бўлса, прокурор юқорида тилга олинган материалларни маъмуриятдан шахснинг шикоят келтирганлиги тўғрисидаги хабарни олган вақтдан ўша муддат ичида судга юбориши керак.

Шикоят бериш эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғри-сидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб турмайди ва суриштирувчи, терговчи ёки прокурор лозим топмаса, шахсни қамоқдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

358²-модда. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришнинг қонунийлиги ва асосланганлигини суд текшируви

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини, шунингдек қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирилишини суд текшируви судья томонидан шахсни қамоқда сақлаб туриш жойида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтириш қонунийлиги ва асосланганлигини тасдиқловчи материаллар олинган кундан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва

асосланганлигининг ёки қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирили-шининг суд текшируви прокурор, химоячи, агар ишда қатнашаётган бўлса – қамоқда сақланаётган шахснинг қонуний вакили иштирокида ёпиқ мажлисда кўриб чиқилади. Судья мажлисга қамоқда сақланаётган шахсни чақиради. Тарафларнинг мажлисда узрли сабабларсиз қатнашмаслиги суд текширувини ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлигининг ёки қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирили-шининг суд текширувини қамоқда сақланаётган шахснинг иштироки-сиз ўтказишга ўша шахс шикоятни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш тўғрисидаги аризаси бўлган ёки ўз ташаббуси билан мажлисда қатнашишдан бош тортган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мажлис бошланишида судья қандай шикоят кўриб чиқилишини эълон қилади, мажлисда ҳозир бўлганларга ўзини таништиради, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Шундан сўнг агар шикоятни кўриб чиқишда қатнашаётган бўлса шикоятчи уни асослаб беради, ундан кейин эса мажлисда ҳозир бўлган бошқа шахслар фикрларини билдирадилар. Судья томонидан ушбу моддада кўзда тутилган тартибда шикоят кўриб чиқилишида баённома тузилади.

358³-модда. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришнинг қонунийлиги ва асосланганлигини суд текшируви натижалари тўғрисидаги судьянинг қарори

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришнинг қонунийлиги ва асосланганлигини суд текшируви натижалари асосида судья қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни бекор қилиш ва шахсни қамоқдан озод қилиш; шикоятни қаноатлантирмаслик.

Агар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришнинг қонунийлиги ва асосланганлигини тасдиқловчи материаллар мажлисга тақдим этилмаган бўлса, судья эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни бекор қилиш ва шахсни қамоқдан озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Судьянинг қарори асослантирилган бўлиши лозим.

Судья эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни бекор қилиш ва шахсни қамоқдан озод қилиш тўғрисида қарор билан бир вақтнинг ўзида қонунда назарда тутилган бошқа эҳтиёт чорасини танлаш ҳуқуқига эга.

Судья чиқарган қарорнинг нусхаси прокурор ва шикоятчига, қамоқдан озод қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган ҳолларда эса қамоқдаги шахс сақланаётган жойнинг маъмуриятига ҳам дарҳол ижро этиш учун топширилади. Агар қамоқда сақланаётган шахс суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, у судья томонидан дарҳол суд мажлиси залидан озод этилади.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришнинг қонунийлиги ва асосланганлигини суд текшируви натижалари асосида судьянинг чиқарган қарори устидан шикоят ва протест келтирилмайди.

Бир шахсга нисбатан бир иш бўйича қаноатлантирмай қолдирилган шикоятларни қайта кўришга ушбу Кодекснинг 358²-модда-сида кўзда тутилган тартибда йўл қўйилади, бунинг учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан у бекор қилинган ёки ўзгартирилгандан кейин яна танланган бўлиши ёхуд айбланувчини қамоқда сақлаш муддати яна узайтирилган, шунингдек иш бўйича қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини гумон остига қўювчи янги ҳолатлар аниқланган бўлиши керак».

б) Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғриси-да»ги Қонунига:

10-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин: «Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олиш ва қамоқ муддатини узайтириш тўғрисида прокурорнинг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ судга шикоят берилиши мумкин».

**Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг эҳтиёт
чораларини қўллашга оид фикр-мулоҳазаларини ўрганиш учун
тузилган
АНКЕТА**

Сўровда иштирок этганлар:

Суриштирувчи- 26

Терговчи - 56

Прокурор, прокурор ўринбосари, ёрдамчиси- 34

Судья – 14

Адвокат - 70

Жами – 200 киши

№	Саволлар	Жавоблар % ҳисобида
1	Жиноий жазоларни либераллаштирилиши амалда қандай натижалар берди?	
	- Салбий	6
	- Ижобий	79
	- Жавобсиз	15
2	Қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чора-сини қўллаш криминоген ҳолатга қандай таъсир кўрсатади?	
	- Салбий	21
	- Ижобий	53
	- Жавобсиз	26
3	Тергов ва суддан яшириниш, ҳақиқатни аниқланишига тўсқинлик қилиш, жиноий фаолиятни давом эттириш ҳолларининг олдини олиш ва ҳукмларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қамоқ ва унинг муқобили тарзида гаров фақат айбланувчига нисбатан қўлланиши мумкинми?	
	-Ҳа	68
	-Йўқ	26
	-Жавобсиз.	16
4	Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсга нисбатан тилхат, кафиллик, гаров тарзида эҳтиёт чораси қўллаш мумкинми?	
	- Ҳа	42
	- Йўқ	51
	- Жавобсиз	7
5	Айбланувчини ва гумон қилиниб	

	ушланган шахсни прокурорнинг рухсати билан фақат ўн кунгача қамоқда сақлаш мумкин деб ҳисоблайсизми?	
	- Ҳа	75
	- Йўқ	21
	- Жавобсиз	4
6	Шахсни қамоқда сақлашга рухсат беришдан аввал прокурор уни бевосита сўроқ қилиши шарт, қидирув эълон қилиш муно-сабати билан қамоққа рухсат бериш ҳол-лари бундан мустасно, деган фикрга қўшиласизми?	
	- Ҳа	63
	- Йўқ	22
	- Жавобсиз	15
7	Шахсни қамашга рухсат берган прокурорнинг қароридан норози бўлиб судга шикоят қилиш ҳуқуқини маъқуллайсизми?	
	- Ҳа	64
	- Йўқ	33,3
	- Жавобсиз	2,7
8	Гумон қилинган шахсни ўн кундан ортиқ қамоқда сақлаш мумкин эмас, айбланувчи-ни ўн кундан ортиқ қамоқда сақлаш учун эса суднинг ижозати олинishi шарт, деган таклифга қўшиласизми?	
	- Ҳа	47,9
	- Йўқ	50
	- Жавобсиз	2,1
9	Айбланувчини тергов тамомланмагунча ва ишни суд кўриб ҳал қилмагунча қамоқда сақлаш ҳақида прокурорнинг мурожаатини суд айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиши лозим деб ҳисоблайсизми?	
	- Ҳа	58
	- Йўқ	31
	- Жавобсиз	11
10	Айбланувчи ўзини қамоққа олинishi ҳақи-да суднинг қарори устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақли бўлиши керакми?	
	- Ҳа	44
	- Йўқ	49

	- Жавобсиз	7
11	Эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғини қўллаш мумкинми?	
	- Ҳа	42
	- Йўқ	40
	- Жавобсиз	18
12	Уй қамоғини фақат оғир касаллар, ёш болали аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан қўллаш тарафдоримсиз?	
	- Ҳа	61,7
	- Йўқ	22
	- Жавобсиз	16,3
13	Суриштирув органининг эҳтиёт чоралари-ни қўллашига оид нормалар ЖПКдан чиқариб ташланиши лозимми?	
	- Ҳа	37
	- Йўқ	41
	- Жавобсиз	19
14	Айбланувчини жамоат кафиллигига бериш-ни эҳтиёт чоралари қаторидан чиқариб ташлаш керакми?	
	- Ҳа	22
	- Йўқ	67
	- Жавобсиз	11
15	Ўлим жазосини назарда тутувчи жиноятни содир этишда айбланаётган шахсга қамокдан бошқа эҳтиёт чораси қўллаб бўладими?	
	- Ҳа	6
	- Йўқ	92
	- Жавобсиз	2
16	Айбланувчини гаровга бериш учун прокурордан ижозат олиш шартми?	
	- Ҳа	28
	- Йўқ	35
	- Жавобсиз	37
17	Жиноят натижасида етказилган моддий зиённи қопламаган айбланувчини гаровга берса бўладими?	
	- Ҳа	14
	- Йўқ	78
	- Жавобсиз	8
18	Тилхат, шахсий кафиллик ёки гаров чораси қўлланган айбланувчи тергов ва суддан яширингани ҳолда қидирув харажатларини ундан, кафилдан ёки гаров берган шахсдан қисман бўлса-да,	

	суд орқали ундириш мумкинми?	
	- Ҳа	36
	- Йўқ	42
	- Жавобсиз	22
19	Шахсий кафиллик ёки гаровдаги айбланувчи тергов ва суддан яширингани ҳолда жиноят оқибатида етказилган зиённи кафилдан ёки гаров берган шахсдан қисман бўлса-да, суд орқали ундириш мумкинми?	
	- Ҳа	46
	- Йўқ	48
	- Жавобсиз	6
20	Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари танланганда уларнинг дастлабки тергов ва суддан яшириниш ҳолатлари бўлганми?	
	- Ҳа	57
	- Йўқ	40
	-Жавобсиз	3
21	Айбланувчи жиноят натижасида етказилган моддий зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаган ҳолларда эҳтиёт чораси енгиллаштирилганми?	
	- Ўзгаришсиз қолдирилган.	42
	- Енгилроғига ўзгартирилган	42
	- Жавобсиз	16
22	Эҳтиёт чорасини енгиллаштириш ҳақида айбланувчининг шикоятни қондирилганми?	
	- Ҳа.	63
	- Йўқ	32
	- Жавобсиз	5
23	Шикоятни ким кўриб чиққан?	
	Суриштирувчи .	0
	Терговчи	11
	Прокурор	74
	Судья	15
24	Эҳтиёт чоралари нотўғри қўллангани ҳақи-да судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши керакми?	
	-Ҳа	37
	-Йўқ	26
	-Жавобсиз	37
25	Эҳтиёт чораси танлаш амалиётида қандай муаммолар учрайди?	

	Айрим жиноятлар учун енгил жазо назарда тутилганлиги	0
	Эҳтиёт чораларини танлаш имконияти чеклангани	13
	Эҳтиёт чорасини нотўғри танлагани ёки ўзгартиргани учун терговчига интизомий жазо қўлланиши	25
	Судда эҳтиёт чораси ўзгартирилганига оддий ҳолат сифатида қараш лозимлиги	10
	-Муаммолар йўқ	52
26	Эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича Сизнинг таклифларингиз ва фикр-мулоҳазаларингиз?	
	Терговчига нисбатан интизомий жазо қўллаш амалиётидан воз кечиш	16
	Эҳтиёт чорасини танлашда терговчининг имкониятларини кенгайтириш	10
	Гаров чорасини кенг қўламда қўллаш	26
	Уй қамоғини жорий этиш	15
27	Мулкни хатга олиш, яъни унга ҳибс солишни мулк эгасига нисбатан мажбурлов чораси деб ҳисоблайсизми?	
	- Ҳа	87
	- Йўқ	6
	- Жавобсиз	7

**Фуқароларнинг эҳтиёт чоралари қўллашга оид фикр-мулоҳазаларини ўрганиш учун тузилган
АНКЕТА**

Сўровда жами 124 фуқаро қатнашган.

№	Саволлар	Жавоблар % ҳисобида
1	Сизга ёки сизнинг яқинларингизга нисбатан қандай эҳтиёт чораси қўлланилган?	
	Қамоқ	31
	Гаров	6
	Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат	40
	Жамоат кафиллиги	3
	Шахсий кафиллик	11
	Ҳарбий хизматчи устидан қўмондонлик кузатуви	3
	Вояга етмаган шахсни кузатув остига топшириш	6
2	Эҳтиёт чораси шахсни айбланувчи тариқа-сида ишга жалб қилишдан олдин	

	амалга оширилганми?	
	-Ҳа	20
	-Йўқ	66
	-Жавобсиз	14
3	Эҳтиёт чораси қўллангани устидан шикоят келтирганмисиз?	
	- Ҳа.	33
	-Йўқ	54
	-Жавобсиз	13
4	Шикоятни ким кўриб чиққан?	
	Суриштирувчи.	2
	Терговчи	6
	Прокурор	37
	Суд	45
	Жавобсиз	10
5	Шикоят қондирилганми?	
	- Ҳа.	52
	-Йўқ	38
	-Жавобсиз	10
6	Агар шикоят қондирилган бўлса	
	Эҳтиёт чораси бекор қилинган	14
	Қамоқ чораси ўзгартирилган	35
	Ассосиз қамалгани учун товон олган	3
7	Эҳтиёт чораси тарзида қамоқ устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини сиз маъқул кўрасизми?	
	-Ҳа	64
	-Йўқ.	23
	-Жавобсиз	13
8	Эҳтиёт чораси тарзида қамоқни қўллаш учун суддан рухсат олиш тартибини Сиз ёқлайсизми?	
	-Ҳа.	47
	-Йўқ.	50
	-Жавобсиз	3

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. –Т.: Шарқ, 1993.–30 б.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.
3. Каримов И.А.Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -74 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 381б.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 365 б.
7. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
8. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 110 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
13. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. –Т.: Шарқ, 1998. – 104 б.
14. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
16. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.–526 б.
17. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. //Халқ сўзи. – 2001. – 30 авг.
18. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.:Ўзбекистон, 2001. – 438 б.
19. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.

Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

20. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

21. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч–қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас ирода-сига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 43 б.

2. Норматив материаллар

22. Действующее международное право. Сост. Ю.М.Коюсов, Э.С.Кривчикова. Т.2. –М: 1997. –Б. 100–111.

23. Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. –М: 1998. –Б. 221.

24. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари.. –Т.: Адолат, 1998. –80 б.

25. Информационный бюллетень ГСУ МВД РУз. – Т.: МВД РУз, – 2003. –187 б.

26. Конвенция Содружества Независимых Государств о правах и основных свободах человека //СЗ РФ. 1999. № 13. Ст. 1489.

27. Международные акты о правах человека. –М: Норма, 2000. – 784 б.

28. Международные акты. –М: Юристь, 2000. – 499 б.

29. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: Адолат, 2004. – 270 б.

30. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003, – 40 б.

31. Модельный Уголовно-процессуальный кодекс для Государств – Участников СНГ // Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи СНГ. – 1996. – №10. Приложение.

32. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2003 йилги фаолияти тўғрисида ҳисобот. –Т.: 2004. –84 б.

33. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. – 384 б.

34. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. – 624 б.

35. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). –Т.: 2002, –57 б.

36. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами.–Т.:1999.- 427 б.

37. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари

- тўплами. 2 жилдли. –Т.: Шарқ, Т.1. 1998. – 64 б., Т.2. 1999. – 400 б.
38. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорлари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2004. -83 б.
39. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги қарорлари.–Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2004.-62 б.
40. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. – Бишкек: Кыргызстан, 2000. –432 б.
41. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. – Минск: Амалфея, 2001. – 384 б.
42. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы: 1998. – 394 б.
43. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – Кишинев: 2003. – 259 б.
44. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. –М: Объединенная редакция МВД России, 2002. – 288 б.
45. Уголовно-процессуальный кодекс Украины. –Киев: Украина, - 241 б.
46. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. –Таллин, –268 б.
47. Уголовно-процессуальный кодекс Германской Федеративной Республики. –М: Манускрипт, 1994. – 204 б.

3. Махсус адабиётлар

48. Абдумажидов Г. Усиление гарантий прав и законных интересов граждан при производстве следственных действий // Актуальные проблемы совершенствования производства следственных действий / Под. ред.: Р.К.Каюмова и др. –Т.: 1982. –Б.40.
49. Абдумажидов Ғ.А., Полвонзода А.А. ва бошқалар. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. –Т.: Адолат, 2002. – 368 б.
50. Агаев Ф.А., Галузо В.Н. Иммуниететы в российском уголовном процессе. –М: ТЕИС, 1998. – 135 б.
51. Алламуратов А.Т. Теоретические вопросы дипломатического и консульского иммунитета в уголовном процессе. –Т.: ТДЮИ, 2003. –54 б.
52. Андреев В.Н. Содержание под стражей в СССР и России. –М: Спарк, 2000. – 498 б.
53. Асанов В.В., Данилова Р.В. Обеспечение прав человека в процессе раскрытия преступлений. Учеб. пособие для образовательных учреждений МВД России. –М: Институт МВД России, 1999. – 107 б.
54. Барщевский М.Ю. Адвокатская фирма (бюро) в системе адвокатуры. –М: Белые альвы. 1995. – 259 б.

55. Батюк В.Н. Задержание и заключение под стражу в стадии предварительного расследования. – Киев: НИ и РИО КВШ МВД, 1990. – 92 б.
56. Бахрах Д.Н. Административная ответственность. –М: Юристь, 1999. – 249 б.
57. Безлепкин Б.Т. Судебно-правовая защита прав и свобод граждан в отношениях с государственными органами и должностными лицами. –М: ЮрЛитИнфоР, 1997 – 128 б.
58. Брусницин Л.В. Правовое обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию. –М: Спарк, 1999. – 108 с.
59. Васильева Е.Г. Меры уголовно-процессуального принуждения. –Уфа: БашГУ, 2003. – 129 с.
60. Волженкина В.М. Европейская конвенция о защите прав человека и российский уголовный процесс. – СПб.: 1998. – 48 б.
61. Головкин Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. –М: Спарк, 1995. – 130 б.
62. Громов Н.А. Уголовный процесс России. –М: Юристь, 1998. – 552 б.
63. Громов Н.А., Францифоров Ю.В. Правоприменительная деятельность органов предварительного расследования, прокуратуры и судов. Основные начала: Учебное пособие для вузов. –М: Приор, 2000. – 160 б.
64. Гуткин И.М. Меры пресечения в уголовном процессе. –М: Юрид. лит., 1989. – 154 б.
65. Гуценко К.Ф. Основы уголовного процесса США. –М: МГУ, 1993. – 88 б.
66. Гуценко К.Ф., Головкин Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. –М: Зерцало-М, 2001. – 384 б.
67. Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. Учебник. –Нукус: Билим, 1999. – 320 б.
68. Даньшина Л.И. Меры пресечения при производстве по уголовному делу. Учебное пособие. –М: УМЦ при ГУК МВД РФ, 1991. – 241 б.
69. Демидов И.Ф. Проблемы прав человека в Российском уголовном процессе (концептуальные положения). –М: 1995. –289 б.
70. Дженин Юнкер. Содержание под стражей на досудебной стадии и во время суда. –М: 1998. –С.55-57.
71. Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. –М: Спарк, 1996. – 254 б.
72. Дубинский А.Я., Сербулов А.М. Меры пресечения в уголовном процессе. –Киев: КВШ МВД СССР, 1990. – 182 б.
73. Еникеев З.Д. Принципы применения мер пресечения по уголовным делам. –Уфа: БашГУ, 1997. – 178 б.

74. Еникеев З.Д. Уголовное преследование. Учебное пособие. – Уфа: БашГУ, 2000. – 131 б.
75. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. –Т.: Тошкент ислом университети, 2002. –256 б.
76. Жиноят процесси (умумий қисм). / Юридик фанлари номзоди, доц. З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –383 б.
77. Жиноят процесси дарслиги (махсус қисм). / Юридик фанлари номзоди, доц. З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2003. –380 б.
78. Иномжонов Ш. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. Илмий-амалий қўлланма. –Т.: Адолат, 2003.–177 б.
79. Инсон ҳуқуқлари мониторинги. Тўплам. Масъул муҳаррирлар С.Рашидова ва Х.Бюллер. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. –Б. 204-205.
80. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 88 б.
81. Искандаров З.Х. Участие защитника в стадии расследования преступлений: проблемы теории, законодательного регулирования и практики. –Душанбе: Ирфон, 1998.–312 б.
